O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

**2009** йил, **1** май, жума № **18** (2301). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **1** мая, **2009** год, № **18** (2301). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

**E-mail: vatan@rol.uz**

В розницу – цена договорная

...ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САФИДА ВАТАН МАНФААТЛАРИГА ЧИН ДИЛДАН САДОҚАТЛИ, МУҚАДДАС ЗАМИНИМИЗДАГИ ТИНЧ ВА ОСУДА ҲАЁТНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАБ КЕЛАЁТГАН ЭНГ МУНОСИБ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИМИЗ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари – Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчиларининг учрашувида иштирок этди.**

Ушбу жамғармага Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 4 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида асос солинган. Унинг асосий мақсади Орол инқирози туфайли зиён кўрган ҳудудларда экологик аҳволни яхшилашга қаратилган илмий-амалий лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш, умумий ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топишдан иборат.

Олмаота учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов иштирок этди.

Маълумки, 1994 ва 2002 йилларда Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ саъй-ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бу дастурларга мувофиқ қатор лойиҳалар амалга оширилди. Амударё дельтасида сунъий ҳавзалар барпо этиш, Орол денгизининг қуриган қисмида дарахт кўчатлари ўтқазиш каби лойиҳалар шулар жумласидандир. Президентлар жамғарма Ижроия қўмитасига Орол денгизи ҳавзасида экологик аҳвол ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш бўйича аниқ саъй-ҳаракатларнинг янги дастурини ишлаб чиқишни топширишга келишиб олдилар.

Бугун Орол инқирозининг даҳшатли оқибатлари ҳеч кимга сир эмас. Амударё дельтасининг ўзида кўллар майдонига оид кўрсаткич 26 минг гектарга тушиб қолган. Денгиз атрофида юзлаб километрларга чанг ва туз тарқалмоқда. Шўрхок ерлар майдони кенгайиб, бу борадаги кўрсаткич 85 минг гектардан 273 минг гектарга кўтарилди. Қамишзор ва тўқайлар майдони эса, аксинча, 20-25 баробар қисқарди. Дарёларда сув камайиши ичимлик суви таъминотида муаммолар келтириб чиқарди, денгиз қуриши эса унинг атрофида иқлим ўзгаришларига олиб келди.

Президентлар Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш, бу ҳудудда бажарилиши зарур бўлган долзарб ижтимоий-иқтисодий вазифалар, сувдан тежамли фойдаланиш технологиялари ҳамда сув ва ўрмон мелиорацияси соҳаларида ҳамкорлик билан боғлиқ ва ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикрлашдилар.

Президентлар сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншоотлари барпо этиш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Айни пайтда трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимида жойлашган мамлакатлар янги ГЭСлар қуриш ниятида экани яхши маълум. Бундай ҳаракатлар трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмидаги давлатларга жиддий зиён етказиб, минтақадаги мураккаб экологик аҳвол янада ёмонлашишига олиб келади. Марказий Осиё фаол сейсмик зона эканини ҳисобга олсак, тўғонларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммоси ҳам юзага чиқади.

Шундай экан, трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехника иншооти қуриш учун барча қўшни давлатлар билан бамаслаҳат иш тутиш, халқаро экспертларнинг мустақил экспертизасини ташкил қилиш, уларнинг тўғонлар хавфсизлиги кафолатлангани ва экологияга путур етмаслиги тўғрисидаги хулосасини олиш зарур.

Марказий Осиё давлатлари бу масалаларни ўзаро келишган ҳолда ечишга қодир. Сув-энергетика захираларидан фойдаланиш масаласи, айрим мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётгандек, ечими йўқ муаммо эмас. Бу борада маслаҳатлашувлар қизғин мунозара билан ўтиши мумкин. Лекин бу минтақа давлатлари ўзаро келиша олмайди, дегани эмас. Чунки Марказий Осиёдаги бирор давлатда муаммо юзага келса, минтақанинг бошқа мамлакатларига ҳам таъсир кўрсатиши барчага аён. Шу боис қўшни давлатлар бир-бирининг барқарорлигидан манфаатдордир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент – Олмаота – Тошкент.**



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

***Юртнинг асл ўғлонлари – қўрғонларимиз***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**Аввал хабар қилинганидек, шу йил 28 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммит ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу нутқи матни эълон қилинмоқда.**

Муҳтарам давлат раҳбарлари,
Хонимлар ва жаноблар,

Аввалambор, давлат раҳбарлари ва бу ерда ҳозир бўлган минтақавий ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакилларини, экспертларни, ушбу учрашувнинг барча иштирокчиларини қутлаш ва уларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевга анъанавий меҳмондўстлик ва анжуманимиз қатнашчиларига кўрсатилаётган катта эътибор учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг мазкур учрашуви нечоғли долзарблигини ва мажлисда муҳокама этиладиган масалалар фақатгина минтақавий аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

**(Давоми 2-бетда).**



4 ЖАРАЁН
УЮШҚОҚЛИК – ИЛҒОРЛИК ОМИЛИ



5 ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ
ЮНОШИ В ГОСТЯХ У ВОИНОВ



8 ТАНЛОВ
КЕЙИНГИ БОСҚИЧ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



24 МАДАНИЯТ
САНЪАТГА ОШУФТА КЎНГИЛ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Орол денгизи муаммосининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида айниқса хавфли тус олди. Аҳоли сонининг кўпайиши ва сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиб туриши энг янги тарихдаги йирик глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига – сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига олиб келди. Бутун инсоният кўз ўнгида денгиз ҳалокатга юз тутмоқда. Менингча, тарихда бундай ҳодиса илгари рўй бермаган.

Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди.

Бу ерда пайдо бўлган чўл Оролбўйи ҳудудини шафқатсизларча қамраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Экологик хавф доимий тус олиб, мавжуд ҳудуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, у фарзандларимиз генофондига, бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли генофондига хавф солмоқда. Бу хавфнинг таъсири бугунги кунда нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар – Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти, Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бормоқда.

Сув ресурсларининг, жумладан, ичимлик сувининг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг яроқсиз ҳолга келиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши туфайли иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ равишда минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг қисқариб бориши – булар Орол денгизининг ҳалокати натижасида вужудга келаётган салбий оқибатларнинг кичик бир рўйхати, холос.

Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқиши ва асоратлари жиҳатидан глобал, таъбир жоиз бўлса, бутун сайёрамиз миқёсидаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Экспертларнинг фикрича, тобора ҳалокатли тус олиб бораётган бундай таҳликали вазиятда шу нарса борган сари аён бўлмоқдаки, бу муаммони жаҳон ҳамжамияти ва биринчи навбатда, БМТ институтлари билан биргаликда ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларсиз бартараф этиш мумкин эмас.

Маълумки, жорий йилнинг март ойида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилганига 16 йил тўлди ва бугун биз унинг фаолиятига доир айрим натижаларни кўриб чиқишимиз мумкин. Жаҳон жамоатчилиги, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳукуматлари ва қатор халқаро институтлар эътиборини Орол муаммосига жалб эта олганимиз, шубҳасиз, ушбу Жамғарманинг хизматидир.

Ҳозирги вақтда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Глобал экология фонди, турли халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатларнинг фаол ёрдами ҳамда иштирокида минтақада истиқомат қилувчи аҳоли генофондига хавф солаётган нохуш вазиятни соғломлаштириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2008 йилда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақомининг берилиши унинг глобал миқёсда фаолият кўрсатиши учун янги имкониятлар очмоқда.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда Орол бўйича халқаро конференция ўтказилгани ушбу ўта жиддий муаммони халқаро даражада кўриб чиқишга яна бир сезиларли туртки берди. Анжуманда 90 дан ортиқ халқаро ташкилот, Япония, Германия, Хитой Халқ Республикаси ва араб мамлакатларининг йирик давлат молия институтлари, шунингдек, етакчи тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этгани бунинг тасдиғидир.

Форум якунлари бўйича Тошкент Декларацияси ва Орол ҳалокатининг оғир оқибатларини юмшатиш учун умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутадиган ҳаракат режаси қабул қилинди.

Бизнинг фикримизча, халқаро институтлар ва донор-мамлакатлар томонидан маъқулланган ушбу ҳаракат режасидан экспертларимиз ва Халқаро жамғарма мутахассислари Орол денгизи ҳавзасидаги минтақага ёрдам кўрсатиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурининг учинчи босқичини ишлаб чиқишда самарали фойдаланишлари мумкин.

Биз, Ўзбекистонда Орол денгизини том маънода қуриб қолишнинг амалда деярли иложи йўқлигини яхши англаймиз. Аммо бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт. Бу бизнинг бурчимиздир.

Орол қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Орол денгизи ҳавзасини экологик жиҳатдан соғломлаштириш борасида бизнинг асосий, энг муҳим вазифаларимиз, аввало, қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз:

– Орол денгизининг қуриб қолган қисмида кичик сув ҳавзалари яратиш, чанг ва туз бўронларини камайтириш мақсадида дельта ҳавзаларига сув етиб боришини таъминлаш, биохилма-хиллик ва дельта экотизимини қайта тиклаш;

– Орол денгизининг қуриб қолган қисмида жуда муҳим бўлган ўрмонзорлар барпо этиш, қум кўчишини тўхтатиш, денгизнинг қақраб ётган тубидан заҳарли моддалар кўтарилишини камайтириш;

– коммунал хизмат ва даволаш муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш ва сувни зарарсизлантирувчи қурилмалар билан жиҳозлаш, сув йиғиш иншоотларини хлорловчи қурилмалар билан қайта жиҳозлаш ҳамда аҳолининг соғлигини сақлашга хизмат қиладиган бошқа кўплаб тадбирларни бажариш;

– Оролбўйи ҳудудида кўлами тобора кенгайиб бораётган экологик таназзулнинг аҳоли саломатлиги ва фарзандларимиз, келгуси авлодларимиз генофондига таъсирини тизимли асосда ўрганиш, ушбу минтақага хос турли хавфли касалликлар одамлар орасида кенг тарқалишининг олдини олиш ва бундан огоҳлантириш, бу ерда яшаётган аҳоли учун ихтисослашган профилактика ва даволаш муассасалари тармоғини кенгайтириш, ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш.

Қайд этилган лойиҳалар ва дастурларни жорий этиш учун фақат кейинги 10 йил мобайнида Ўзбекистонда 1 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, хорижий кредитлар, техник кўмак ва грантлар ҳисобидан қарийб 265 миллион долларга тенг маблағ сарфланди.

Шу юксак минбардан туриб, менга берилган имкониятдан фойдаланиб, Орол фожиасини юмшатишда бизга катта ёрдам кўрсатган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тузилмаларига, барча донор-мамлакатларга чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг инсоний бурчим, деб биламан.

Яна бир муҳим масала тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Орол фожиаси ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар ҳақида сўз борганда, табиийки, ушбу вазифани ҳал этиш бевосита сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, минтақадаги ўта нозик бўлиб турган экологик ва сув мувозанатини сақлашга эҳтиёткорлик билан ёндашиш муаммолари билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз.

Бугун Оролбўйи ҳудудида ва умуман минтақада юзага келган ниҳоятда жиддий ва тобора оғирлашиб бораётган экологик вазиятда Орол денгизи қуриши туфайли юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида ғоят муҳим чоралар кўриш кераклигини кимгадир исботлаб ёки кимнидир бунга ишонтириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари,

Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви чоғида кенгайтирилган таркибдаги музокарада фақат битта масала – Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолияти ва унинг истиқболдаги асосий вазифаларини муҳокама қилишга келишиб олинган эди. Бироқ айрим ҳамкасбларимиз ўз сўзларида кенгайтирилган таркибдаги музокарадаги келишувимиз доирасидан чиқиб кетди. Шунга қарамай, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти доирасидан анча йироқ бўлган масалалар юзасидан бугун баҳс-мунозара уюштиришдан ҳеч қандай маъно йўқ, деб ўйлайман.

Мен фақат биз учун жуда муҳим бўлган бир воқеа, яъни яқинда Жаҳон банки президенти жаноб Роберт Зелликдан олинган ва Ўзбекистон матбуотида эълон қилинган мактуб ҳақида яна бир бор эслатиб ўтишни истардим. Бу хат Ўзбекистон Республикаси Президентининг бугунги кунда Марказий Осиёда бутун минтақа гидроэнергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш билан боғлиқ барча мураккаб муаммолар аниқ баён этилган мактубига билдирилган жавоб эди.

Сўнгги йилларда мазкур масала юзасидан жиддий баҳс ва муҳокамалар олиб борилмоқда. Минтақамиздаги икки азим дарё – Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар билан бу дарёларнинг қуйи қисмидаги мамлакатлар – Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон ўртасидаги баҳслар чоғида вужудга келган турли қарашларнинг бўлишини табиий ҳол, деб ҳисоблайман.

Тожикистон ва Қирғизистон, аввало, фақат ўз манфаатларини кўзламоқда. ҳолбуки, бу ерда гап ҳар бир алоҳида давлат манфаатлари ҳақида бормоқда. Бу фақат бугунги куннинг манфаатлари эмас, балки келажакнинг ҳам манфаатлари эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки, бу ерда айтилганидек, совет даврида сув-энергетика дастурларини амалга ошириш борасида шу қадар кўп хатоларга йўл қўйилганки, бугун бу ҳақда афсусланиб гапиришга тўғри келади. КПСС Марказий Қўмитаси, Сиёсий бюро ва СССР Министрлар Совети қарорларига биноан қабул қилинган Сибирь дарёларини Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига буриш ва бошқа кўплаб ташаббуслар ана шундай улкан лойиҳалар сирасига киради.

Ишончим комилки, бундай «буюк лойиҳалар»нинг бирортаси ҳам пухта ўйланмасдан ишлаб чиқилган бўлиб, улар нафақат халқаро, балки умуман ҳеч қандай жиддий экспертизадан ўтмаган ва бу фикрни тасдиқлайдиган далиллар етарлидир.

“Партия қарорлари – ҳаётга” деган шиорга асосланиб, оқибати ўйланмай қилинган бундай ишлар нафақат бизнинг минтақамиз, балки собиқ Совет Иттифоқининг бошқа катта ҳудудларида ҳам шунчалик кўп муаммолар туғдирганки, бугунги кунда экологлар улар ҳақида афсус ва норозилик билан сўз юритмоқдалар.

Бу – алоҳида мавзу, албатта. Лекин бугун шу нарса аёнки, Марказий Осиё ҳудудида мазкур сув омборлари, гидростанциялар ва бошқа иншоотларнинг қурилишига муносабатлар турлича бўлмоқда. Бу эса кўзда тутилган асосий масала – электр энергияси олиш масаласини ҳал этиш билан бир қаторда, бугун биз ҳар қадамда тўқнаш келаётган кўплаб экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқараётгани билан боғлиқдир. Шу боис бу борада баҳс-мунозаралар бўлиши мутлақо табиий ва қонуний ҳолдир.

Биз фақат минтақада янгидан қурилиши бошланаётган барча йирик гидроэнергетика иншоотлари бўйича мустақил халқаро экспертиза ўтказиш тарафдори эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман, холос. Бу борада бизни нафақат Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки, балки Европа Иттифоқи ҳам қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, минтақамизга, жумладан, Тожикистон ва Қирғизистонга бир неча марта келиб кетган Европа Иттифоқи вакили жаноб Морель ҳам шу ҳақда гапирган эди.

Шу сабабли бу ерда гап нафақат Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг нуқтаи назари ҳақида, балки амалда бутун жаҳон жамоатчилигининг фикри ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, мен бундай баҳслар бўлиши табиийлигини, лекин мунозарани янада кескинлаштирадиган фикрлардан тийилиш зарурлигини таъкидлашни истардим. Минтақадаги бу жараёнларга таъсир кўрсатишга уринаётган айрим учинчи мамлакатлар қандай стратегик мақсадларни кўзлаётгани тобора аён бўлиб бормоқда.

Биз, ўз халқи олдида, тарих олдида масъул бўлган давлат раҳбарлари, аввало, бугун ушбу баҳс-мунозараларни авж олдирмасдан ва уларга сиёсий тус бермасдан, умумий ёндашув нуқталарини топишимиз даркор, деб ўйлайман. Акс ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин.

Энг асосийси – мамлакатлар ва давлат раҳбарлари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирмасдан, аксинча, ўзаро муросага келишдир. Бу борада биз учун бошқа йўл йўқ. Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, мен ҳам бошқалар каби Тожикистон ва Қирғизистон манфаатларини ҳурмат қиламан. Лекин барибир ўзаро келишувга эришишимиз даркор, негаки, бусиз ушбу ўта муҳим масалани ҳал этиб бўлмайди.

Бугунги учрашувда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг чиқишини, у илгари сурган айрим, айтиш мумкинки, принципиал тамойилларни тўлиқ қўллаб-қувватлашимни қайд этмоқчиман. Унинг Туркманистон позицияси баён этилган фикрига кўра, “биз ушбу минтақада давлатлар манфаатлари мувозанатига эришишимиз даркор”. Бу сўзларда ҳамма гап айтилган.

Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро муросага келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз ва унинг ечими узоқ йилларга чўзилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олиши ҳам ҳали номаълум – биз, яъни ушбу минтақада яшаётган халқларми ёки, пировард натижада, бошқаларнинг манфаатлари амалга ошадими? Бу борада “бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” деган принцип – эскидан маълум бўлган савдо амалга ошгудек бўлса, биз кимларнингдир қўлида арзимас тангага айланиб қолишимиз мумкин.

Бунга йўл қўйишга эса бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

## ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ДАСТУРИЛАМАЛ

Шу кунларда кўп миллионли мамлакатимиз жамоатчилиги, ишбилармон, дипломатик доиралар вакиллари, сиёсий партиялар, сиёсатшунослар ва иқтисодчилар, чет мамлакатлар давлат арбоблари Президентимиз Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китоби билан яқиндан танишишни давом эттирмоқдалар. Ҳажми жиҳатидан кичик, аммо мазмун-моҳияти жиҳатидан **жуда аҳамиятли** бўлган мазкур асар ҳақида қизиқиш ва иштиёқ билан гапириб, ўз фикрларини билдирмоқдалар. Буларнинг барчаси табиий ва тушунарли, чунки Юртбошимизнинг янги китоби нафақат бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муҳим воқеа, шу билан биргаликда **оғир молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида Ўзбекистон ва бутун дунё иқтисодиёти муаммоларини ўрганиб чиқишда улкан ҳисса бўлди.**

Бугунги кунда, инқироз бошланганидан деярли бир йил ўтганидан сўнг, бу билан ҳамма – давлат арбоблари ва молия магнатларидан тортиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларигача шуғулланмоқда. Ҳаммани бир нарса, яъни бу оғир ва машаққатли даврдан энг кам йўқотишлар билан чиқиш, инқироз оқибатларини қандай юмшатиш мумкинлиги ҳақидаги муаммо қийнамоқда. Бу масалага ёндашув ҳаммада турлича. Ғарб асосий йўналиш қилиб йирик иқтисодий монополиялар ва банкларни қутқариш принципини олдинга қўйган. Ва бу ишсизликнинг ортиб бориши, кенг кўламли инфляция ва инқирознинг бошқа кўринишлари оқибатида келиб чиққан ижтимоий умидсизлик, ҳаяжон шароитларида содир бўлмоқда. **Бизда эса инқирозга қарши кураш асосини ижтимоий тамойил – инқироз шароитида аҳолининг турмуш даражаси ошиб боришини таъминлаш тамойили ташкил қилади.** Кимдир бизда банклар мустаҳкамланиб бормоқда, дейиши мумкин. Тўғри, аммо бу мустаҳкамланиш асосида нафақат уларни қутқариш, балки аввало уларнинг аҳоли омонатлари бўйича тўлов қобилиятларини ва мамлакат иқтисодиётини инвестициялаш лаёқатларини сақлаб қолиш истаги ётибди. Инқироз оқибатларини юмшатувчи асосий хусусиятлар, хулосалар ва омиллар қайсилар?

**Биринчи.** Бугунги кунда инқироз жараёнлари глобал характерга ва кенг кўламга эга эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. Глобаллаштириш даврида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Бунинг натижасида рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ҳажмининг камайиши юзага келди.

Шуни таъкидлаб ўтамизки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг оқилона сиёсати, узоқни кўра билиши ва тадбиркорлиги натижасида нафақат бу воқеалар четлаб ўтилди, балки ўтган йили ички ялпи маҳсулот ҳажмининг 9 фоизга, саноат ишлаб чиқариши эса 12,7 фоизга ўсишига эришилди. Бизда инвестициявий фаолликнинг чекланиши эмас, балки ошиб бориши, халқаро савдо-сотиқ ҳажмининг пасайиши эмас, балки унинг кўламлари кенгайиши ва аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Жумладан, жорий йилда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини 40 фоиздан кўпроқ ошириш кўзда тутилмоқда.

**Иккинчи.** Молиявий инқироз – жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди ҳамда инқироз юзага чиқариб берганидек, асосан ўз корпоратив манфаатларига хизмат кўрсатган ва кредит бозори ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бозорида турли олибсотарлик операциялари билан шуғулланишга берилиб кетган банклар фаолияти устидан назорат йўқлигини тасдиқлади. **«Ўзбекистонда, – деб ёзади муаллиф, – молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз».**

Маълумки, инқироз банклар ликвидлиги (тўлов қобилияти) муаммосини кескинлаштирди, яъни пул маблағлари етишмаслиги маълум бўлиб қолди. Бу борада биздаги ҳолат қандай? **«Мамлакатимизда эса, – деб таъкидланади китобда, – биргина тижорат банкларининг активлари миқдори, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ шаклланган захираларни ҳисобга олган ҳолда, 13 триллион 360 миллиард сўмдан ошади. Бу аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитлари ҳажмидан тахминан 2,4 баробар кўп демакдир».**

Мисол учун, 2006 йилда ташкил этилган «Микрокредитбанк» мамлакатимиз ҳудудларида 78 та филиал ва 270 дан зиёд мини-банкларга эга. Фаолияти бошланган даврдан буён ушбу банк активлари миқдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми 4 бароборга ошди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Президентимиз Фармони асосида «Микрокредитбанк» устав жамғармасини 72 миллиард сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 миллиард сўмга етказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Бугунги кунда турли мамлакатларнинг кўплаб давлат ва сиёсий арбоблари молия-банк тизимини ислоҳ қилиш зарурати ҳақида гапирмоқдалар ва бунда Ўзбекистонда давлат бошқарувининг пухта ўйланганлиги, молиявий-иқтисодий сиёсатнинг изчиллиги, ривожланишнинг «ўзбек модели»нинг ҳаётийлиги ва давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги етакчи ролини далил қилиб келтирмоқдалар. Жумладан, Бельгия давлат вазири Марк Эйскенс: **«Ўзбекистоннинг банк тизими бошқа кўплаб мамлакатларга қараганда, жаҳон молиявий инқирози таъсиридан унчалик зарар кўрмади», чунки, «мамлакат банклари етарли даражада капиталлашган»,** деб таъкидлайди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг китобига эса «Мазкур асар мамлакатингиз раҳбарининг инқирозни ҳал этиш ишига қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда бу борадаги ниҳоятда ўринли ва асосли тамойилларини акс эттиради. Буни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишга арзийди», деб баҳо беради.

**Учинчи.** Молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги, уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти **ва пировард натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ.** Мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканини кўрсатди, **мамлакатимизда чет эл сармояларини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганини** амалда исботлади.

Ўзбекистон намунаси диққатга сазовор, ва эндиликда кўплаб мамлакатлар инқирозга қарши курашда уни ўзларига ўрнак қилиб олмоқдалар. Британиянинг «Tethys Petroleum Ltd» энергетика компанияси бош ижрочи директори Жулиан Хаммонднинг ёзишича, **«Давлат ва эркин бозор ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳар қандай иқтисодиёт учун самарали ва узоқ муддат давомида фойдали бўлишини бугун бутун дунё ҳис қилмоқда, буни Ўзбекистон тажрибаси тўла намоён этмоқда»,** деб ёзади.

**Тўртинчи.** Жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш, деб ёзади Юртбошимиз, кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ. «Йигирматалик» давлатларининг Лондонда бўлиб ўтган саммитида томонлар молиявий инқирозга қарши кураш учун келаси йил охиригача 2 дан 5 триллион долларгача маблағ ажратишга келишиб олдилар. Бунга халқаро молиявий бозорлар биржа индексларининг ишончли тарзда ўсиши билан жавоб бердилар. Аммо ғалабани нишонлашга ҳали эрта. **Инқироз билан кураш ҳали олдинда. Биргина молиявий қўшимчалар билан, бунинг устига улардан қайси йўналишлар бўйича фойдаланиши номаълум бўлса, жаҳон молиявий инқирозига қарши кураш муаммоларини ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг устига, бу инқироз фақатгина молиявий эмас, балки молиявий-иқтисодий инқироздир. Инқирозга қарши самарали курашиш учун, буни Ўзбекистон Президенти амалга оширган ва амалга ошираётгани сингари, унинг сабаблари, кўлами ва чуқурлигини ҳар томонлама пухта ўрганиш, бутун фронт бўйлаб ҳужум олиб бориш зарур.**

Юқорида номи тилга олинган Британия энергетика компаниясининг бош ижрочи директори: **«Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсати учун юксак мукофотга муносиб. Биз кўпинча у ёки бу мамлакатнинг яхши ривожланаётган ёки ривожланмаётгани ҳақида билмаймиз, айни пайтда уларнинг инқирозга қай даражада бардош бера олганликларини кўрмасимиздан туриб буни аниқлаш мушкул. Шу маънода, Ўзбекистон бугунги кунда ўз тараққиёти йўлида ишонч билан олға бормоқда ва унга ёрқин келажак бўй кўрсатмоқда»,** деб алоҳида таъкидлайди. Китобни ўқиётганда эътибор беринг: муаллиф ҳеч кимга ўз фикрларини мажбурлаб ўтказмайди. У фақат мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида гапиради, **аммо, шу билан биргаликда, глобал муаммоларни кўтаради. Ва қанчалик мантиққа зид бўлмасин, улар бизнинг Инқирозга қарши чоралар дастуримиздан ва инқирозга қарши ундан аввалроқ белгилаган чора-тадбирларимиздан келиб чиқади.** Президентимиз нималарга асосланади? Биз, бутун дунё ҳамжамияти каби, фақат бугунги кун билан яшамаслигимизга. Демак, гап нафақат ҳар қандай давлатга тааллуқли инқироз оқибатларини имкон қадар камайтириш ҳақида, балки инқироз даврида ҳам, инқироздан кейинги даврда ҳам бутун молиявий-иқтисодий тизимнинг барқарорлиги, мувозанатлашгани, оптимал ўсиш суръатлари ва самарали фаолият кўрсатишини таъминловчи кенг кўламли, кенг миқёсли, чуқур ўйланган ва асосланган чора-тадбирлар дастури ҳақида бориши керак.




Бунда нималар назарда тутилмоқда? Аввало, иқтисодиёт ва банк-молия тизими фаолиятини сифат жиҳатидан яхшилаш. Давлатнинг роли кучайтирилиши. Банкларни ишончли капиталлаштириш ва капитал етарлилигининг юқори даражаси. Сармоялар оқимининг пасаймаслиги. Мустаҳкам олтин-валюта захиралари. Янги ишчи ўринларини яратиш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эътиборни янада кучайтириш. Имтиёзли кредитлаш ва солиқлардаги преференция базасини кенгайтириш. Давлатнинг миллий манфаатлари, унинг иқтисодий қудрати мустаҳкамланиши, аҳоли турмуш даражасининг ошишига хизмат қилувчи барча нарсалар. Ва энг муҳими – Ўзбекистонда амалга оширилганидек, барча давлат ва жамоатчилик тузилмалари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, барча фуқароларнинг миллий дастурни бажариш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш.

Бундан ташқари, ривожланишнинг «ўзбек модели»дан келиб чиқувчи, давлат – бош ислоҳотчи, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, унинг мафкурадан холи бўлиши, қонун устуворлиги сингари тамойиллар ҳам халқаро аҳамиятга эга, чунки айнан улар давлатнинг иқтисодий тараққиёти асосини ташкил этади. Ўз навбатида, кучли ижтимоий сиёсатнинг ишончли базаси сифатида жамият ҳамда давлатнинг белгиланган умуммиллий мақсад сари изчил олға боришига хизмат қилади.

**А. ХЛИЗОВ.**

# ЖАРАЁН

## УЮШҚОҚЛИК – ИЛҒОРЛИК ОМИЛИ

**Айни кунларда Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда янги ўқув йили машғулотлари кўтаринки руҳда давом этмоқда.**



Маълумки, дала-ўқув машғулотлари посбонлар маҳорати, билимининг янада шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам дала-ўқув машғулотларининг юқори савияда ўтказилишига катта эътибор қаратилади. Айни кунларда қай бир қисмда бўлманг, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик бўйича олиб бораётган машғулотларига гувоҳ бўласиз. Айниқса, сафларга яқинда қўшилган аскарлар учун бу машғулотлар катта мактаб вазифасини ўтаб, соҳалари бўйича пухта билим, тажрибага эга бўлишларида, энг асосийси, юртга муносиб посбон бўлиб камол топишларида муҳим омил бўлаяпти.

...Офицер Рафиқ Пайгамов гуруҳига қисм қўмондонлиги томонидан топшириқ берилди. Бунга кўра, гуруҳ муайян ҳудудда ҳаракат қилаётган шартли душманни қидириб топиб, пистирма қўйиши ҳамда ҳужум уюштириб, уни яксон қилиши лозим. Гуруҳда сафларга яқинда қўшилган аскарларнинг ҳали унчалик тажрибага эга эмасликларини инобатга олган командир, сержантлар тайёрлаш мактабларида ўқиб, ҳар томонлама тобланган кичик командирларга таянди. Ўқув машғулотларида чиниқиб, юқори тажрибага эга бўлган сержантлар аскарлар билан алоҳида тайёргарлик машғулотлари олиб боришиб, уларни жанговар вазифани бажаришга пухта тайёрлашди. Вазифасига виждонан ёндашиб, қўл остидаги посбонларнинг билим ва маҳоратини шакллантириб келаётган командир одатдагидек гуруҳни йиғиб, қўйилган топшириқ бўйича қисқача маълумот берди. Посбонларни ўз вазифаларига қараб гуруҳларга ажратиб, ким қандай ҳаракат қилиши лозимлигини тушунтирди. Офицер Р.Пайгамов харитадан шартли душман жойлашиши мумкин бўлган ҳудудларни аниқлаб, белги қўйди. Биринчи навбатда қидирувни ташкиллаштириб, шартли душман ўрнашган жойни топиб, атрофга пистирма қўйиш керак. Гуруҳ топшириқни бажаришга шай бўлганга қадар эса, вазифани юқори савияда ўтказиш учун тайёргарлик кўрилди. Тайёргарлик ишларини ўтказишда кўп йиллик тажриба ва малакага эга офицер Воҳид Деҳқонов гуруҳнинг вазифани аъло даражада бажариши учун улар билан машғулотлар ўтказиб, яқиндан ёрдам берди.

– Офицер Р.Пайгамовнинг жамоаси қисмдаги энг илғор гуруҳлардан ҳисобланади, – дейди офицер В.Деҳқонов. – Гуруҳ командирининг масъулиятлилиги, билимдонлиги ва тажрибаси уларни илғорлар сафига олиб чиққан бўлса, қўл остидаги посбонларнинг уюшқоқлиги ва маҳорати ҳар қандай вазифани юксак савияда бажаришлари учун муҳим омил бўлмоқда. Бугунги дала-ўқув машғулотини ўтказиш мобайнида ҳам гуруҳ шахсий таркибининг бир-бирини тушунган ҳолда, жипслик билан ҳаракат қилиши топшириқни аниқ, талаб даражасида бажарилишини таъминлади.

Эрта тонг. Гуруҳ посбонлари қум билан қопланган чўл пасттекисликлари бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Ҳар бир посбон маскировкага жиддий эътибор бериб, кўзга ташланмасликка ҳаракат қилишиб, йўналишда давом этишмоқда. Чунки чўл ҳудудида кўринмасдан ҳаракат қилиш анча мураккаброқ, шундай бўлса-да, посбонлар жой шароитига қараб маскировка қилишга ўрганишган. Шу пайт гуруҳ мергани шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Салим Худойқулов алоқа воситаси орқали командирга шартли душман жойлашган ҳудудни кўраётгани ва уларнинг неча кишидан иборат эканлиги ҳақида ахборот берди. Командир зудлик билан шартли душман ҳаракат қилиши кутилаётган йўлга пистирма қўйишни буюрди. Асосий жанговар позицияни пулемётчилар оддий аскарлар – Ҳусниддин Ғучиев, Соҳиб Аҳмаджонов ва гуруҳ автоматчилари эгаллашди. Шартли душман ҳаракатни давом эттирмоқда. Гуруҳ командири уларнинг пистирма қўйилган ҳудудга киришини кутиб, кейин ҳужум уюштиришга қарор қилди. Шартли душман биринчи ҳужумнинг ўзидаёқ саросимага тушиб, турли томонга қоча бошлади. Лекин жанговар позицияни эгаллаб турган посбонлар уларнинг барча йўлларини тўсиб, ҳужумга ўтишди. Шу тариқа шартли душман гуруҳи яксон қилинди. Офицер Р.Пайгамовнинг гуруҳи юқори қўмондонлик томонидан қўйилган вазифани аъло даражада уддалади.

– Бу каби дала-ўқув машғулотлари посбонлар маҳоратининг ошишида, уларнинг жисмонан чиниқишида катта ўрин тутади, – дейди офицер Р.Пайгамов. – Шу боисдан жанговар тайёргарлик машғулотларига жиддий эътибор қаратиб, айниқса, сафларга яқинда қўшилган посбонларнинг кўпроқ билим ва тажрибага эга бўлишлари учун машқларни юксак савияда ўтказишга интилаяпмиз. Уларнинг ютуғини сафдошларига намуна қилиб, камчилигини тузатиб бораяпмиз. Машғулотларни юқори даражада ўтказишимда менга кичик сержант Мансур Саъдуллаев яқиндан ёрдам бермоқда. Шунингдек, у гуруҳда ўзаро дўстликни, ҳурмат ва уюшқоқликни таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Дарҳақиқат, сержантлар тайёрлаш мактабини имтиёзли тугатган кичик сержант М.Саъдуллаев асл профессионаллардан. У гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасида самарали фаолият кўрсатиб, посбонларнинг билим ва маҳоратлари ошишида астойдил ҳаракат қилиб келмоқда.

– Мана бир неча йиллардан буён шартнома асосида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиб келаяпман – дейди кичик командир. – Ҳарбийлик касбини эгаллаганимдан доимо фахрланаман. Сержантлар тайёрлаш мактабида устоз офицерлардан олган пухта сабоқларим хизматим давомида жуда асқотмоқда. Гуруҳ посбонларига офицер Р.Пайгамов билан биргаликда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар бўйича зарур билим ва кўникмаларни бериб келяпмиз. Янги ўқув йили машғулотларида фаол қатнашиб, юқори қўмондонлик ишончини оқлаб, илғорлар сафидан жой олиш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Гуруҳ командирининг таъкидлашича, сафларга яқинда қўшилган аскарлар қисқа фурсат ичида ўз вазифаларини пухта бажаришга муваффақ бўлаяптилар. Ўтказилаётган дала-ўқув машғулотлари жараёнида уларнинг камчилик ва ютуқлари муҳокама қилиниб, йўл-йўриқлар берилаяпти.

– Дала-ўқув машғулотларини ўтказиш давомида шахсий таркиб ўртасида ўзаро дўстона алоқаларни шакллантиришга ҳам катта эътибор қаратаяпмиз, – дейди гуруҳ командири. – Ҳар қандай вазиятда ҳам уларнинг жанговар вазифани тезкорлик билан бажаришга ўргатаяпмиз. Машғулотлар давомида уларнинг аниқ ҳаракат қилиши вазифани юқори савияда бажаришимизга ёрдам бермоқда. Гуруҳимдаги посбонлардан шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Бекзод Миразимов, оддий аскарлар – Аббос Имомов, Алёрбек Турғунов, Бекзод Нормуродов, Ҳасан Мўминов, Аббос Салоҳиддинов, Абдулазиз Боқиев, Дилмурод Қобилов, Онданиёз Ондаев, Қувондиқ Асадов кабилар илғорлик сари одимлаяптилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу каби дала-ўқув машғулотлари аскарларнинг юксак ҳарбий маҳоратга, мустаҳкам иродага, матонатга эга посбон бўлишларида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ**
**суратга олган.**

# ТАЪЛИМ

«Энг илғор ўқитувчи»

## МАЪРИФАТ ЗИЁСИДАН ЙЎЛЛАР МУНАВВАР

**Юрт посбонлари, яъни офицер ва сержантларнинг асл профессионал сифатида шаклланишида, илм-фан сирларини мукаммал эгаллашида фидойи устозларнинг хизмати катта. Зеро етук малакали ҳарбий мутахассис – бу устозлар меҳнатининг меваси! Эришилган муваффақиятли натижа – яхши устозлар таълим-тарбиясидан далолат. Ҳа, устозлар сабоқлари, йўл-йўриқлари натижасида билим юртларида курсантлар ва тингловчиларнинг билим, малакаси ошаяпти, таъбир жоиз бўлса, интеллектуал салоҳият юксаляпти, чинакам профессионал командирлар шаклланяпти. Қуролли Кучларимиз сафларини етук малакали кичик командирлар билан бутлашда муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган Марказий ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактаби ҳарбий педагогика ва психология асослари фани ўқитувчиси подполковник Убайдулла Амиров ҳам ана шундай фидойи ва заҳматкаш устозлардандир.**

Подполковник Убайдулла Амиров ўтган ўқув йили якунларига кўра, сержантлар тайёрлаш мактабида «Энг илғор ўқитувчи» дея топилди. Бу бежизга эмас, албатта. Ушбу натижанинг замирида узоқ ва машаққатли меҳнат, бурчга садоқат ҳамда Ватанга сидқидилдан хизмат қилишдек эзгу амаллар мужассам.

Ёш авлод ҳаёт йўлини маърифат нури ила ёритишни кўзлаган ҳарбий ўқитувчи соҳага тарбиявий ишлар йўналиши бўйича кириб келганди. Дастлаб турли ҳарбий қисмларда хизмат қилди. Шунинг баробарида малакали устозлардан зарур йўл-йўриқлар ўрганди. Ўз устида тинмай ишлаши, билим ҳамда малакасини ошириб бориши асносида ниҳоят, ўзи ҳам устоз мақомига етди. Айни пайтда бўлажак профессионаллар тайёрланадиган мазкур даргоҳда фидойи ўқитувчини барча бирдай ҳурмат қилади. Соҳага энди кириб келаётган ёш ўқитувчилар эса ундан ибрат олиб, тез-тез маслаҳатлар сўраб турадилар.

Таъкидлаш лозимки, педагогика ва психология фанлари нафақат ҳарбий, балки бошқа соҳаларда ҳам энг зарур таълимотлардир. Педагогика сўзининг лотинча «бола етакловчи» деган маънони англатиши, психология эса шахснинг ички дунёси ва руҳий оламини, индивидуал хусусиятларини чуқур ўргатиши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Лавҳамиз қаҳрамони машғулотларга ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда ёндашади.



– Устоз офицер Амировдан биз таълим-тарбия ишларига оид кўплаб янги билимларни ўрганаяпмиз, – дейди курсант Ғулом Ғафуров. – Буларнинг эртага хизматимиз давомида асқотишига шубҳа йўқ. Тарбиявий ишларнинг муҳим йўналишларидан бўлган мазкур фанни чуқур ўзлаштириш ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларини ва шу асосда таълим-тарбия ишларига ёндашишни ўргатади.

– Убайдулла ака «Энг илғор ўқитувчи» номига ҳақли равишда муносиб топилди, у мактабимизнинг энг фидойи, намунали ўқитувчиларидан, – дейди иқтисодиёт фани ўқитувчиси, Қуролли Кучлар хизматчиси Нилуфар Худоёрова. – Биз у кишидан таълим ва тарбия жараёнида замонавий инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш ва соҳа бўйича бошқа кўплаб масалаларда маслаҳатлар сўраб турамиз, билмаганларимизни ўрганамиз. Ҳеч қачон ҳеч кимдан кўмагини аямайдилар.

Ҳа, ўқитувчилик – фидойилик демак. Шу боис ҳам уларни эъзозлаймиз.

**Бугун Қуролли Кучларимиз сафларида** осойишталигимиз барқарорлиги йўлида хизмат қилаётган кўплаб кичик командирлар подполковник Амировни ҳурмат билан тилга оладилар. Ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиши ва бурчига садоқати туфайли у бир неча марта рағбатга, фахрий ёрлиқларга муносиб кўрилган.

Қаҳрамонимиз меҳрибон умр йўлдоши ва фарзандларига намунали ота сифатида рафиқаси Мағфиратхон билан беш фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказишаяпти. Фидойиликни дилига жо айлаган ва касбидан эъзоз топаётган бу инсоннинг эзгу ишларини келгусида фарзандлари давом эттиришига ишонамиз.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Б. АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

В военных училищах

## КУРСАНТЫ СТАНОВЯТСЯ КОМАНДИРАМИ

**Войсковая стажировка курсантов военных училищ страны не случайно всегда признавалась важнейшим элементом боевой учебы будущего командира. Именно здесь, на практике, должны закрепляться полученные в училище знания и навыки.**



Как проходит войсковая стажировка группы курсантов третьего курса СВВАКИУ в автомобильном взводе одной из воинских частей?

– Встретили нас здесь хорошо, командованием созданы все условия для успешного прохождения стажировки, – говорят курсанты. – Сейчас мы стажируемся в должности командиров групп на сборах по дополнительной подготовке водителей из числа солдат срочной службы.

Традиционно на подобные мероприятия в воинских частях привлекаются наиболее опытные офицеры и сержанты для того, чтобы четко оценить уровень готовности того или иного солдата управлять военным автомобилем. И уже потом, исходя из этого, заниматься с группой в целом и с каждым солдатом индивидуально.

Таким образом, сам факт того, что курсантам доверено это важное и ответственное дело, говорит о возросшем качестве подготовки будущих офицеров данного ВВОУ. Вот и офицеры отдела воспитательной работы части тепло отзывались о курсантах. У них в целом сложилось благоприятное впечатление по поводу общей эрудиции воспитанников СВВАКИУ.

– В парке боевых машин нас ознакомили с порядком проверки автомобилей на коэффициент технической готовности (КТГ) перед выездом в рейс, – рассказывает курсант Зульфикар Абдуразаков. – Это очень важный процесс, ведь от внимательности дежурного по КТГ зависит не только успешное выполнение конкретного задания по доставке личного состава или войскового имущества по указанным адресам, но и безопасность всех участников дорожного движения, качество эксплуатации дорогостоящей техники.

К исходу каждого служебного дня курсанты собираются для обсуждения его итогов с командиром взвода. Подробно идет анализ всей проделанной работы, при этом делается акцент на отдельных недостатках и упущениях в организации учебной или воспитательной работы.

– Успехи никуда от нас не денутся, – резонно рассуждают они. – О них подробно напишут в отзыве командования части. А вот замеченные недостатки надо устранять уже сейчас, чтобы они не создали трудностей в период офицерского становления.

Оценка служебной деятельности офицера автомобильного подразделения идет, как говорится, «от колеса». Крутятся исправно колеса во взводе, то есть обеспечен высокий уровень коэффициента технической готовности (КТГ) парка автомобилей – значит и командиру ставится «пятерка». Так что фундамент всей будущей карьеры офицеров-автомобилистов закладывается уже сейчас, в дни войсковой стажировки. Потому хочется пожелать всем курсантам хорошо потрудиться в эти дни, дабы сделать уверенный шаг к заветной цели – стать образцовым командиром.

**Майор Алишер НУРЛАНОВ.**
**Фото автора.**

Патриотическое воспитание

## ЮНОШИ В ГОСТЯХ У ВОИНОВ

**В рамках мероприятий по патриотическому воспитанию подрастающего поколения сложилась добрая традиция, когда учащиеся учебных заведений посещают воинские части, где знакомятся с жизнью и бытом воинов.**



Недавно группа учащихся академического колледжа при Национальном университете Узбекистана посетила одну из частей. Ребята под началом опытных сержантов с увлечением занимались на плацу строевой подготовкой, учились порядку неполной разборки и сборки автомата, побывали в расположениях подразделений.

– Если выразить одной фразой впечатления учащихся от посещения данной воинской части, то можно сказать: они гордятся нашими защитниками Родины! – говорит преподаватель начальной допризывной подготовки майор в резерве Наим Хакимов. – Недаром говорят, что лучше один раз увидеть, чем сто раз услышать. Одно посещение воинской части гораздо интереснее, чем десятки теоретических занятий и рассказов об армии.

Младший сержант Шохрух Жамолиддинов не только учил юношей молодцевато и красиво передвигаться в строю, но и очень доходчиво описал основные характеристики стрелкового оружия. А как у парней загорелись глаза, когда принесли стол и показали порядок разборки автомата! Каждому захотелось самому лично потрогать боевое оружие, попробовать разобрать и собрать его.

– Умение разбирать и собирать автомат пригодится, ведь каждому из юношей предстоит выполнять свой воинский долг в Вооруженных Силах, – говорит младший сержант. – И вообще, культура обращения с оружием является частью общей культуры любого народа.

А вот ребята окружили плотным кольцом рядового Хусана Зарипова, призванного из Кашкадарьинской области. Солдат еще недавно окончил учебу в экономическом колледже по специальности финансиста. А сейчас охраняет важные военные объекты.

У таких учащихся, как Умирбек Саъдуллаев, Жасур Бобокулов, Эргаш Буронов, интерес к данному мероприятию очень конкретный: эти юноши мечтают о профессии защитника Родины.

– Для мужчины нет дела почетнее, чем защищать мирный труд своих сограждан, – убежден Жасур Бобокулов. Его имя в переводе с узбекского означает «смелый». Как говорится, зов предков. Хотя вырос парень в семье представителей вполне мирных профессий: папа водитель, а мама домохозяйка.

Впрочем, до выбора профессии этими юношами еще есть время. И неважно, кем они станут в будущем. Урок, что усвоили они в день посещения воинской части, запомнится им на всю оставшуюся жизнь. А урок прост: и пахарь, и токарь, и ученый должны быть всегда готовы по первому зову Отчизны встать на ее защиту с оружием в руках.

**Майор Анвар КАСЫМОВ.**
**Фото автора.**

# ASKAR

## MALAKA, BILIM, KO‘NIKMA – SHAYLIK GAROVI





Yoshlarimiz Vatan himoyachisi bo‘lish, milliy armiyamiz saflarida sidqidildan xizmat qilish orzusi bilan yonayotgani, ularning bu vazifani muqaddas burchlari deb bilganlaridandir.

«Harbiy xizmat jarayonida har bir yosh askar bilan alohida ish olib borishimiz, ularni, avvalo, Jaloliddin Manguberdi va Amir Temur kabi jasur ajdodlarimizning munosib vorislari, ona Vatanimizning haqiqiy himoyachilari etib tarbiyalashimiz darkor», degan edi Yurtboshimiz o‘z ma’ruzalarida. Darhaqiqat, bugun armiyamiz saflarida muddatli harbiy xizmatni o‘tayotgan askarlar bilan barcha mutaxassisliklar bo‘yicha yuqori saviyada mashg‘ulotlar olib borilayotgani ularning kasbiy mahorati yuksalishiga xizmat qilmoqda.

Shu kunlarda qism va bo‘linmalarida haydovchi vazifasida xizmat qilayotgan askarlarning dala-o‘quv yig‘inlari o‘tkazilayapti.

– Mazkur yig‘inni o‘tkazishdan ko‘zlangan asosiy maqsad, – deydi ofitser Ulug‘bek Tursunov, – eng avvalo, saflarga yaqinda qo‘shilgan va haydovchi vazifasiga tayinlangan askarlarning mahoratini, tajribasini oshirish. Buning uchun o‘quv-moddiy baza shay qilinib, zarur shart-sharoitlar yaratilgan.

Yig‘in davomida askarlar bilan texnika tayyorgarligi, jangovar va ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlari nazariy va amaliy tarzda olib borilayapti. Shuningdek, yig‘in ishtirokchilarining madaniy dam olishlari uchun ham barcha sharoitlar muhayyo qilingan.

– Muddatli harbiy xizmatga kelganimga ko‘p bo‘lmagan bo‘lsada, armiya hayotiga tezda ko‘nikdim, – deydi oddiy askar Jamshid Umarov. – Armiyaga qadar, Mudofaaga ko‘maklashuvchi «Vatanparvar» tashkilotining haydovchilik kursida o‘qib, avtomobillarni boshqarish, texnik yordam ko‘rsatish bo‘yicha saboq oldim. O‘tkazilayotgan yig‘in mobaynida ana shu bilimlarimni yanada mustahkamlayapman.

Albatta, harbiy texnikani boshqarish katta mahorat va bilim, epchillik va tajriba talab etadi, posbondan. Shu bois mashg‘ulotlar davomida askarlarning sohalari bo‘yicha puxta bilimga ega bo‘lishlari uchun yig‘inga malakali va tajribali ofitserlar, kichik komandirlar hamda yo‘riqchilar jalb qilingan.

– Mashg‘ulotlarni yuksak saviyada o‘tkazishga intilayapmiz, – deydi guruh komandiri ofitser Farid Rashayev. – Askarlarning aksariyati armiyaga qadar o‘z sohasining yetuk mutaxassisi sifatida faoliyat ko‘rsatishgan. Aytmoqchimanki, haydovchilik kursini tugatib, avtomobillarni boshqargan yigitlarimiz ko‘pchilikni tashkil qiladi. Shunday bo‘lsada, harbiy texnikalarni asrab-avaylash, boshqarish, ulardagi nosozliklarni bartaraf qilishning mas’uliyati katta ekanligini ular ongiga singdirayapmiz. Mashg‘ulotlarni olib borishda avtomobil yo‘riqchilari, kichik serjantlar – Zokir Hudoyberdiyev, Umid Rajabov, Iskandar Ibragimov kabi professional harbiy xizmatchilarning yordami katta bo‘lmoqda.

Bir oy davom etadigan yig‘in davomida askarlar muayyan masofa bo‘yicha amaliy mashqlarni bajarishadi. Bunda tekis va notekis yo‘llarda harakatlanish, turli qiyin vaziyatlardan avtomobilni olib o‘tish, harakat vaqtida sodir bo‘ladigan nosozliklarni tezda bartaraf qilish kabi amaliy mashqlar o‘tkaziladi.

– Bugungi mashg‘ulotlardan ko‘p narsani o‘rganayapman, – deydi oddiy askar Furqat Abdullayev. – Xizmatimga qadar Asaka avtomobil kasb-hunar kollejida tahsil olib, ustozlardan soham bo‘yicha ko‘plab bilimlarni o‘zlashtirdim. Bu borada yetarli bilimga ega bo‘lsamda, harbiy texnikani boshqarish biz posbonlardan qanchalik ulkan mas’uliyat talab qilishini anglagan holda, mashg‘ulotlardan yanada ko‘proq narsa o‘rganishga intilayapman. Chunki, xizmatimni shartnoma asosida davom ettirishni o‘z oldimga maqsad qilib qo‘yganman. Buning uchun hozirdanoq tayyorlanib, sohaning sir-asrorlarini egallashga harakat qilayapman.

Shuni aytib o‘tish joizki, Furqat yoshligidan sportning kurash turi bilan shug‘ullanib kelgan. U yoshlar o‘rtasida o‘tkazilgan turli musobaqalarning g‘olibi, sovrindoridir. Navro‘z bayrami kunlarida harbiy qismda o‘tkazilgan sport musobaqalarida ham faol ishtirok etib, 90 kg vazn toifasida chempionlikni qo‘lga kiritib, komandirlari e’tiboriga tushdi. Jismoniy tayyorgarligi yetuk bo‘lgan posbon amaliy mashg‘ulotlarda ham yaxshi natijalarga erishib, safdoshlariga o‘rnak bo‘lmoqda.

Yig‘in mobaynida oddiy askarlar – Ilhom Boboyev, Elyor Sancharov, Elyor Tilobov, Bobur Sattorov kabilar mashqlarni a’lo bahoga bajarib, mahorat va tajribalarni yanada boyitib borishmoqda.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, yig‘in ishtirokchilari uchun barcha shart-sharoitlar yaratilgan. Bu esa o‘z o‘rnida askarlarning mukammal va puxta saboq olishib, sohaning yetuk mutaxassislari bo‘lib shakllanishlarida muhim ahamiyat kasb etayapti.

**Ahror SHUKURULLAYEV.**
**Bahrom ABDURAHIMOV suratga olgan.**

## HAVAS QAT’IY MAQSADGA AYLANDI

Har bir yigit bolalikdan harbiy libos kiyishga havas qiladi. Yillar o‘tgani sayin havas o‘rnini qat’iy maqsad – Vatani va xalqi oldidagi sharafli burchini ado etish egallaydi.

Azamat Boymatjonov ham ana shunday orzular bilan ulg‘aydi. Hozirda Qurolli Kuchlarimiz safida konstitutsiyaviy burchini o‘tayotgan o‘g‘lonning sharafli sohaga mehr qo‘yishida akasi Botir Azimovning xizmati katta. Akaning armiya to‘g‘risidagi hikoyalari sohaga qiziqishini yanada oshirdi.

– Yurtimizning mard, fidoyi posbonlari safida tinchligimiz, osoyishtaligimizni asrayotganimdan mamnunman, – deydi u. – Muddatli harbiy xizmatni boshlaganimga uncha ko‘p bo‘lmadi. Qisqa vaqt ichida ko‘p narsani o‘rgandik, soha ilmi bo‘yicha dastlabki saboqlarni oldik. Bu borada ofitserlar va serjantlar bizga yaqindan yordam berishyapti.

Azamat armiyagacha Chilonzor yuridik kollejida tahsil olgan. Intiluvchanligi, bilimi bilan boshqalardan ajralib turdi. Ta’lim muassasasida o‘tkaziladigan barcha tadbir, yig‘in va bayramlarda faolligi va tashabbuskorligi bilan ustozlari e’tiborini qozondi. Ana shu tirishqoqlik chaqiruv punktida ko‘rik-tanlovdan muvaffaqiyatli o‘tishida ham qo‘l keldi. Eng yuqori ko‘rsatkichlardan birini qayd etgan yigit bolalik orzusiga erishib, egniga harbiy libos kiydi.

– Nevaram bilan faxrlanaman, – deydi Marhamat Tolipova. – Muddatli harbiy xizmatga tantanali kuzatish marosimida harbiy libosda ko‘rib, biram suyundim. Bolaligidan «askar bo‘laman!» degan orzusi bor edi. Yurt qo‘rishni kasb, deb bilgan bunday o‘g‘lonlarimiz bilan har qancha g‘ururlansak arziydi.

**Jahongir BOYQOBILOV,**
**O‘zDJTU xalqaro jurnalistika fakulteti talabasi.**

## AKBAROBOD BOG‘LARINING TAROVATI

Akbarobod Quva tumanining eng go‘zal qishloqlaridan biri. Tabiati betakror. Ko‘rkam bog‘lariga bahor yanada zeb bergan. Bu yerda har bir inson bog‘dorchilik hadisini olgan. Bolalikdan yaratish ishtiyoqi bilan ulg‘ayadilar. Vodiy chiroyiga chiroy qo‘shayotgan Akbarobod bog‘larining tarovati ham shundadir.

Oddiy askar Qobiljon Fozilov ana shu so‘lim qishloqda voyaga yetgan. Otasi Erkin aka quruvchi, onasi Dilbarxon hamshira bo‘lib ishlaydi. Qobiljon oilada to‘ng‘ich farzand. Bolaligidan kattalarga ko‘maklashib, mehnatsevar bo‘lib ulg‘aydi. U ham bog‘dorchilik ilmini yaxshi biladi.

Bolalik beg‘ubor orzularga to‘la bo‘ladi. Qobiljonning ham orzulari bolalikning o‘zi kabi beg‘ubor bo‘lgan. Uning eng katta orzusi harbiy bo‘lish edi. Nihoyat orzusi ushaladigan pallalar ham keldi. Bugun u muddatli harbiy xizmatni o‘tamoqda.

Harbiy xizmat har bir yigitning konstitutsiyaviy burchi. Uni yigitlar astoydil ado etishga intiladilar. Bu burchning o‘ziga xos mas’uliyati, birmuncha murakkab jihatlari ham yo‘q emas. Oddiy askar Fozilovning muddatli harbiy xizmatni o‘tayotganiga unchalik ko‘p muddat bo‘lgani yo‘q. Ammo qisqa fursat ichida tirishqoq yigit o‘zini har tomonlama ko‘rsata bildi va bu bilan komandirlari, safdoshlari hurmatini qozondi. Harbiy xizmatning dastlabki kunlari haqida uning o‘zi shunday deydi:

– Ilk kunlardanoq biz yosh askarlarga berilayotgan jiddiy e’tibor va g‘amxo‘rlikni his qildik. Yosh askarlar yig‘inida jangovar bilimlarni yanada mukammal egallashimiz uchun barcha sharoitlar yaratilgan edi. Keng va yorug‘, zarur ko‘rgazmali vositalar bilan jihozlangan mashg‘ulot zallarida dastlabki ko‘nikmalarni egalladik. Bunda bizga katta leytenant G‘aybullo Ahmedov, shartnoma bo‘yicha xizmat kichik serjanti Fahriddin Do‘stqobilovlar harb ilmidan ilk saboqlarni berdilar. Bu yerdagi eng yaxshi an’analardan biri yosh askarlarni harbiy qismda tashkil etilgan muzey bilan tanishtirishdir. Muzey eksponatlari insonni chuqur hayajonga soladi, Vatan posboni bo‘lish naqadar sharafli ekanligini, yurt himoyasi hamisha muqaddas ekanligini teran his qilasiz. Unda mustaqil O‘zbekiston uchun jonini fido qilgan jasur jangchilar haqida batafsil ma’lumotlar bor. Ular bilan shunchaki tanishish mumkin emas. O‘ylaymanki, safdoshlarimning har biri uchun bu muzeyga tashrif unutilmas bo‘lib qoladi. Bir so‘z bilan aytganda, muzey harbiy qismimizning qisqa va shonli tarixidan guvohlik berib turibdi. Men o‘z burchimni ana shunday tarixi bor harbiy jamoada o‘tayotganimdan faxrlanaman.

Darhaqiqat, bu yerda yuksak jangovar shaylikni ta’minlash maqsadida zarur shart-sharoitlar yaratilgan. Sport zallari, sport shaharchasi posbonlar xizmatida. Bu yerda har kimning o‘zi sevgan sport turi bilan shug‘ullanish imkoniyati bor. Shu sababli turli sport musobaqalari tez-tez uyushtirib turiladi. Bundan tashqari kattagina kutubxona ham harbiylarning eng sevimli maskanlaridan biriga aylangan. Bu haqda Qobiljon yana shunday deydi:

– Men siyosatga juda qiziqaman. Kutubxonamizda bu yo‘nalishda qiziqarli adabiyotlar ko‘p. Yana she’riyatga ham ishtiyoqim bor. Shoir Muhammad Yusuf she’rlarini sevib mutolaa qilaman. Uning ona Vatan haqida yozgan she’rlaridan ma’rifiy tadbirlarda foydalanamiz, yod olamiz.

Ayni kunda mashg‘ulotlar qizg‘in olib borilmoqda. Posbon yigit safdoshlari Rustam Kimsanov, Islomjon Tursunovlar bilan musobaqadosh. Ularning bugungi sa’y-harakatlaridanoq kelgusida yuksak natijalarni qo‘lga kiritishga astoydil bel bog‘laganlari bilinib turibdi.

Qobiljon hayotini armiya bilan bog‘lashga qat’iy ahd qilgan. Unda harbiy xizmatni shartnoma asosida davom ettirish, kelajakda oliy harbiy bilim yurtiga kirib o‘qish niyati bor. Bu yo‘lda unga kuchli muvaffaqiyat yo‘ldosh bo‘lsin.

**Nazokat NODIRSHOHOVA.**

# АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

## ПОСБОНЛИК ШАРАФДИР, ИФТИХОРДИР

Ватанни кўз қорачиғидек асраш, унинг равнақи, осойишталиги йўлида бел боғлаб хизмат қилиш ҳар бир эр йигит учун шарафли бурчдир. Шу боис, қадим-қадимдан ота-боболаримиз ёшлар онгига оила ва юрт дахлсизлигини асраш йигит кишининг муҳим вазифаларидан бири эканлигини сингдириб келишган, уларнинг қалбида юртга муҳаббат, ўз халқига садоқат туйғуларини шакллантиришга интилишган. Зеро, ўғлонлари ботир, ориятли ва мард бўлган юрт ҳеч қачон ўзгаларга қарам бўлмайди.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимиз осойишталигини қўриқлашни касб деб билган фидойи ўғлонлар хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда юрт посбони бўлишдек улуғвор ишга отланган, ҳаётини шарафли касб билан боғлаган ҳарбий хизматчилар – муддатли ҳарбий хизмат аскарлари, сержантлар ва офицерларнинг ижтимоий ҳимоясига, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишига катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган йигитларнинг келгуси фаолияти хусусида қайғуриш, уларнинг ўқиши, ишлаши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига кўмаклашиш устувор масалага айланган.

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ва муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилганларни яшаш жойларига қайтаришни самарали ташкил этиш мақсадида 2009 йил 14 январда Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари кенг ҳамкорликни йўлга қўйишган. Шу боис ҳам ўғлонларимизни тантанали равишда армияга кузатиш, кутиб олиш ва бошқа тадбирларда мудофаа ишлари бўлимлари, "Камолот" ЁИҲ, "Нуроний" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлимлари билан бир қаторда "Маҳалла" жамғармасининг жойлардаги бўлимлари ҳам фаол иштирок этиб келади. Таъкидлаш жоизки, "Маҳалла" жамғармаси тизимида ёшларимизнинг эл корига камарбаста бўлиши, Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топишлари йўлида бир қанча муҳим ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

– Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлими ва туман (шаҳар) бўлинмалари томонидан 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида жамоат ташкилотлари ҳамда мудофаа ишлари бўлимлари билан ҳамкорликда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган 5720 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари олиб борилди, – дейди "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Баҳодир Абидов. – Тадбирларда 445 мингга яқин фуқаро иштирок этгани фаолиятимиз самарадорлигини янада оширди. Қувонарлиси, уларнинг 271 мингдан зиёдини ёшлар ташкил этади. Шунингдек, ҳудудлардаги мактаб, коллеж, лицей ва олий таълим муассасаларида "Тинчлик ва осойишталик учун курашиш керак", "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон" мавзуларида ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётганислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича 3 мингдан зиёд тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди.

– Ҳудудий бўлим ва бўлинмалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоат ташкилотлари ҳамда ҳокимликлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш бўйича 2270 дан ортиш тадбир ташкил этилди, – дейди "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви мутахассиси Азиз Муҳаммадиёров. – Шунингдек, Ватан олдидаги конституциявий бурчини ўтаб қайтган йигитларни кутиб олиш бўйича икки мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Тантанали тадбирлар ва муддатли ҳарбий хизматга жўнатилаётган чақирилувчиларга эсдалик совғалар учун 159342 минг сўм маблағ сарфлангани ҳам амалга оширалаётган ишлар кўламини кўрсатади. Биргина пойтахтимизнинг ўзида муддатли ҳарбий хизматга жўнатилаётган фарзандларимизга "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлими томонидан хизмат даврида фойдаланиши учун 4370 минг кундалик зарур воситалар берилди.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда муддатли ҳарбий хизмат шарт-шароитларни такомиллаштириш ва хизматни ўтаган фуқароларни иш билан таъминлаш, уларга турли имтиёзлар яратиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган фуқаролар учун давлат муассасалари, турли ташкилотлар ва корхоналарга ишга қабул қилишда кенг имкониятлар яратилди. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизмат мобайнида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришиб, қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёз берилаяпти.

– Олий ўқув юртида, ўзим танлаган соҳа бўйича таълим олаётганимдан бахтиёрман, – дейди Тошкент автомобиль-йўллар институтининг талабаси И. Алимов. – Бизга соҳамизнинг малакали ўқитувчи ва профессорлари дарс беришади. Орзуимга эришишимда қисм қўмондонлиги томонидан берилган тавсияноманинг ёрдами катта бўлди. Келажакда етук мутахассис бўлиб, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшиш истагидаман.

Бундайин эътибор ва ғамхўрлик ёшларимизни шижоат ва матонатга, бурчларига содиқ бўлишга, зиммаларидаги вазифани шараф билан адо этишга ундаши аниқ.

**Ўктам ХУДОЙҚУЛОВ.**

Қарор ва ижро

## БАНДЛИК – МУҲИМ МАСАЛА

**Қуролли Кучларимиз сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилганларнинг ишга жойлашиши, муайян мутахассислик бўйича тайёрлов курсларида бепул таҳсил олишаётгани уларга давлатимиз томонидан улкан эътибор қаратилаётганидан.**

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари, бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, бўш иш ўринлари бўйича ярмаркалар бу борада муҳим аҳамиятга эга.

2009 йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллий ҳокимликлар, муассасалар, алоқадор ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда ўндан ортиқ меҳнат ярмаркалари ўтказилгани бу борадаги устувор масалаларга, ҳукуматимиз қарорлари ижросига масъулият билан ёндашилаётганини англатади. Мазкур ярмаркаларда иштирок этган фуқароларнинг ўн мингдан ортиғи ишга жойлашиш учун йўлланма олишган. Қувонарлиси, уларнинг 120 нафардан ортиғи яқинда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, резервга бўшатилган ёшлардир.

– Армияда алоқачи вазифасида хизмат қилганман, – дейди пойтахтнинг Сирғали туманида истиқомат қилувчи Бахтиёр Жалолов. – Муддатли ҳарбий хизмат давомида соҳага оид билимларни мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим. Бу борада менга устоз офицерлар ва сержантлар яқин кўмакчи бўлишди. Сабоқларни яхши ўзлаштирганим, соҳа бўйича муайян тажрибага эга бўлганим туфайли туман алоқа бўлимига ишга жойлашишга муваффақ бўлдим.

– Ҳозирда Тошкент Молия институтига ўқишга кириш учун тест синовларига тайёрланаяпман, – дейди резервга бўшатилганлардан яна бири Акмал Бўриев. – Қисм қўмондонлиги томонидан берилган тавсияномага эга бўлганим учун тайёрлов факультетида бепул таҳсил олаяпман. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентларга бундайин эътибор ва ғамхўрлик қалбимизни фахрга тўлдиради, шу юрт фарзанди эканлигимиздан ғурурланамиз.

– Резервга бўшатилган ёшларнинг бандлиги доимо диққат-эътиборимизда, – дейди Сирғали туман Бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари Холида Низамова. – Жорий йилда Ватан олдидаги муқаддас бурчларини ўтаб қайтган ёшларнинг 22 нафари муайян иш билан таъминланди. Муайян мутахассисликка эга бўлмаганлар марказимиз орқали касбга тайёрлов курсларида ўқишга йўлланма олишган. Шунингдек, қисм қўмондонлиги томонидан берилган тавсиянomaни қўлга киритган 48 нафар ўғлон танлаган соҳалари бўйича олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун тайёрланмоқдалар.

**Жамшид ЎРОЛОВ.**




**Ёруғ юз-ла қайтди ўғлон**
**она бағрига,**
**Эр йигитлик бурчин ўтаб,**
**ғайратга тўлиб,**
**Бугун етук соҳиб эрур**
**тинчлик қасрига,**
**Синовларда қад ростлади**
**баҳодир бўлиб.**
**Ёруғ юз-ла қайтди ўғлон**
**она бағрига,**
**Кўзларида нур порлайди,**
**кўксида ғурур,**
**Эрта албат айлангувси**
**Ватан фахрига,**
**Чунки унинг бобосидир**
**саркарда Темур.**
**Ёруғ юз-ла қайтди ўғлон**
**она бағрига,**
**Орзулари осмон қадар,**
**мақсади теран.**
**Чўққиларни забт этгуси**
**журъати ила,**
**Чунки унинг ортидадир**
**мустақил Ватан!**

## ЮКСАК МАҚСАДНИ КЎЗЛАБ

**Анорбой аканинг турмуш ўртоғи Муборак опа оламдан кўз юмганда фарзандлари ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган ёшда эди. Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Бугун қишлоқда Анорбой акага ҳамманинг ҳаваси келади. Чунки уч ўғил ва икки қизни ҳам ота ҳам она бўлиб вояга етказган бу инсоннинг фарзандлари бугун оталарининг қаторига қўшилиб, эл-юрт корига ярайдиган ёшга етишди. Энг асосийси, улар барчага ўрнак бўларли фазилатлар соҳиби бўлиб улғайишди.** Оиланинг тўнғич фарзанди Нуриддин қўли гул уста. У қурган иморатларни кўриб кўзингиз қувнайди. Наргизахон тикувчилик ҳунарининг бошини тутган. Фахриддин Мирзаобод туманидаги 1-сонли мактаб интернатда ўқувчиларга тарих фанидан сабоқ беради. Алишер ўтган йили касб-ҳунар коллежини тамомлади. Оиланинг кенжа фарзанди Баҳринисо эса ҳали мактаб ўқувчиси. Фарзандларининг ҳар бири ҳаётда ўз ўрнини топаётганидан Анорбой аканинг қувончи чексиз. Зеро, қобил фарзандлар камоли ҳар қандай ота-онанинг кўксини ғурур ва ифтихорга тўлдиради. Айни кунларда Анорбой аканинг хурсандчилигини сўз билан таърифлаш мушкул. Нега дейсизми? Чунки яқиндагина ўғли Алишер она Ватан олдидаги муқаддас бурчини ёруғ юз билан оқлаб, уйига қайтди. Алишер хизматдан қайтган кун бу хонадонда бўлиб ўтган аскар тўйи ҳақиқий шодиёнага айланиб кетди. Алишерни қутлаш учун қариндошлари, ёру биродарлари ташриф буюришди. Инсон учун кўнгилга яқин кишилар билан дийдорлашишдек шукуҳли онлар бўлмаса керак, дунёда.

Анорбой ака муддатли ҳарбий хизматдан ўктам ва норғул йигитга айланиб қайтган ўғлини бағрига босиб, кўкси тоғдек кўтарилди. Отанинг нигоҳларида фарзандига нисбатан меҳр ва муҳаббат туйғуси мужассамлигини сезиш қийин эмасди.

– Бир йил олдин Алишерни муддатли ҳарбий хизматга кузатган эдик, – дейди биз билан суҳбатда Анорбой ака. – Ўшанда ҳам қавму қариндошлар йиғилишиб, хурсандчилик қилишган эди. Вақтнинг тез ўтишини қаранг, ҳаш-паш дегунча ўғлим йигитлик бурчини ўтаб, бағримизга қайтиб келди. Ўтган бир йил унинг ҳаётида катта ўзгаришлар ясагани хатти-ҳаракатларидан, ўзини тутишидан сезилиб турибди. Ҳақиқий йигитларга хос чиниқибди, сўзларидаги қатъият, ҳаракатларидаги шижоатни кўриб ғурурланиб кетаяпман. Акалари ҳам жуда хурсанд. Ҳа, армияни бежизга ҳаёт мактаби деб аташмас экан. Энди ўғлимнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишига ишонаман.

Анорбой ака дилидаги гапни айтди. Чунки ота-онанинг фарзандининг нурли келажагидан умидвор бўлиши бор гап. Армия сабоғини олиб қайтган йигит эса албатта бу ишончга муносиб жавоб қайтаради.

– Армия йигит кишини ҳар томонлама тоблайди, деб кўп бора эшитгандим, – дейди биз билан суҳбатда Алишер. – Муддатли ҳарбий хизматга бориб эса бу гапнинг нечоғлик тўғри эканлигига амин бўлдим. Аскарликда жуда кўп нарса ўргандим, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларидан кўп сабоқлар олдим. Ҳар қандай ишга масъулият билан ёндашишни ўргандим. Энг аввало, она Ватанимга ва яқинларимга бўлган меҳрим ошди. Эндиги мақсадим, олий ўқув юртига ўқишга кириш. Ҳуқуқшунослик касбини эгалламоқчиман. Бунинг учун армиядаёқ тайёргарликни бошлаб юборганман. Қисм кутубхонасида керакли барча адабиётларни топиш мумкин эди. Шунинг учун ҳам бўш вақтимни бекор ўтказмасдан ҳуқуқий мавзудаги адабиётларни мутолаа қилишга ҳаракат қилар эдим. Ўйлайманки, армияда олган сабоқларим ва хизмат мобайнида қўлга киритган тавсияномам олий ўқув юртига ўқишга киришимда катта кўмак беради.

Мана, ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, юртимизнинг яна бир мард ўғлони муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, яқинлари бағрига қайтди. Алишер ҳали катта ҳаёт остонасида турибди. Олдинда у эришиши лозим бўлган орзу ва мақсадлар довони бор. Бу довондан ошиш учун эса инсондан етарлича билим, куч ва ғайрат талаб этилади.

**Гулнора МУРОДОВА.**

# ТАНЛОВ

«Намунали ҳарбий оила»

## «ҚАЛДИРҒОЧ»НИНГ ПАРВОЗИ

**Улар ғалаба сари астойдил интилдилар. Ҳар бир шарт бўйича қизғин беллашувлар кимнидир «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг навбатдаги босқичида иштирок этиш имкониятини берувчи йўлланма сари яқинлаштирди, бошқаларни эса пешқадамларни таъқиб этишга ундади.**

Ҳа, тадбир жуда қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтди. Саккизта жамоа, яъни, саккизта оила бешта шарт бўйича ўзаро беллашди.

Биринчи шарт – «Таништирув»дан сўнг, кичик сержант Ҳусаиновларнинг оиласи пешқадамликни қўлга киритган бўлса, кичик сержант Нуратовнинг оиласи улардан атиги бир балл кам тўплади.

Ҳар бир оила аъзосининг қизиқиши, иқтидорини намойиш этишга хизмат қилувчи навбатдаги шартда иштирокчилар ўзлари тиккан каштачилик намуналари, ясаган дурадгорлик асбоблари, яратган асарлари ёки тайёрлаган пишириқларини, умуман олганда, ижод маҳсулини намойиш этдилар. Буни қарангки, мазкур шарт учун жамоаларга қўйилган баллар эълон қилингач, бу сафар ҳам юқоридаги ҳолат қайд этилди.

Менимча, кўрик-танловнинг энг қизиқарли шарти – «Саҳна кўриниши» бўлди. Унда қатнашчилар томонидан ҳаётимизда учраб турувчи айрим иллатлар намойиш этилди. Қолаверса, инсонни ўйлашга, миллий қадриятлар, она, Ватан каби тушунчалар ҳақида фикр юритишга ундовчи саҳна кўринишлари томошабинларга завқу шавқ улашгани аниқ. Ижрони кузатар экансиз, беихтиёр, саҳнада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эмас, балки ҳақиқий актёрлар, деган хаёлга борасиз. Бу шартда Ҳусаиновлар ва Нуратовларнинг чиқиши энг юқори баҳоланди.

Ҳар бир шартда фаол иштирок этаётган кичик сержант Солиевлар оиласи «Савол-жавоб»да ҳар томонлама билимдон эканликларини исботлай олдилар.

Якуний натижаларга кўра, жамоасини «Қалдирғоч» дея номлаган кичик сержант Жамшид Ҳусаиновнинг оиласи ғолиб деб эълон қилиниб, «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг навбатдаги – Мудофаа вазирлиги миқёсидаги босқичида иштирок этадиган бўлди.

Дарвоқе, «Балли, йигитлар» кўрик-танловини, хусусан, 2008 йилги ўйинларни кузатиб борган ишқибозлар чемпион жамоа – «Қанотли шамшир» сардори кичик сержант Бобомурод Нуратовни танийдилар. Сержантлар корпуси вакилининг турли танловлардаги фаол иштирокининг ўзиёқ ибрат олишга арзигулик жиҳат.

– Бошида кучли ҳаяжон сабабми, бор маҳорат ва билимимизни намойиш этолмадик, – дейди кичик сержант Умид Солиев. – Лекин, турмуш ўртоғим Саодатхон билан бир-биримизга далда бўлган ҳолда вазиятни ўзгартиришга эришдик ҳамда якуний натижада иккинчи ўринга лойиқ топилдик. Бундан жуда хурсандмиз.

– Барча иштирокчиларнинг чиқишлари таҳсинга лойиқ, – дейди офицер Обиджон Раҳимов. – Шу ўринда мен кичик сержант Шокирали Маматовнинг оиласини таъкидлаб ўтмоқчиман. Гарчи ютуқ уларга насиб этмаган бўлса-да, аҳиллик билан ҳаракат қилишди.

– Биз чемпион бўлдик, – дейди кўрик-танлов ниҳоясига етгач, болажонларга хос беғуборлик билан Жавоҳирбек, ота-онасини қучиб. Унинг «чемпион» сўзини ишлатиши бежиз эмас, албатта. Спортнинг каратэ тури билан шуғулланувчи Жамшид Ҳусаиновнинг саккиз яшар ўғли мусобақаларда шоҳсупанинг юқорисидан ўрин эгаллашга улгурган экан. Демак, бу унинг яна бир муҳим ғалабаси.

Нафақат катталар, балки болажонлар учун ҳам жуда манзур бўлган танловнинг финал босқичи бундан-да қизиқарли ва муросасиз баҳсларга бой тарзда кечиши, томошабинларга чексиз қувонч улашишига шубҳа йўқ.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**



## КЕЙИНГИ БОСҚИЧ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Қуролли Кучларимизда анъанага айланган «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг қуйи босқичи Шарқий ҳарбий округда ҳам бўлиб ўтди. Унда ҳарбий қисмларда ғолиб топилган оилалар иштирок этиб, ўзаро беллашдилар.

Танловнинг «Таништирув» шарти кўпчиликка маълум. Мана шу шартнинг бажарилишида барча оилалар ўзларини шеър орқали таништирдилар. Бу ҳарбий хизматчилар оилаларининг шеъриятга бўлган ихлосларини ҳам кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари оилалар ўзлари ҳақида – оила, боғча, мактаб, хизматлари ҳақида ҳикоя қилувчи видеолавҳаларни ҳам маҳорат билан тайёрлаганлар.

Иштирокчилар билимдонлик баҳсида ҳам бирбирларидан қолишмасликка ҳаракат қилишди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу шартда бериладиган саволлар турли мавзулар – оила, тарих, фавқулодда ҳолатлар, хизмат жараёнлари, тарбия кабиларни ўз ичига олган. Оила аъзолари ана шу саволларга бир-бирларининг фикрларини тўлдириб, жавоб беришлари эътиборга молик. Оилалар миллатимизга хос меҳмондўстлик одатини ҳам самимият билан кичик саҳна кўринишларида намойиш этишди.

Танловга вилоят «Маҳалла» жамғармасининг бош маслаҳатчиси Н.Каримова, шаҳар ҳокимлиги вакили М.Қаюмова, округ тарбиявий ишлар бўлими катта офицери Ф.Қудратовлар ҳакамлик қилдилар. Кўрик-танлов якунига кўра, биринчи ўрин сержант Сарвар Ғаниевнинг оиласига насиб этди. Кичик командирнинг рафиқаси Шоҳиста Толипова ўз таассуротларини шундай баён қилади:

– Ҳарбийнинг аёли эканлигимдан фахрланаман. Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига катта эътибор қаратилаётганидан барчамиз мамнунмиз. Ушбу кўрик-танлов ҳам оилалар мустаҳкамлиги, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган. Бугун биз «Эл учун умримиз, жонимиз фидо!» деган оилавий шиор билан иштирок этдик. Истардикки, Ватан ичра ватан бўлмиш оилалар доим тинч бўлсин. Уларда камол топаётган фарзандлар улуғ аждодларимиз каби она Ўзбекистонимиз довруғини оламга ёйсинлар.

Иккинчи ўринга сержант Дилшод Кенжаевнинг оиласи лойиқ топилди. Учинчи ўрин эса сержант Илҳом Турсуновнинг оиласига насиб этди. Ғолибларга қўмондонлик томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди. Шундай қилиб, қизғин баҳслар билан ўтган кўрик-танловда республика босқичига йўлланмани қўлга киритган сержант Сарвар Ғаниевнинг оиласига нуфузли беллашувда омад тилаб қоламиз.

**О. МУХТОРОВА,**
**округ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи.**





# ТАНЛОВ

## МАЪНАВИЯТ ПОЙДЕВОРИ

**Оила – Ватаннинг кичик бўлаги,
Оила – Ватаннинг қайноқ юраги.
Унда камол топар келажак авлод,
Миллат истиқболи бўлади бунёд.
Она юрт тимсоли, чин иқболи у,
Маънавий комиллик пойдевори у.**

Ҳа, оилалар жамият ривожи, миллат келажаги демак. Унда маънавият, маърифат, Ватанга муҳаббат шаклланади. Пойдевори мустаҳкам имorat асрлар давомида қад ростлаб тургани каби Ватан шону шуҳратини, миллат шаънини тутгувчи, асрагувчи инсонлар таянч илдизи ҳам оилага туташдир. Чунки энг гўзал, энг теран инсоний туйғулар оила аталмиш кичик ватанда дунёга келади, сайқал топади.

Шу боис бугунги кунда ҳарбий оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишлари учун замин яратиш, фарзандлар орасида туғилиб ўсган она заминга муҳаббат ва садоқат, ота-она ва кексаларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, яъни, маънавий қадриятларимизни сингдиришга катта эътибор қаратилаяпти. Бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардан бири ҳар йили «Оила – ишончли маскан» шиори остида босқичма-босқич тарзда ўтказиб келинаётган «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловидир. Маълумки, жойларда ушбу танловнинг иккинчи – округ миқёсидаги босқичи бўлиб ўтди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округда мазкур танловга қизғин ҳозирлик кўрилганига беллашув давомида гувоҳ бўлдик.

Нукус гарнизони офицерлар уйида бўлиб ўтган «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловини округ қўшинлари қўмондони полковник Муроджон Ғофуров кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларга омад тилади. Бунда бешта ҳарбий оила: офицерлар Муҳаммадмуса Салимов, Аймбет Хожаниёзов ҳамда кичик сержантлар Пердебай Кайпназаров, Мурод Таштанов, Қуролбай Ҳайтбоевларнинг оила аъзолари иштирок этиб, ўзаро беллашдилар. Оилаларини таништириш шартида иштирокчилар қандай танишганликлари, оилавий шароитлари ва фарзандлари тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтдилар. Шунингдек, бу шартда ҳакамлар ҳайъати уларнинг миллий либослари ва кўкрак нишонларига ҳам эътибор қаратди.

Иккинчи шарт «Уйга вазифа» бўлиб, бунда иштирокчиларнинг ижод намуналари намойиш этилди.

Навбатдаги шартда иштирокчилар жамиятда, оила ҳаётида учрайдиган айрим муаммоларни саҳна кўриниши орқали намойиш этишиб, қанчалар актёрлик маҳоратига эга эканликларини кўрсатдилар.

Тўртинчи шартда эса қатнашувчилар турли мавзулар бўйича саволларга жавоб беришди.

Сўнгги шарт эркин мавзу бўлиб, бунда иштирокчиларнинг санъаткорлик қобилиятлари синовдан ўтди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин майор Муҳаммадмуса Салимов ҳамда кичик сержант Пердебай Кайпназаровлар оиласига насиб этди. Иккинчи ўринни кичик сержант Мурод Таштанов, учинчи ўринни эса майор Аймбет Хожаниёзов ва кичик сержант Қуролбой Ҳайтбоевлар оиласи эгаллашди. Ғолиб ва совриндорлар округ қўшинлари қўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда «Соғлом авлод» жамғармасининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Танлов давомида округ сержантлар тайёрлаш мактаби ҳаваскор ижодкорлари ўз концерт дастурларини намойиш этиб, тадбирга кўтаринки руҳ бахш этди.

**Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Гулбаҳор ҲАБИБУЛЛАЕВА,
округ ҳарбий хизматчиларнинг
оила аъзолари билан ишлаш
бўлинмаси бошлиғи.
Жалғас НУРАБУЛЛАЕВ
суратга олган.**



## БЕЛЛАШУВ ҚИЗҒИН КЕЧДИ

**Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округда «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг навбатдаги, округ босқичи бўлиб ўтди. Танловда подполковник Ф. Қурбонов, майор А. Баратов, кичик сержантлар М. Қорамирзаев, З. Дўстматов ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Ш. Нурматовларнинг оилалари ўзаро беллашдилар.**

Кўрик-танлов иштирокчиларининг ҳар бир чиқишларини вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси И. Каримова, қўмита бош мутахассиси З. Шоназарова, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими вакили М. Пўлатов, «Сандувоч» газетаси бош муҳаррири Х. Эгамбердиевлардан иборат ҳакамлар ҳайъати холис баҳолаб бордилар. Беллашув шартларига кўра, ҳарбий оилалар ўзларининг қанчалик эпчил ва чаққон, уддабурон ва ҳозиржавоблигини намойиш қилишлари керак эди. Танлов қатнашчилари шартларни астойдил бажаришга ҳаракат қилдилар.

Ниҳоят, беллашув натижалари эълон қилинди. Унга кўра, Баратовлар оиласи танлов ғолиблигини қўлга киритди ва беллашувнинг республика босқичига йўлланма олди.

Тадбир давомида бадиий ижодиёт кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ушбу кўргазмада ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, Мудофаа вазирлигига қарашли мактабгача таълим муассасалари тарбиячи ва тарбияланувчиларининг ижод намуналари намойиш этилди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

**Тамара МАМАНОВА.**





## ШАРҚДА ЭЪЗОЗЛАНГАН МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Киши илк тарбияни аввало туғилиб ўсган хонадонидан, ота-онаси ва яқинларидан олади. Оила жамиятнинг асосидир. Оилалардаги соғлом муҳит эса соғлом тарбия ва ҳаётга тўғри муносабатларни шакллантириш манбаи саналади. Намунали ва аҳил хонадонларда вояга етган фарзанд жамият ривожи учун ҳам муносиб хизмат қила олади. Азалдан муқаддас қўрғонга менгзаб эъзозланадиган оилаларнинг жипслиги ва тотувлигига юртимизда алоҳида эътибор қаратилади ва бу давлатимиз ҳамда жамиятимизнинг ҳам доимий диққат марказидадир.

Бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ҳам ҳарбий оилалар учун қатор қулайликлар яратиш ва бу хонадонларда вояга етаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш ҳамда озод ва обод Ватанга муносиб ўғил-қизларни тарбиялашдек эзгу мақсад мужассамдир. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардан бири сифатида ҳарбий қисм ва муассасаларда «Намунали ҳарбий оила» кўрик-танловининг ўтказилиши йўлга қўйилганини айтишимиз мумкин.

Яқинда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ҳам ана шундай танлов бўлиб ўтди. Унда майорлар Р.Маҳаматов, А.Қобилов ва кичик сержант С.Ҳасановларнинг оилалари қатнашишди.

Берилган шартларни бажариш асносида ҳарбий хонадонлар вакилларининг қанчалар нозиктаъблиги, топқирлиги, ҳозиржавоб ва тадбиркорлиги, ижрочилик маҳорати намоён бўлди. Бундан ташқари кўрик-танлов қатнашчилари ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган турли саволларга ҳам зукколик билан жавоб қайтардилар. Тадбирга билим юрти ҳарбий оркестри томонидан тақдим этилган куй-қўшиқлар янада файз бағишлади.

Иштирокчиларнинг билимдонлиги, маҳоратини подполковник Б.Ҳайдаров бошчилигидаги ҳайъат аъзолари – вилоят ҳокимининг ўринбосари,хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Аҳророва, округ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи З.Шарипова ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими вакили Э.Нуралиевлар баҳолаб боришди.

Қизғин кечган баҳсларда майор Р.Маҳаматов оиласи ғолиб деб топилди ва фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўринни майор А.Қобилов, учинчи ўринни эса кичик сержант С.Ҳасановнинг оилалари қўлга киритишди.

Тадбир якунида кўрик-танлов қатнашчилари билим юрти қўмондонлигининг Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

**Майор Ихтиёр БАЙБУТАЕВ.**

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## ФАРЗАНДЛАРИМ, МЕНИ КЕЧИРИНГ

Қодиржоннинг қамоқ муддатини ўтаб чиққанига бугун уч кун бўлди. У тўрт йил деганда туғилиб ўсган гўшаси, ота-онаси бағрига қайтди. Шу йиллар ичида чол-кампирни анчайин кексайиб, чўкиб қолганлигини сезди, у. Фарзанди неча ёшда бўлмасин, ота-она назарида ҳамон ақли тўлиб улгурмаган бола бўлиб қолаверади. Шу туфайли ёши қирққа яқинлашиб қолган бўлса-да, чол-кампир тили билан айтганда, ақлсизлик қилиб қўйган ўғилларининг жабрини улар ҳам тенгма-тенг тортишди.

Қодиржон оилада тўнғич фарзанд. Ундан кейин уч қиз туғилганлиги сабаб, ягона ўғил сифатида эркалатиб ўстиришди, уни. Кенжа ўғил Нодиржон туғилганда эса Қодиржон ота-онанинг эркатойи, ўсмир ва қайсар феъл-атворга эга бўлиб улгурган эди. Ўрта мактабни бир амаллаб тугатган йигит, бирорта касб эгаллашга ёки ишлашга бўйни ёр бермай бир оз даврини сургач, армияга жўнади. Ҳарбий хизматдан бироз бўлса-да яхши томонга ўзгариб қайтди. Отасига деҳқончилик, хўжалик ишларида ёрдам бериб юрди. Шу орада ён қишлоқдаги қизлардан бирига ошиқ бўлган ўғилларини қўлида касб-кори йўқлигини ҳам ҳисобга олмай ота-онаси куёвликка раво кўришди. Тенгқурларига нисбатан барваста, келишган ва чапани ўғиллари ҳар қандай ҳолатда ҳам оилани эплай оладиган даражада эди, уларнинг назарида...

Йиллар кетидан йиллар ўтиб, Қодиржоннинг оиласи уч қизу бир ўғил билан кенгайди. Кўп қатори тирикчилигини ўтказиб турган хонадон давр ўзгаришларига келиб бир оз қийинчиликка юз тутди. Ишбилармон, меҳнаткаш, қўлида ҳунари борлар юзага чиқаётган бу пайтда, Қодиржон сингари уқувсизу касби-кори йўқларнинг қуруқ савлати оила тебратишда ўзини кўрсатди. Еймаи, ичаман, деб турган болаларни тўйдириш, элдан кам қилмаслик илинжида эр-хотин ўзларини ҳар томонга уриб кўришди. Шундай кунлардан бирида кўчадан яхши кайфиятда келган Қодиржонга:

– Опамга савдодаги ишларига қарашиш учун битта ёрдамчи керак экан. Шунга мени чақиртирибди, – майинлик билан дилини ёрди хотини Латофат. – Агар рози бўлсангиз, шаҳарга тушиб опамга ёрдамлашардим. Замон савдогарларники бўлиб қолди. Савдода ишим юришиб, қўлим ўнг келиб қолса кейинчалик ўзимиз ҳам тижорат билан шуғулланармидик.

– Шаҳар йигирма беш, ўттиз чақирим узоқда бўлса. Бу ишда эрта кетиб, кеч келишингга тўғри келади. Мен даладан бўшамасам, болаларга ким қарайди?

Эрининг жеркиб беришини кутган аёл бу юмшоқ муомаладан янада жонланди.

– Вой, Гулноза ўн ёшдан ошди-ку, укаларини бемалол эплайди. Ўзим ҳам эртароқ келишга ҳаракат қиламан.

Шундай қилиб, Латофат тижоратчи опасига қўшилиб бозорга чиқди, унинг савдодаги ишларига ёрдамлашиб юрди. Ер билан тиллаша олмаган Қодиржон эса деҳқончиликни йиғиштириб ошхонага ишга ўтди. Тирикчиликлари ҳар қалай изга тушган бўлса-да, қишлоқдаги, маҳалладаги ишбилармон ва ҳунарлиларнинг оиласидаги тўкинлик уларга тинчлик бермасди. Айниқса, бозор кўрган Латофатнинг хаёли фақат молдунёда бўлиб қолди. У гоҳида опасиникида икки-уч кунлаб қолиб савдога чиқар, ёш фарзандлари эса уйда ёлғиз қоларди. Вақт ўтган сайин икки ёшнинг кўксини ўзини тиклаб олган оилаларга нисбатан ҳасад, ношукурлик эгаллади. Бу топиш-тутишларига қаноат қилмаган эр-хотин бадавлат ён қўшниларникида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб ўғирликка тушишди. Тўғрироғи, Қодиржон ўмариб чиққан қимматбаҳо тақинчоқ ва пулларни Латофат ўзининг назарида ҳеч ким топа олмайдиган жойларга беркитди. Тез орада сир ошкор бўлгач, ҳамма айбни ўз бўйнига олган йигит тўрт йил муддатга панжара ортига равона бўлди.

Қишлоқ жойда ҳар бир хонадоннинг ҳаёт тарзи, ҳар бир инсоннинг феъл-атвори эл назарида туради. Фарзандларининг ўғри номидан шундоқ ҳам маҳалла-кўйда бош кўтара олмай, мулзам тортган ота-она зиммасига яна бир оғирлик юкланди. Келинлари Латофат Россияга савдо билан қатнаш баҳонасида хўжалик марказидаги яшаб турган ҳовлиларини сотиб, ўғли ва икки қизини қайнона-қайнотасига ташлади. Ўн икки ёшли катта қизи Гулнозани эса опамникида туради, дея шаҳарга олиб кетди. Ёшлари ўтиб, қўлларидан бир иш келмай пенсияга термулиб қолган чолу кампирга набираларини боқиш ва усти-бошларига қараш оғирлик қилди, албатта. Келинлари Россия бозорларида савдо қилаётганлиги учун фарзандлари ҳолидан бир-бир хабар олиб турар, уларга таянч бўладиган кенжа ўғиллари Нодиржон эса ҳарбий хизматда эди. Шундай кунлардан бирида Қодиржоннинг оилали уч сингилиси маслаҳат қилиб, ота-оналарига



ёрдам бериш мақсадида акалари қамоқдан чиққунга қадар жиянларини ўз тарбияларига олишди. Шундай қилиб нотўғри босилган бир қадам туфайли бир бутун оиланинг олти аъзоси олти томонга тарқалиб кетди. Бу айриликнинг азобини эса ота-она ва бир-бирларига зор бўлган болалар тортди.

Қодиржон қамоқдан қайтган куни яқинлари билан кўришар экан, ҳар томонга жовдираган нигоҳи фарзандларини изларди.

– Болалар кўринишмайди? – отасига юзланди у, бетоқатлигини билдирмасликка ҳаракат қилиб.

– Сингилларингникида эди. Ҳозир келиб қолишади, – ўғлининг ҳолатидан юраги эзилди отанинг.

Ниҳоят қўшни қишлоқларга тушган уч амманикидан болалари бирин-кетин кириб келишди. Маъюс чеҳрали фарзандларини бағрига босган ота уларнинг ўксик нигоҳларига дош беролмай кўз ёшларини тиёлмади...

Мана уч кундирки улар, анча улғайиб қолган бўлса-да, дадалари пинжидан йироқлашмасди. Катта қизи Гулнозадан эса ҳамон дарак йўқ. Қодиржон уни сўроқлаб ота-онасига берган саволларига қандайдир мужмал жавоб олар, хотини Латофат уни шаҳардаги опасиникига ташлаб, савдо билан шуғулланиб юрганлигини эшитган эди қамоқдалигида. Тўртинчи куни у шаҳардан Гулнозани олиб келишга чоғланди.

– Ая, Гулнозани ўзим олиб кела қолай. Жуда соғинганман, катта қиз бўлиб қолгандир. Укаларини ҳам эплайди. Қариган чоғингизда уларга қараш сизга осонми?

Йўлга чиқиш учун тараддудланиб турган ўғлига онаси тўхтаб тур ишорасини қилиб, уйдан қандайдир газета олиб чиқди.

– Бунда қизинг тўғрисида ёзишган, аввал ўқиб чиқ, болам, – деди аста.

Гап нимада эканлигини тушунмаган Қодиржон газета саҳифаларига кўз югуртирди. Унда қўлидаги бир даста пулни боши узра кўтариб турган аёлу унинг ёнида боши эгик ёшгина қиз тасвири чизилган мақола сарлавҳасида қизининг исмини кўриб ўқишга чоғланди.

Мақолада қўшмачи аёллар қўлига тушиб қолган навниҳол Гулнозанинг пулга сотилган номуси тўғрисида ёзилган эди. Қодиржон уни охиригача ўқий олмади. Икки қўли билан бошини маҳкам чангаллаганча ўтириб қолди. Кўз олдида қамоқ муддатини ўташ учун кетаётганда ўксиб-ўксиб йиғлаб қолган беғубор чеҳрали, соддагина қизи гавдаланди.

Унинг ҳолатини четдан кузатиб турган онаизори кўз ёшларини рўмоли учига арта-арта бир пиёла сув билан ёнига келди.

– Ўзингни қўлга ол, ўғлим. Бўлиб ўтган ишлар отанг иккимизни ҳам адо қилди.

Қодиржон онаси тутқазган сувни четга суриб:

– У қаерда ҳозир? – сўради, бўғзига тиқилган аламдан инграб юбормасликка ҳаракат қилиб.

– Ўсмирларнинг тарбияхонасида, – соддагина қилиб тушунтирди она.

Тарбияси оғир ўсмирлар мактабидаги бир оз расмиятчиликдан сўнг унга Гулнозани чақириб беришди. Қодиржон қизини кутар экан, икки ўт орасида ёнарди. Бир хаёли шундоқ ҳам чўккан оилани баттар номусга қўйган қизининг юзига тарсаки тортишни истаса, бир хаёли ота-она бағрида яйраб яшамай, ўсмирлигиданоқ оёқ-ости бўлган фарзандининг аянчли аҳволидан юраги куярди. Тўрт йил ичида бўйлари анча чўзилиб қолган, аммо кўзлари маъюс, юзлари сўлғин Гулноза хонага бепарво кириб келди-ю, дадасига кўзи тушиб ҳайкалдек қотиб қолди. Унинг қўллари, лаблари қалтирар, отаси томонга бир қадам босишга ҳам мажоли йўқ эди. Қиз бола отанинг юрак қонидан бўлади, дейишади. Мана шу меҳр Қодиржонда ҳам устунлик қилди. У елкасига бош қўйиб, алам билан йиғлаётган қизининг бошини силар, «ҳали ҳаммаси олдинда қизим, ҳаммаси олдинда», – дейишдан нарига ўтолмасди. Бу кўргуликлар ҳаёт қонунларини оёқ ости қилган эр-хотин гуноҳининг меваси эканлигини дилдан ҳис қиларди, у. Латофатни эслаганида эса қўллари ўз-ўзидан мушт бўлиб тугулар, болалари отасиз чоғида уларни она меҳрига ҳам зор қилган аёлини кечира олмасди.

Ва ниҳоят фарзандлари жам бўлганига мана, икки ҳафта бўлаяпти. Бу орада Қодиржон ўзига иш топди. Қишлоқда бир яхши одат бор. Ҳаётда қоқилган одамга ёрдам бериш учун маҳалла-кўй, ёру биродарлар бирлаша олади. Худди шундай қариндош-уруғ ва қишлоқ аҳли Қодиржон ва фарзандлари учун янги уй-жой тиклашга қарор қилишди.

Эркак оила устуни бўлса, аёл унинг чироғи. Фарзандлар ниҳолу она оби-ҳаёт. Латофат ҳам дастлаб меҳрибон она, эрининг қайсар феълига бўйсуниб келган аёл эди. Уни бозорга, пулга берилишига агар Қодиржон қаршилик қилганида унинг айтганини қиларди. Эрталабки нонушта чоғида оналарини соғинган болаларининг юзига термулиб шу ҳақда ўйлар экан, ўтган ишларни сарҳисоб қилгани сари оила бошлиғи сифатида хотини эмас, ўзини гуноҳкор деб тан олар, «болаларим, мени кечиринг», деган нидо бўғзига тиқилиб, кўксини наштардек ачиштирарди. Унинг ўйлари тугар-тугамас кўча дарвозаси очилиб, қўлида сумкалар кўтарган ҳорғин Латофат кўринди. У ичкарига қадам қўйди-ю, очиқ айвонда жам бўлиб нонушта қилиб ўтирган эри, болалари ва қайнона-қайнотасига кўзи тушиб, улар томонга қадам босишга ортиқ журъат қилолмади. Юзларига қувонч югурган фарзандлари эса оналари истиқболига чиқиш учун интиқ нигоҳлари билан оталаридан рухсат кутарди...

**Зулфия ЮНУСОВА.**

# НАНОТЕХНОЛОГИЯ

## САРАТОН КАСАЛЛИГИДАН ХАЛОС ЭТАДИ

Нанотехнологлар саратон касалликларига қарши фойдаланиладиган дори-дармонлар яратиш йўналишида навбатдаги қадамларни ташлашга муваффақ бўлдилар. Лестер университетининг тадқиқотчилар гуруҳи томонидан саратон ташҳиси ва уни даволашнинг тезкор ва ишончли усули ишлаб чиқилди.

Университет олимлари маълум қилишича, простата шиши ташҳиси ва уни даволаш учун врачлар 5–100 нм диаметрли магнит нанозаррачаларни қўллашлари мумкин. Британияликларнинг ушбу ишланмаси, уларнинг сўзларига кўра, нанотехнологиянинг энг илғор ютуқларини ҳаракатга келтиради ҳамда саратон касалликларининг бошқа турларини даволашда ҳам муваффақият билан қўлланилиши мумкин.

Лойиҳа раҳбари, кимё факультети бошлиғи доктор Ву Су биомуҳандислик соҳасида тадқиқотлар олиб бориш учун каттагина грантга эга бўлди. Бу эса олимларга шиш ёки ўсмага магнит-резонанс томографияси ёрдамида ташҳис қўювчи ва кейин уни қиздириш усули билан йўқ қилувчи зондлар сингари фаолият кўрсатувчи юксак самарали нанозаррачалар ишлаб чиқиш имконини берди. Магнит нанозаррачаларнинг янги типи хавфли шиш ёки ўсма юзасидаги рецепторлар билан осонгина алоқага кириш қобилиятига эга, бу эса шиш ёки ўсмани тез ва ишончли аниқлашни таъминлайди. Афтидан, простата саратонида муваффақиятли синовдан ўтган бундай усул онкология соҳасида кенг қўлланилиши мумкин.



## НЕОЖИДАННОЕ ОТКРЫТИЕ В ПОЛУЧЕНИИ ВОДОРОДНОГО ТОПЛИВА

Ученые из Национального института стандартов и технологии (NIST) США и Северо-Восточного Университета (Northeastern University) совершенно случайно сделали серьезное открытие. Они обнаружили, что остатки химических процессов изготовления матриц диоксида титана – остатки, на которые прежде не обращали никакого внимания – играют важную роль в повышении рабочих характеристик нанотрубок в фотоэлементах, производящих водород из воды.

Исследования показывают, что путем контроля процесса образования депозитов калия на поверхности нанотрубок можно получить значительную экономию энергии.

Исследования проводили на синхротроне NIST, рентгеновский излучатель которого может быть с высочайшей точностью отъюстирован для измерений химических связей специфических элементов. Как говорят ученые, оборудование NIST обладает, по крайней мере, на порядок более высокой чувствительностью по сравнению с обычным лабораторным оборудованием, что позволяет детекитровать различные элементы в сверхмалых концентрациях. Во время исследования поведения атомов углерода ученые обратили внимание на спектральные данные, которые показывали, что нанотрубки диоксида титана имеют небольшие остаточные количества ионов калия, осевших на их поверхности. Поскольку ученые использовали соли калия в процессе изготовления нанотрубок, вывод был очевиден – ионы калия – остатки процесса изготовления. Это был, вообще говоря, первый случай, когда калий наблюдался на поверхности нанотрубок диоксида титана, во всех предыдущих случаях спектральное оборудование было недостаточно чувствительно для этого.

Сам по себе этот результат был умеренно интересен, однако интерес к нему резко возрос, когда ученые сравнили эффективность нанотрубок, покрытых остаточным калием, с действием аналогичных структур, изготовленных без участия калия. Новые, калий содержащие, структуры для производства того же самого количества водорода требовали на треть меньших затрат электроэнергии. Ученые акцентировали свои усилия на этом побочном эффекте, поскольку стало очевидно, что даже столь мизерные количества остаточного калия дают существенный выигрыш в эффективности электролиза. Это, тем более, перспективно, как говорят исследователи, что калий часто присутствует в электролитических элементах в виде гидроксида калия.

## ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ МАНБАЛАРГА ТАЛАБ КАТТА

Транспорт келажагини кўпинча электромобиллар технологияси тараққиёти билан боғлайдилар. Экспертлар фикрича, мазкур соҳани глобал ривожлантиришни йўлга қўядиган компаниялар тез орада муваффақият чўққисига чиқишлари мумкин. Бунда нанотехнологиялар асосида яратилган литий-ионли аккумуляторларнинг янги хили электромобиллар учун қувват манбаига айланиши мумкин.



Мутахассислар тахминича, 2015 йилга бориб электромобилларнинг умумий миқдори 32,7 миллионтага етади. Бундай катта кўрсаткич қайта тикланувчи қувват манбаларида ишловчи автомобилларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши билан изоҳланади. Уяли телефонлар, ноутбуклар ва симсиз электр жиҳозлари ишлаб чиқарувчилар учун одатий бўлиб қолган литий-ионли технологияга асосланган қурилма ана шундай қайта тикланувчи манба, соддароқ айтганда, аккумулятор бўлиб хизмат қилади. Нанотехнологиялар ёрдамида яратилган юпқа пардалар (плёнкалар) асосида литий-ионли батареялар яратиш тезкорлик билан ривожланиб бормоқда. Бундай батареялар анча арзон, ихчам ва шу билан биргаликда кенг сиғимлидир. Экспертлар фикрича, айнан нанотехнологиялар бозорга тез мослашувчи ва вақти келиб унинг анчагина қисмини эгалловчи шундай қурилмалар яратиш имконини беради. Демак, биз яқиндагина лабораторияда олинган технологиялар бозорга чиқаётганини – юпқа нанопардали литий-ионли аккумуляторлар технологияси тижорат лойиҳасига айланаётганини кузатишимиз мумкин. Эски аккумуляторлардан фарқли равишда, янгилари жуда узоқ муддат хизмат кўрсата олишини исботламоқда.

## ГИБКИЕ ПЕЧАТНЫЕ СУПЕРКОНДЕНСАТОРЫ

В настоящее время портативная микроэлектроника достигла в своем развитии критического момента, когда дальнейшее увеличение функциональности ограничено возможностями существующих источников энергии. Обычные батареи не способны обеспечить необходимую мощность, не становясь при этом слишком тяжелыми или громоздкими.

Группа ученых из UCLA и Стэнфордского университета предложила метод создания печатных суперконденсаторов на основе одностенных углеродных нанотрубок (SWCNT). По сравнению с остальными углеродосодержащими электродными материалами покрытия из SWCNT демонстрируют хорошую проводимость (что в некоторых случаях исключает необходимость использования металлического коллектора), а также высокую электрохимическую и механическую стабильность, что дает им заметное преимущество по сравнению с другими неуглеродными материалами.

Прибор состоит из двух тонких пленок SWCNT, которые служат одновременно электродами и коллекторами тока, разделенных полимером или жидким электролитом. Получить полностью печатные структуры удалось только для системы с гелем, так как использование жидких электролитов требует очень тщательного контроля утечек.



## ОММАВИЙ ТАРЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Ғарб экспертларининг фикрича, нанотехнологиялар асосида яратилган маҳсулотлар оммавий бозорга чиқадиган вақтга ҳам оз қолди. Бунда гап, албатта, нанороботларга ўхшаш инновацион (янги) маҳсулотлар ҳақида кетаётгани йўқ. Биринчи навбатда гап нанотехнологиялар ёрдамида яратиладиган янги дори-дармонлар, шунингдек, маиший турмуш жиҳозлари ҳақида бормоқда. Нанотехнологиялар соҳасида фаолият кўрсатувчи CMP Cientifica консалтинг компанияси тахминига кўра, нанотехнологиялар бозори ҳажми 2012 йилга бориб 2 трлн. долларга етиши мумкин. Экспертлар фикрича, биринчи навбатда нанотехнологиялар АҚШ, Япония ва Хитойда кенг тарқалади. Юқорида номи тилга олинган компания асосчиси Тим Харпернинг сўзларига кўра, бу борадаги ҳақиқий юксалиш 2011 йилда бошланади, ундан кейинги йил эса катта шов-шувга айланади.

Ҳозирги вақтда наносаноатга ҳар йили юз миллионлаб доллар киритилмоқда ва, мутахассис фикрича, биз нанотехнологиялар асосидаги маҳсулотларнинг оммавий тарзда ишлаб чиқарилишини кўришимизга ҳам оз вақт қолди. 2010 йилга бориб нано ва биотехнологиялар интеграцияси (бирлашуви) содир бўлиши, бу эса янги ноёб дори-дармонлар ва тиббиёт жиҳозлари (масалан, Россияда яратилган плазмоферез қурилмаси) ишлаб чиқаришни бошлаш имконини бериши мумкин. Тим Харпернинг баҳолашича, нанофармацевтика бозорининг умумий маблағ айланмаси 2012 йилга бориб 3,2 трлн. доллар атрофида бўлади.

Бозорнинг 4 фоизга яқинини авто ишлаб чиқариш билан боғлиқ маҳсулотлар эгаллайди. Ундан бироз камроқ – 2 фоизини эса Харпер наноозиқ-овқат янгиликларига ажратади. Шунингдек, ўзидан кир, сўхта (нагар) ва сувни қайтарувчи материаллар ва қопламалар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

## ҚЎЛЛАШ КЎЛАМИ АНЧА КЕНГ

Наномагнетиклар нанотехнологиялар саноатининг истиқболли соҳаларидан биридир. «Наномагнетика» ибораси остида электромагнит майдонига нисбатан ўта таъсирчан бўлган нанозаррачалар тушунилади. Бундай магнит нанозаррачалар, жумладан, тиббиётда ишлатилиши мумкин – наномагнетиклар ҳужайралар ичидаги турли биокимёвий жараёнларни «ҳаракатга келтириш» ва «ўчириб қўйиш»га қодир. Магнит майдони ёрдамида бундай зарраларни масофадан бошқариш, бунда электроника ва биокимёдаги кўплаб майда жараёнларни назорат остига олиш мумкин. Elektronics,са таҳлилчиларининг фикрича, дунёдаги наномагнетиклар бозори ҳажми 2012 йилда 16,4 млрд. долларга етади. Ваҳоланки, у 2007 йилда тахминан 7,6 млрд. долларни ташкил этган эди.



2008 йилда АҚШ бу борадаги савдо ҳажми бўйича бозор етакчисига айланди ва унинг дунё бўйича ҳиссаси 39,5 фоизга тенг бўлди. Мазкур бозор Японияда ҳам тезкорлик билан ривожланмоқда – ўртача йиллик ўсиш суръати бу ерда 2003–2010 йиллар мобайнида 21,5 фоиз даражасида бўлди. Наномагнетиклар бозоридаги мунтазам ўсиш суръатлари нанотехнологик маҳсулотга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётгани билан изоҳланади. Бозорнинг аксарият қисмини юпқа парда (пленка)лар эгалламоқда.

Наномагнит юпқа пардалар бозорининг умумий маблағ айланмаси 2007 йилда 7,1 млрд. долларни ташкил этди. Бундай юпқа пардаларни қўллаш спектри (кўлами) анча кенг. Биринчидан, улар асосида ахборот сақловчи янги ўта тезкор қурилмалар яратилиши мумкин. Иккинчидан, бундай пардалар тиббиётда турли касалликлар ва ҳолатларга аниқ ташҳис қўйиш учун, шунингдек, терапияда қўлланилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда наномагнетиклар бозорини ривожлантириш билан кўплаб йирик компаниялар шуғулланаётган бўлиб, улар орасида Fujitsu Laboratories, Hitachi Metals, IBM компаниялари ҳам бор.

**М. САЙДИВАЛИЕВ** тайёрлаган.

# ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

## БАЛИҚ ДИМЛАМА

**Керакли масалллиқлар:** 400 г балиқ филеси, 600 г картошка, 2 дона тухум, 1 дона пиёз, 50 мг. ўсимлик ёғи, 100 г сметана, 1 ош қошиқ ун, таъбга кўра туз, мурч, 1 боғ укроп.

Парраклаб тўғралган картошкани сув шимадиган сочиқ ёки салфеткага ёйиб сувини қуритиб оламиз ҳамда ёғланган товага бир текисда соламиз. Туз ва мурч сепамиз. Унга суякларидан тозаланган ва узунчоқ шаклда тўғралган балиқни ҳам бир текисда соламиз, туз ва мурч сепамиз. Устига майда қилиб тўғралган пиёзни соламиз. Пиёз устидан ун сепиб, ёғни қуямиз. Идишни қопқоғини ёпиб паст оловда 30 дақиқа давомида димлаймиз. Аталанган тухумга сметана қўшилиб, бу аралашмани пишган балиқ устига қуямиз ва 180°да қиздирилган газ печига 5–10 дақиқага (тухум пишгунча) қўямиз. Таомни дастурхонга тортишдаан аввал майда тўғралган укроп сепиб безатамиз.






## БАНАНЛИ ПИРОГ

**Масалликлар:** 1 стакан ун, 3 дона банан, 1 стакан сут, 3 қошиқ шакар, 1 чой қошиқ лимон шарбати, 0,5 чой қошиқ хамир юмшаттгич, 1 қошиқ қанд упаси, таъбга қараб туз.

**Тайёрланиши:** ун, сут, шакар, лимон шарбати, хамир юмшатгич ва тузни идишга солиб, хамир қоринг. Кейин бу хамирни совутгичга қўйиб, ярим соат дам берасиз.

Сўнгра хамирни совуттичдан олиб, тенг иккига бўлинг. Бир бўлак хамирни ёғланган товага текислаб ёйиб, устидан парракпаррак қилиб кесилган бананларни териб чиқасиз.

Бананларнинг устидан эса иккинчи бўлак хамирни жойлаштирасиз.

Ва ниҳоят, пирогни пишириш вақти келди. Уни аввалдан 230 даража ҳароратга қиздириб қўйилган газ печига жойлаб, ярим соат пиширасиз.

Пирогни тованинг ўзида совутинг. Кейингина лаганга олиб, бўлакларга кесасиз ва устидан қанд упаси сепасиз.



Полезные советы

## УБИРАЕМ ЗИМНИЕ ВЕЩИ

**Заботливое отношение к одежде заключается не только в чистке и починке, но и в умелом хранении зимой летней, а летом зимней одежды.**

Состояние нашего гардероба – предмет внимания и заботы в течение всего года. Как минимум два раза в год необходимо произвести в нем генеральную уборку: освободить, протереть от пыли и проветрить внутренние объемы шкафов, проветрить и привести в порядок одежду и снова уложить ее на свое место; в зависимости от сезона одни вещи вынуть, другие убрать на хранение.

Два раза в год обязательно нужно рассортировать вещи – отделить летние от зимних. В конце весны всю теплую одежду необходимо привести в порядок – почистить, постирать, погладить, починить, хорошо проветрить на сквозняке или на воздухе в тени и только после этого убрать в шкаф до следующего сезона. Главное правило — вещи, которые ты размещаешь на длительное хранение, должны быть чистыми. Ни в коем случае не следует теплые вещи хранить в заношенном виде, с пятнами, дырками, оторванными пуговицами. Через полгода их значительно труднее отстирать и отгладить. Кроме того, для загрязненных теплых вещей из шерсти и меха особенно опасна моль.

Верхнюю одежду, перед тем как убрать на сезонное хранение, повесьте на плечики. Размер плечиков должен соответствовать размеру одежды: если они шире, чем нужно, на рукавах появятся «пузыри»; если, наоборот, меньше – провиснут плечи. После того как вы повесили одежду на плечики, застегните пуговицы или молнию.

Хранят верхнюю одежду в специальных матерчатых, бумажных или полиэтиленовых чехлах, наглухо застегнутых на пуговицы или молнию; чехлы вешают на плечики и кладут в них средства против моли. Кожаную и меховую одежду не рекомендуется хранить в полиэтиленовых чехлах – она должна «дышать», поэтому лучше хранить ее в чехлах из хлопчатобумажной или льняной ткани (их можно сшить самим) или сделать подходящую «обертку» на время хранения.

Bolajonlar, sizlar uchun!

## HAKKA VA TULKI

Kunlarning birida tulki ovqat izlab o‘rmon bo‘ylab daydib yurib hakkani ko‘rib qoldi. Ayyorlik qilib o‘zini o‘likka solishga qaror qildi. Hakka daraxtning shoxidan uchib kelib tulkining ustiga qo‘ndi. Tulki chindan ham o‘lganligini tekshirib ko‘rish uchun bir-ikki asta cho‘qib ko‘rdi. Tulki esa yotar va qimir etmasdi. Hakka tulkining kallasiga qo‘ndi va uning qulog‘ini cho‘qib, keyin ishonch bilan uning tumshug‘i tomonga o‘tdi.

Tulki shu zahotiyoq Hakkani oyog‘idan tutib oldi. Hakka achchiq-achchiq yig‘ladi.

– Nega endi buncha achchiq yig‘laysan, Hakkam mening? – so‘radi tulki.

– Bolalik chog‘imda ota-onam mendan qattiq jahllari chiqqanda, seni tulki tutib olsin, deb qarg‘ashar edi. Shunchaki tutib olmasdan, balki seni baland tog‘dan shunday tashlab yuborsinki, har bir tosh sening yonboshlaringni majruh qilib, tulkiga huddi urib ezilgan go‘shtday nasib etsin. Ko‘ryapsanmi, o‘sha qarg‘ish amalga oshyapti, – javob berdi ho‘ngrab Hakka.

Ota-onasining istagi tulkining ko‘nglidagiday bo‘lib chiqdi va ularning xohishini ijro etishga qaror qildi. Tulki eng baland qoyaga ko‘tarildi va u yoqdan Hakkani tashlab yubordi. Hakka quvonch bilan qanotlarini yoydi va uchib ketdi. Tulki esa shunday og‘zini ochganicha qolaverdi.



## MOHIR QO‘LLAR



# БЕКАТ

## СКАНВОРД




**ГАЗЕТАНИНГ 17-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** «Искандарнома». Сабоқ. Орол. Шар. Тутун. Ҳақ. Ўқ. Икар. Кара. Гаити. Намоз. Ровоч. Во. Болта. Майор. Арфа. Ит. Қатра. Мақсад. Исм. Йод. Илм. Сим. Иллат. «ТУ». «Рома». Микроб.

**БЎЙИГА:** Иссиқлик. Куб. Нуқта. Румин. Неон. Аср. Урганч. Ҳимолай. Қизғалдоқ. Сарой. Азот. Тавоф. Равоқ. Ора. Ариқ. Маслак. Миришкор. Карат. Дил. Мато. Брасс. Туб.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

## АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



На работе возможны перегрузки и завышенные требования начальства. Вероятна ситуация, когда придется срочно позаботиться о своем будущем. Могут озадачить изменения в профессиональной сфере. Особенно будут досаждать неожиданности и спешка.



Вы будете переполнены творческими замыслами. На этой неделе благоприятны деловые поездки, встречи, которые откроют для вас новые возможности. Вторая половина недели пройдет тоже с приподнятым, праздничным настроением.



На этой неделе делитесь опытом и знаниями, возвращайте долги и завершайте решение личных проблем. Во всех делах проявляйте осмотрительность и благородство, сосредоточьтесь на главном и не тратьте силы на второстепенные вопросы и мелочи.



На этой неделе постарайтесь не принимать скоропалительных решений, черпайте бодрость в удачах. Нежелательно начинать новые дела, даже незначительные, лучше постарайтесь завершить ранее начатые. Могут возникнуть напряженные отношения в деловой сфере.



Умение моментально ориентироваться в сложной обстановке станет определяющим фактором на этой неделе. Когда дела потребуют от вас быстрых решений, постарайтесь быть на высоте. В середине недели проявите разумную осторожность.



На этой неделе хорошо не только строить планы на будущее, но и потихоньку начинать их реализовывать. Продумайте важные проекты и в конце недели обсудите их с единомышленниками и теми, от кого зависит воплощение их в жизнь.



Вы можете открыть на этой неделе для себя что-то новое и выгодное в деловом партнерстве. Гоните прочь от себя неуверенность и сомнение, так как наступило ваше время, когда вы можете многое успеть реализовать и воплотить в жизнь.



Трезвый ум и интуиция помогут вам блестяще справиться со сложившейся ситуацией. Интересная работа позволит избежать резких перепадов настроения. Договора и сделки будут удачными. Подъем работоспособности позволит вам разрешить многие проблемы.



На этой неделе короткие поездки будут удачны и познакомят вас с массой интересных людей. Возможны заманчивые предложения по поводу новой работы. Возникшие проблемы на этой неделе благополучно решатся. Выходные лучше провести за городом.



Дела на работе сложатся наилучшим образом. Друзья и партнеры будут разделять с вами радости и ошибки. Хорошее время для обновления планов, соотнесения их с интересами и замыслами ваших партнеров. Нежелательно откладывать накопившиеся дела.



Будьте внимательнее к любопытным совпадениям и мелким деталям, так как именно в них и будут заключаться ответы на все ваши вопросы. Вторая половина недели благоприятна для начала ремонта или других серьезных перемен в вашем доме.



Эта неделя может подарить вам множество разнообразных возможностей для романтических приключений и активного отдыха. Удачное время для обработки информации и творческих командировок. В ваших силах помочь близким друзьям в сложившейся ситуации.

## Табассум



### ВАФОДОР ИТ

Бир киши итини сотаяпти. Харидор ундан сўради:

– Итингиз соғлом-ми?

– Соппа-соғ.

– Ақллими?

– Жуда ақлли.

– Садоқатлими?

– Шунчалик вафодорки, мен уни бешинчи марта сотаяпман...

### САВОЛ-ЖАВОБ

– Учинчи авлод автомобили дегани нима?

– Бу олдинги икки авлод харид қилиш учун пул тўплаган техника.

### ОЧЛИККА ҚАРШИ

– Очликка қарши таблеткалар ҳам мавжудми?

– Албатта, улар котлет деб аталади.

### ВРАЧ ҲУЗУРИДА

Тиш доктори:

– Мана, бўлди. Бу сизнинг тишингиз?

Бемор:

– Раҳмат, доктор, мана бу эса сизнинг креслоингизни тутқичи...

### БОПЛАДИ...

Футболчи ўз турмуш ўртоғига мақтанди:

– Бугунги ўйинда мен иккита гол урдим!

– Яшаворинг-эй. Ўйин ўзи қандай якунланди?

– Биру бир.

### ЧОПАҒОН СИГИР

Тезюрар поезд тез-тез тўхтаётганига эътибор берган йўловчи вагон кузатувчисидан сўради:

– Яна нега тўхтадик?

– Рельслар устига сигир ётиб олибди.

– Сигир? Лекин бу кетма-кет бешинчи марта тўхташимиз. Нима, бу ерда шунақа сигир кўпми?

– Йўқ, ўша сигирнинг ўзи. Биз уни яна қувиб етдик.

### МОҲИР СОТУВЧИ

Харидор сотувчига:

– Э, қойилман, ука! Бунақа моҳир сотувчини умримда кўрмаганман.

– Қайси ишимга қойилсиз, ака?

– Икки литрлик идишимга уч литр пахта ёғини сиғдирдингиз-а!

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

## Рекорды Книги Гиннесса




Модель Edic-mini Tiny B21 занесена в Книгу рекордов Гиннесса как самый маленький и самый легкий цифровой диктофон в мире!



Последнее турне ветеранов рок-н-ролла The Rolling Stones «A Bigger Bang» удостоилось звания «самого успешного мирового тура всех времен».



Эми Уайнхаус, которой 14 сентября исполнилось 25 лет, отмечена как «выигравшая наибольшее количество премий «Грэмми» британская певица».

# ДУНЁ НАФАСИ

## «ARTEMIS» НОМЛИ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ



Жорий йилнинг 5 майида парвози кутилаётган Американинг «TacSat-3» сунъий йўлдоши тасвирга олгандан 10 дақиқа ўтиб, қўшинларга гиперспектрал тасвирларнинг маълумотларини узатишни таъминлаши режалаштирилмоқда.

Шуни айтиш лозимки, сунъий йўлдошни синовдан ўтказиш дастури бир йилга мўлжалланган.

Сунъий йўлдошнинг «ARTEMIS» дея номланган муҳим ускунаси телескоп, спектрометр ва товуш процессоридан иборат. Таъкидлаш жоизки, мазкур ускуна 400 дан 250 нанометргача диапозонда 400 спектрал тасвирларни амалга ошириш имконига эга.

## «ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РОБОТ»



Брюссель университетининг муҳандислари «Probo» деб номланган «интеллектуал робот»нинг дастлабки прототипини тақдим этишди. Муҳими шундаки, «Probo» инсон ва робот ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрганиш йўлидаги тадқиқотдир.

«Мембрана.ру» нашри тарқатган маълумотга кўра, бўйи 80 сантиметр ўлчамдаги робот ҳаракатлана олмаса-да, боши билан 20 хил эркин ҳаракатларни бажара олади.

Ихтирочиларнинг таъкидлашича, кўплаб ҳисоблагич, рақамли камера ва микрофонлар билан жиҳозланган робот инсондаги ҳис-ҳаяжонни англаб, буни имо-ишора, сўз ва иборалар ёрдамида кўрсатади.

## ҚАДИМГИ ДИНОЗАВРЛАР ИЗЛАРИ



Ашхободда ўтказилган кўргазмада сайёҳлик компаниялари 145 миллион йил олдин мазкур ўлкада динозаврлар яшаганлигига амин бўлишди. Хусусан, Лебаб вилоятидаги динозаврлар яшаган машҳур пасттекисликдан топилган энг қадимги динозаврлар излари тадбирда шов-шувга сабаб бўлгани ҳақида РИА «Новости» агентлиги хабар тарқатган.

Экспертларнинг маълум қилишича, 700-800 метр баландликда жойлашган тошли пасттекисликда излар яхши сақланиб қолинган.

Маълумот учун айтиш лозимки, динозаврларнинг излари илк бор Хўжапил пасттекислигида 1960-йилларда топилган. Аниқроғи, бу ерда юра даврига (140-145 миллион йил аввал) оид минглаб излар бор.

## УЙ ҲАЙВОНЛАРИ АВИАЙЎНАЛИШИ

Дунёда илк бор уй ҳайвонлари учун мўлжалланган авиайўналиш йўлга қўйилди. «Pet Airways» дея номланган авиакомпания уй ҳайвонларини яхши кўрувчи инсонларга ана шундайин қулай имкониятни ваъда қилмоқда.

«Pet Airways» нинг илк парвози 2009 йилнинг 14 июлига режалаштирилган. Айтиш лозимки, унчалик катта бўлмаган «Beech 1900» деб номланган самолёт салонида фақатгина ҳайвонлар солинган махсус қафаслар бўлади. Янаям аниқроқ қилиб айтганда, самолётга 50 тагача ит ёки мушукни жойлаштириш мумкин. Қизиғи шундаки, махсус борт кузатувчилари жонзотларга рейс давомида баъзи бир хизматларни кўрсатади. Қолаверса, тажрибали ветеринар парвоз мобайнида уларни назорат қилиб боради.

PetAirways
Travel For Your Best Friend

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Гумондорлар қўлга олинди

Испания ҳарбий денгизчилари Ҳинд океанида Италиянинг круиз (саёҳат) кемасига ҳужум қилганликда гумон қилинаётган сомалиликларни қўлга олдилар. Бу ҳақда ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабар берди.

Испания ҳарбий-денгиз кучларига қарашли «Нумансиа» фрегати Ҳинд океани сувларида бортида 9 нафар сомалилик кишилар бўлган иккита қайиқни кўриб қолди. Улар Сейшел оролларининг шимолий қисмида итальян круиз кемасига ҳужум қилишга ҳаракат қилган шахслар, деб тахмин қилинмоқда.



### Албания подает заявку в Евросоюз

Албания официально вручит руководителям Европейского союза заявку на членство в этой организации. Тирана намерена вступить в Евросоюз «как можно быстрей и предпринимает соответствующие усилия в этом направлении», сообщил премьер-министр председательствующей в ЕС Чехии Мирек Тополанек. Ранее он провел переговоры в Праге с премьер-министром Албании Сали Беришей, передает ИТАР–ТАСС.




### «Чўчқа гриппи» хавфи ошиб бормоқда

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти «чўчқа гриппи»нинг аҳоли учун касалланиш хавфи даражасини учинчидан тўртинчи даражага кўтарди. Бу ҳақда Британиянинг Sky News телеканали хабар берди.

Бу қарор Мексикада ушбу касаллик оқибатида ўлим ҳолатлари кўпайиб бораётганлиги билан боғлиқ – бугунга келиб уларнинг сони 149 тага етди. Шунингдек, АҚШ, Европанинг бир қатор давлатлари, шу жумладан Буюк Британияда ҳам ушбу хавфли касалликка учраган фуқаролар қайд этилган, бу эса тезкор чоралар кўришни тақозо этмоқда.



### Прототип космического корабля Orion

Национальное управление по аэронавтике и исследованию космического пространства (NASA) приступило к испытаниям на воде прототипа космического корабля нового поколения Orion.

Группам водолазов и инженеров надлежит отработать навыки спасения астронавтов при аварийном спуске аппарата на воду. Испытания «капсулы» весом 8,1 тонны продлятся еще три дня и проводятся в водах Атлантики, в 32 км от восточного побережья штата Флорида, передает ИТАР–ТАСС.



### Мальдив оролларида экокурорт қурилади

Словениянинг OFIS архитектура студияси Мальдив Республикаси ҳукумати билан атоллар (маржонлар ороли) гуруҳидаги 4 та оролни дунё миқёсидаги экокурорт яратиш мақсадида 25 йиллик муддатга ижарага бериш тўғрисида шартнома имзолади, деб ёзади «Квадратный метр» газетаси Inhabitat агентлиги хабарига таянган ҳолда.

Лойиҳа ишлаб чиқувчилари бир томондан оролга сайёҳларни жалб этиш, иккинчи томондан – маҳаллий экотизимни сақлаб қолиш мажбуриятини олмоқдалар. Шартнома, шунингдек, оролда «округдаги энг баланд дарахтдан юқори» бўлган бинолар қурилиши ман этилишини ҳам кўзда тутади.



### В Афганистане – первый национальный парк

Власти Афганистана создают первый в истории страны заповедник. Природная зона с великолепными озерами, разделенными скалами-плотинами из известкового туфа, превратится в национальное достояние. Эксперты полагают, что это будет место туристического паломничества.

(www.NEWSru.com).

# ПУХТА БИЛИМ КОМИЛЛИККА ЕТАКЛАР

**Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган посбонларнинг ҳар томонлама етук, баркамол бўлишларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўқув машғулотлари билан бир қаторда анъанавий тарзда ўтказиладиган турли беллашувлар, интеллектуал ўйинлар, ижодий учрашувлар ва давра суҳбатларининг аҳамияти катта.**

Ҳарбий касб эгаси бўлиш – улуғ шараф. Халқ осойишталиги, юрт тинчлигиға масъул посбонлар илму заковатда, маҳоратда ўрнак бўлиши лозим. Ҳарбий хизматчиларнинг шаклланишида жанговар тайёргарлик машғулотлари билан бир қаторда ҳуқуқий тарбиянинг ҳам муҳим ўрни бор. Чунки ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билган, ҳуқуқий маданияти шаклланган посбон қонун ва низомларга ҳурмат билан қарайди.

Алоқачилар қисмида ўтказилган "Ҳуқуқий билимлар ягона куни" ана шу мақсадга хизмат қилди. Унда Ҳарбий прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирок этишиб, ҳарбий хизматчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди. Машғулот давомида мамлакатимиз қонунчилигидаги янгиликлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолияти хуллас мавзу юзасидан қизиқарли маърузалар қилинди.



Машғулот давомида "Сиз ҳуқуқни биласизми?" мавзусида викторина ўтказилиб, унда сафларга яқинда қўшилган аскарлар ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ойлик йиғини иштирокчилари қатнашдилар. Посбонлар уч жамоага бўлинган ҳолда баҳс олиб бордилар.

– Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг илмга чанқоқлиги, изланувчанлиги таҳсинга сазовор, – дейди кутубхона мудираси Муҳаббат Жуманова. – Машғулотлардан бўшашлари билан кутубхонага келиб, билимларини ошириш, соҳа бўйича керакли адабиётларни ўқишга интилишади. Масалан, С. Мансуров, Ф. Эргашев, М. Аҳмедов, А. Дадажонов, М. Ҳотамов каби ҳарбий хизматчилар бу борада анчайин фаоллиги билан сафдошларидан ажралиб туришади. Округ ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда ташкиллаштирган викторинамиз ҳам посбонларимиз ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Жамоалар учта шарт бўйича беллашдилар. Биринчи шарт Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги қонун ҳужжатлари, Олий Мажлис фаолиятига бағишланди. Иккинчи шартда томонлар Умумҳарбий низомлар асосида тузилган саволларга жавоб беришган бўлса, сўнгги босқичда ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, миллий истиқлол ғояси, тарих бўйича баҳс юритдилар.

Барча шартлар бўйича энг юқори балл тўплаган "Қалқон" жамоаси ғолибликни қўлга киритди.

– Бундайин баҳслар юрт ҳимоячиларининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, ўз кучига ишонч, ўзаро дўстона рақобат туйғуларини шакллантиради, – дейди батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Мусурмон Шерматов.

– Беллашув менда катта таассурот қолдирди, – дейди қисм клуби бошлиғи капитан Абдулҳамид Абдукаримов. – Аскарларнинг саволларга тўғри жавоб беришга, ғолибликка интилиши, иштиёқини кўриб ғурурланасиз. Айнан шундай тадбирлар, интеллектуал мусобақалар, баҳсларда маънан тобланган ўғлонлар Ватан равнақи йўлида фидойилик кўрсатишади.

– Ўқувчилик давримда "Давлат ҳуқуқи асослари", "Конституцияни ўрганиш", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанларига жуда қизиқардим, – дейди оддий аскар Акрам Ибрагимов. – Бугунги тадбир бевосита ҳуқуқий мавзуга боғлиқлигини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Бир қатор саволларга тўғри жавоб бериб, жамоамиз ғалабасига ҳисса қўшдим.

Викторинада фаол иштирок этган оддий аскарлар Шуҳрат Ўрозов, Содиқжон Бобожонов, Жўрабек Ўраев, Собир Улуғмуродов, Элбек Зоҳиров, Тўрабек Бегалиев, Абдулло Ибодуллоевлар қисм қўмондонлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

**Жамшид СОБИРҚУЛОВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ**
**суратга олган.**

# ФУҚАРОЛИК ТУШУНЧАСИ НИМА?

**Фуқаролик тушунчаси ҳамда юртимизда унинг қонунчилик билан белгиланган меъёрлари ҳақида маълумот бериб ўтсангиз.**

**Оддий аскар Б. Шодиев.**

Фуқаролик жисмоний шахснинг давлат билан мустаҳкам ҳуқуқий боғланишидир. Бундай боғлиқлик фуқаронинг давлатга нисбатан ҳуқуқ ва бурчларида ҳамда давлат томонидан унинг ҳимоя қилинишида ифодаланади.

Мазкур ҳуқуқий алоқа инсоннинг туғилган ва яшаётган ҳудуд билан чекланмай, давлат ташқарисида ҳам ўз кучини йўқотмайди ҳамда бутун умри давомида сақланиб қолади.

Фуқаролар ҳуқуқи ва бурчлари давлат томонидан белгиланади. Табиийки, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий даражасидан келиб чиққан ҳолда, улар турли мамлакатларда ҳар хилдир.

Тарихдан маълумки, илк бор «фуқаро» атамаси 1799 йилдаги «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси»да баён этилган. 1948 йилда БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумжаҳон Декларацияси»га биноан, ҳар бир киши табиий, ажралмас, дахлсиз ҳуқуқ ва эркинликларга эга.

Юртимизда фуқароликнинг ўрнатилиши ва шартлари аввало, Конституциямизнинг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» бўлимида, хусусан, фуқароликка бағишланган бобда белгиланган. Бош Қомусимизнинг 21-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади ва у ҳамма учун тенгдир.

Таъкидлаш лозимки, Конституция орқали белгиланган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар суд йўли билан ҳимоя қилиниб, давлат идоралари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий ижтимоий қадрият сифатида таъминлашга ва муҳофаза қилишга мажбурдир.

Шахс ва жамиятнинг ўзаро масъулияти – ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси ҳисобланади. Нодемократик давлатда фақат фуқаронинг давлат олдидаги масъулияти тан олинади. У гўё фуқарога ҳуқуқ ва эркинлик бераётгандай бўлади ва унинг мақомини тайинлайди. Ҳуқуқий демократик давлатда эса давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари учун масъуллиги масаласига эътибор қаратилади.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаслигининг муҳим кафолати конституциявий қоида бўлиб, унга биноан давлатнинг ҳокимият тузилмалари фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита тегишли бўлган ҳужжатлар, материаллар билан танишишини таъминлашга мажбур. Ўзбекистон Республикаси ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали фуқаролар олдида, фуқаро эса давлат олдида масъулдир. Зеро, ҳуқуқий давлатда ҳар бир фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи тан олинади.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунда фуқаролик масалалари, унинг ҳуқуқий ҳолати қонун йўли билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди ва бу уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолати, ирқи, миллати, жинси, маълумоти, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, машғулотининг туридан ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади. Фуқаро бўлган эркак ёки аёлнинг чет эл фуқароси билан ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек, бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотин фуқаролигининг тўхтатилишига олиб келмайди.

Мамлакатимиз ҳудудида яшаб турган, бироқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва бошқа давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари йўқ шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар, деб ҳисобланади.

**Адлия подполковниги**
**Бахтиёр МИРМАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси.**

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ёш ҳуқуқшунос тарғиботчиларнинг ўрнига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Тадбир парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари томонидан Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М. Ҳожиматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамиятнинг асосидир. Қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва ижросини тўла таъминлашга эришиш ҳуқуқий жамиятнинг асосий талабларидандир. Бугунги кунда кўплаб мутахассислар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунларини, қонуности ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларнинг аҳамиятини тарғибот қилишда ёш ҳуқуқшунослар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Семинарда ёш ҳуқуқшунос тарғиботчиларнинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасидаги иштирокини янада кенгайтириш, билим ва тажрибасини бойитишга бағишланган маърузалар тингланди.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ХОТИРА

## СЎЗ – ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛ

**Азиз ўқувчи, сизга мақола муаллифи ҳақида қисқагина гапириб ўтишни лозим топдик. Истеъфодаги полковник Миркарим Мирсовуров бир вақтлар ҳарбий журналист сифатида қалам тебратган. Хизмат сафарлари билан қарийб ўттизга яқин хориж давлатларига борган. Ана шу сафарларда фашизмга қарши улкан муҳорабада қатнашган минглаб ўзбек жангчилари номини аниқлашга муваффақ бўлганлар. Бу шунчаки рақам эмас, балки ўзга элларда номаълум жангчилигича қолиб кетган ота-боболаримиз тақдиридир. Қуйидаги мақола ҳам бу инсоннинг изланишлари маҳсули бўлиб, фашизмга қарши қўлда қалам билан матонат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб курашган ўзбек ҳарбий журналистлари ҳақидадир.**

1964 йили бир гуруҳ ҳарбий мухбирларнинг сафари чоғида Киев (Украина) шаҳридаги Ватан уруши музейида фронт, партизан газеталари намуналарини учратдим. Улардан бири эътиборимни тортди. Ҳайратланарлиси шуки, газета ўзбек тилида эди. Бу майор Рустам Абдураҳмонов муҳаррирлигидаги «Ватан шарафи учун» фронт газетаси экан. Варақладим... «Зиямат Ҳусанов барҳаёт» – мақола шундай номланганди. Бу менга таниш ном. Зиямат Ҳусанов мактабда менга математика фанидан сабоқ берган муаллимим. Унинг жасорати ўзи бир китоб бўлгулик, аслида.

Зиямат Ҳусанов асирга тушиб қолганидан кейин кўп ўтмай йигирма саккиз ўрта осиёлик йигит билан концлагердан қочишга муваффақ бўлади. Партизанларга қўшилиб курашларда мардлик кўрсатади. Шундай жангларнинг бирида оғир яраланиб, Италиянинг Торонто шаҳридаги госпиталда узоқ вақт даволанади. Юртига қайтган жангчини шўро ҳукумати хоин сифатида айблади. Бу ўша давр, ўша тузумга хос ҳолат эди.

Жасур жангчининг аянчли тақдири мени безовта қиларди. Имкониятим етганча унинг пок номини тиклашга ҳаракат қилдим. Пировардида ҳақиқат юзага чиқди. Олис Болгариядан Зиямат Ҳусанов билан бирга жанг қилган генерал Боян Михнев Чабанов ва ёзувчи Йордан Милов уни қидириб келишди. Ва ўз давлатларининг «Болгария партизанлар ҳаракати қатнашчиси» медалини, жасур ўзбек жангчиси жасорати ҳақидаги «Шарқ қиссалари» китобини тақдим этишди. Ана шунда София шаҳридаги мактаблардан бири унинг номи билан аталганини маълум қилдилар. Шундан сўнг Болгария ҳукумати уни Софияга таклиф қилиб, «Болгария миллий қаҳрамони» нишонини топширди. Ниҳоят унга ўз юртида ҳам кеч бўлса-да, ҳурмат кўрсатилди, қаҳрамон деб тан олинди.

Юқорида номини тилга олганимиз «Ватан шарафи учун» газетаси 1942 йилдан 1946 йил бошигача мунтазам чоп этилиб борган. Зинат Фатхулин мазкур газетанинг мухбири бўлган. У жанг бўлаётган жойлардан қаҳрамонлар ҳақида лавҳалар тайёрлаган. Унинг қаҳрамонларидан бири ўзбек ўғлони Бўтабой Содиқовнинг шундай сўзлари бор: «Қуёш шарқдан чиқади. У менга Ўзбекистон ҳароратини олиб келади, бу ҳарорат вужудимга куч бағишлайди...»

Уруш йиллари турли миллатлар ўз тилларида 50 та газета чиқаришган. Шундан 16 таси ўзбек тилида эди. Юқоридаги газеталардан бирига Тўғон Эрназаров масъул муҳаррир бўлган. Газета ҳақида собиқ жангчи янгийўллик Пазлиддин Зарбиевнинг қуйидаги хотиралари яхшигина маълумот беради, деб ўйлайман. У қўлидаги сарғайиб кетган газета саҳифасига қараб шуларни айтиб берган эди: «Бу сон ғалабадан кейин чиққан. Ватанимиздан ташқарида хизмат қилардик, соғинч ва сабрсизлик билан уйга қайтишимизни кутаётган чоғлар эди. Газетадаги «Чақалоқ йиғиси» шеърини ўқиб, қаттиқ таъсирландим. Урушга отланарканман, Ғиёсиддин, Баҳриддин ўғилларим, аёлим Забира қўлида чақалоғимиз Раҳима билан мени кузатиб қолишганди. Шеър қулоқларим остида чақалоғимнинг янгроқ йиғиси бўлиб эшитилди. Кўзимдан оққан севинч ёшларини тўхтата олмай, газетани кўзимга сурдим, бағримга босдим, ўшандан бери энг қадрли буюм сифатида асраб келаман...»

Пазлиддин ота ўзбек адибларининг урушни лаънатлаб ёзган очиқ хати эълон қилинган республика газетасининг 1941 йил 22 июн сонини ҳам сақлаб келар эканлар. Унда жумладан шундай сўзлар бор: «Бу жанг нур билан зулмат, адолат билан зулмнинг... ҳаёт-мамот олишуви бўлади...». Ота кўп йиллар авайлаб сақлаган ушбу нома жангчиларни жасурликка, қаҳрамонликка, ғалаба қозониб юртига қайтишга ундагани аниқ.

Яна бир фронт газетаси 1944 йил 3 январдан тўлиқ ўзбек тилида чиқарила бошлаган. Унга масъул муҳаррир этиб Адҳам Раҳмат тайинланган. Мазкур нашрда Абдулла Шарофиддинов, Иброҳим Раҳим, Наби Жабборов, Ғани Наврўзбоев, Ҳамид Файзий, Маъруф Ҳаким каби журналистлар фаолият кўрсатганлар. Уларнинг ҳар бири уруш кўрган жангчилар эди. Жанггоҳлардан мақолалар тайёрлашда тенгсиз эдилар. Газетанинг яна бир устун жиҳати унда «Муқанна», «Темур Малик», «Самарқанд» каби тарихий мақолаларнинг бериб борилганидир.

Фашизмга қарши кураш йиллари республика матбуоти «Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб» деган машҳур мактубни эълон қилди. Машҳур номани ўзбек тилидаги фронт газеталари биринчилардан бўлиб чоп этди. Мазкур мактубни ўқир экансиз, сўз каби қудратли қуролга тан бермай иложингиз йўқ.

Ўзбек жангчилари ўртасида Ҳамид Олимжоннинг «Жангчи Турсун» балладаси машҳур бўлиб кетишида фронт газеталарининг алоҳида ўрни бор. Уларда Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Туроб Тўла шеърлари босилиб турарди, сатира ҳам яхшигина шаклланганди.

Айниқса, «Ғалаба учун» газетаси жангчи мухбирларининг кўплиги билан ажралиб турарди. Унинг масъул муҳаррири Расул Муҳаммадиев паҳлавон келбат, бақувват киши бўлиб, газета ишининг ҳам зукко билимдони эди. Назир Сафаров масъул муҳаррир бўлган фронт газетасида эса майор С.Нуриддинов, капитан Ф. Камолов, катта лейтенант А. Муҳаммаджонов, старшина Бадалов каби етук журналистлар хизмат қилишган. Мирзакалон Исмоилий ҳам фронт газетасига масъул муҳаррир бўлган. Бир сўз билан айтганда, ўзбек ҳарбий журналистлари «Душманга қарши, олға!», «Бонг», «Атакага», «Фронт ҳақиқати», «Ватан уруши», «Ғалаба сари, олға!», каби номлардаги фронт газеталарида фашизмга қарши ҳаёт-мамот жангини таъсирчан сатрларда акс эттирганлар.

Уруш ўз номи билан уруш. Инсоният тарихидаги улкан муҳорабада жанг майдонларида, миллатимизнинг минглаб жасур фарзандлари қатори Саидғани Валиев, Абдулла Шарофиддинов, Абиджон Абдураҳмонов, Раҳимжон Ғофуров, Ҳасан Иззатий, Сафар Орзуметов, Султон Жўра, Бурхон Турсунов, Неъмат Абдуллаев, Зифа Шамсутдинова каби маҳоратли журналистлар ва фронт газеталари ходимлари ҳам ҳалок бўлдилар.

Рустам Абдураҳмонов, Тўғон Эрназаров, Назир Сафаров, Зинат Фатхулин, Мирзакалон Исмоилий, Адҳам Ҳамдам, Иброҳим Раҳим, Расул Муҳаммадий, Назармат, Ҳамид Файзий, Маъруф Қориев, Маъруф Ҳаким, Наби Жабборов, Ғани Наврўзбоев, Адҳам Раҳмат каби моҳир қаламкашлар ғалабани омонликда қаршиладилар. Бугун бу инсонларнинг ҳам кўпчилиги орамизда йўқ. Улар қаламига мансуб мақолаларнинг ҳар бири бугун суронли йиллар тарихининг бир қисмига айланган.

Ҳа, ўзбек қаламкашлари жангчиларни фашизмга қарши қаҳрамонона курашга ундаб, сўз каби улуғ қурол билан уларга елкадош бўлдилар. Бугун унчалик ҳам хотиримизга келавермайдиган, тарихга айланган ўзбек тилидаги фронт газеталари ўз олдиларига қўйган вазифаларини шараф билан уддаладилар. Ўтганларнинг, устоз қаламкашларнинг руҳлари шод бўлсин!

**Истеъфодаги полковник**
**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**Ўзбекистон журналистлари**
**ижодий уюшмаси аъзоси.**

## АВЛОДЛАРДА ЯШАР ЮРАК ЧЎҒИНГИЗ

Юрт шаънига тиккан йигит жонини,
Чақин умри тутди Ватан шонини,
Жангоҳларда тўкди шаҳид қонини,
Ёвқур кетган келбати Фарҳодларим.

Халқ дардига таянч эди номингиз,
Қай чоҳларда синди умр жомингиз,
Эркка даъват – қолдирган инъомингиз,
Озод юртда орзуси муродларим.

Жаҳолатга қалқон бўлган лочинлар,
Тўмарисдан тизгин олган Барчинлар,
Истиқлолга жон атаган мард чинлар,
Шаҳид ўтган охирати ободларим.

Авлодларда яшар юрак чўғингиз,
Эрк тахтида баланд тутар туғингиз,
Ҳумо қуши асли сизнинг руҳингиз,
Ватан узра сўнмас руҳи шодларим.

**Зулфия НОСИРЖОН қизи.**



## ЁДИНГИЗ ДИЛЛАРДАН ЎЧМАГАЙ

**Ватан, халқ, муқаддас истиқлол ҳимояси йўлида кўкси қалқон, жони фидо марди майдонлар ҳамиша элу юрт хотирасида, ардоғидадир. Уларнинг жасоратлари ва фидойиликлари биз учун ибратдир.**

Биз танлаган дунёвий тараққиёт йўлини кўра олмайдиган ғаламислар тинчлигимиз, осойишталигимизга раҳна солишмоқчи бўлганини яхши биламиз.

Бундай қабиҳ ниятли кимсалар йўлига Ватан ҳимоясини муқаддас бурч деб билган ўғлонларимиз тўғаноқ бўлишди. Бу марди майдонларнинг номлари асло хотирамиздан ўчмайди. Улуғбек Барноев, Сайёр Садинов, Бобур Ғаниев... Ватан осойишталиги йўлида жон фидо қилган ўғлонларини халқимиз асло унутмайди. Уларнинг яқинлари, оила аъзолари ҳолидан доимо хабар олиб турилади.

Яқинда офицер Зоир Бозорбоев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ана шундай мардлар шарафига ёдгорлик монументи қурилди. Монументнинг очилиш маросимига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатори хизмат бурчларини адо этиш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳам таклиф этилди. Йиғилганлар Ватан мардлари шарафига ўрнатилган рамзий ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди.

– Ушбу ёдгорлик монументининг айнан ҳарбий қисм ҳудудида барпо этилишида ҳам улкан маъно бор, – дейди офицер Бахтиёр Асқаров. – У бизга ҳар дам шонли ҳарбий анъаналар бардавомлигини ва сафдошлар ёдини эслатиб туради. Сафларга қўшилаётган ёш посбонларимиз учун эса тарбиявий томондан ҳам улкан аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Ҳа, номи тилларда, порлоқ хотираси дилларда, сафдошлари юрагида мангу яшаётган мардлар асло ўлмагай.

**Катта лейтенант Яшин КОМИЛОВ.**



# ХОТИРА

## ЭКСПОНАТЛАР – ЖАСОРАТДАН СЎЗЛАЙДИ



Азиз муштарий! Хотира ва қадрлаш куни арафасида Қуролли Кучлар Марказий музейи заллари бўйлаб навбатдаги саёҳатимиз "Ўзбекистон – иккинчи жаҳон уруши йилларида" (1939–1945 йй.) экспозициялар залига бўлади.

**"Ўзбекистон – иккинчи жаҳон уруши йилларида" (1939–1945 йй.)** экспозициялар залида тарихийлик ва илмийлик асосида иккинчи жаҳон уруши лавҳалари даврий равишда ёритилган. Ўзбек халқининг уруш йиллари фронт ортида ва фронтда кўрсатган жасорати экспонатлар орқали ишончли тасвирланиб, кенг ёритиб берилган. Намойишга қўйилган ҳар бир турникет, диорама ва ойнали витриналар юртимизда ўша даврда тузилган ҳарбий қисмларнинг жанговар йўллари, жангларда қатнашган ўзбекистонликларнинг мукофотлари, ҳужжатлари ва шахсий буюмлари билан тўлдирилган. Фотоархив материаллари, хариталар билан ёритилган стендларда Брест қальаси учун бўлган жанглардан бошлаб, Берлингача бўлган муҳорабада қатнашган ўзбекистонлик жангчиларнинг қаҳрамонликлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. "Ўзбекистон – уруш йилларида" бўлимига алоҳида эътибор қаратилган. Зал бўйлаб ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа намуналари, пештоқларида эса бомбардимончи ва қирувчи самолётлар макетлари тактик-техникавий тавсифи билан намойишга қўйилган. Экспонатлар орасидан фашистлардан тортиб олинган ўлжалар (ҳарбий мукофотлар, офицер ханжарлари, ўт очиш қуроллари) жой олган.

«11 шарқ қаҳрамони»га бағишланган экспозиция қаҳрамонларининг 9 нафари ўзбек миллатига, 2 нафари эса татар ва қозоқ миллатига мансуб. Уларнинг қони тўкилган муқаддас тупроқ солинган капсула ва бошқа буюмашёлар кишини бефарқ қолдирмайди. Волга бўйида фашистларнинг яксон қилиниши–энг йирик ҳарбий-сиёсий ҳодиса бўлиб, урушда ҳал қилувчи асосий бурилиш бўлди. Ўзбек ўқчи қисми автоматчилари командири лейтенант О. Шукуровнинг экспозицияга қўйилган шахсий буюмлари: Чуст пичоғи ва четлари чиройли тўқилган дастрўмолча ўзига хослиги билан ажралиб туради. Экспонат билан танишиб чиқувчи, бир ўзбек йигитининг жанглар давомида она юртидан хотира сифатида пичоқ ва дастрўмолчани ёнида олиб юрганлигини англайди. Бу эса ўзига хос миллий қадриятлар, удумлар, урф-одатларимизга ўша мураккаб шароитларда ҳам содиқ қолинганликни кўрсатади.

Экспозициялардан Тошкентда тузилиб ғалабагача борган ҳарбий қисмлар жанговар йўллари акс этган хариталар ҳамда ўзбекистонлик қаҳрамонларнинг шахсий буюмлари, жанговар мукофотлари ҳам ўрин олган. Уруш Қаҳрамони С. Абдуллаев, полковник М. Қосимов, профессор Ш. Шокиров, генерал-майор С. Сенчилло, ҳарбий жарроҳ О. Волхонская ва бошқалар шулар жумласидандир.

120 дан ортиқ ўзбекистонлик гвардиячи жангчи бўлишди. Уруш йиллари давомида Қудрат Суюнов, Тўйчи Эрйигитов, Жуман Қорақулов каби ўзбек жангчилари кўкси билан душман дзотига қалқон бўлдилар.

Музейда партизанлар Мамадали Топиволдиев, акаука Тошниёзовларга бағишланган экспонатлар ҳам бор. Партизанлик ҳаракатлари фаол қатнашчиларидан Ёқуб Маҳмудов ва Лидия Маҳмудоваларга бағишланган экспозиция ҳам томошабинда катта қизиқиш уйғотади.

Экспозициялар залининг тўрини таниқли рассом Содиқ Раҳмонов томонидан яратилган «Фронт ортида», «Жанг майдонлари – фронтда» панноси асосини «Генерал Собир Раҳимов»га бағишланган витрина эгаллаган. Бу экспозицияда гвардиячи генерал-майор Собир Раҳимовнинг жанговар фаолиятини ёритувчи фотоматериаллар, ҳужжатлар, фронтдан юборган хатларининг фотонусхалари, эсдалик совғалар, адабиётлар намойишга қўйилган.

Бугунги кунда Тошкентнинг бир тумани, метро бекати, кўпгина мактаб ва кўчалар Собир Раҳимов номи билан аталади. Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг иккинчи жаҳон уруши экспозициялар залида генерал Раҳимовнинг жанговар қиличи, дурбини, фотолавҳалар ҳам намойишга қўйилган.

«Биринчи ўзбек қаҳрамони» экспозицияси Андижон вилоятида туғилган Қўчқор Турдиевга бағишланган. Ўқчи оддий аскар Қ. Турдиев 1941 йилнинг 15 октябрида Харьков вилояти Трудолюбовка қишлоғи яқинида душман дзотини портлатиб юбориб, жасорат кўрсатган. 1942 йилнинг 27 мартида ўзбеклар ичида биринчи бўлиб Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Қаҳрамоннинг экспозицияга қўйилган мукофотлари, ҳужжатлари, шахсий буюмлари киши эътиборини тортади.

Урушнинг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон Шарқдаги муҳим аслаҳахонага айлантирилди. Фронт орти меҳнаткашлари ҳаракатдаги армияни жанговар техника, ўқдори, қурол-аслаҳа ва озиқ-овқат билан таъминладилар. Музей экспозицияларидаги факт ва рақамлар ўзбекистонликларнинг ғалабага қўшган улкан ҳиссасидан гувоҳлик беради. 1,5 миллиондан кўпроқ юртдошларимиз фронтларда жанг қилди. Миллиондан ортиқ эвакуация қилинганларни ўзбек халқи ўз бағрига олди, улар ичидан 200 мингдан ортиқроғи болалар эди. Республикамизга 104 та йирик саноат корхоналари кўчириб келтирилди, 280 таси янги қурилди. Ўзбекистонликлар томонидан йиғилган маблағлар ҳисобига авиаэскадрильялар ва танклар колонналари, 2 бронепоезд қурилди, ҳаракатдаги армияга 406 вагон совға-салом юборилди. Уруш йилларида Ўзбекистон ёшлари 121 минг тонна қора ва рангли металл йиғиб берди. Фронтда Тамарахоним, Г. Израэльян, С. Азизов, Г. Раҳимова ва бошқалар раҳбарлигида кўплаб концертлар уюштирилган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида 338 нафар ўзбекистонлик Қаҳрамон бўлди, 53 киши «Шон-шараф» орденининг тўла нишондори, 120 мингдан ортиқ киши орден ва медаллар соҳибига айланди. 60 мингдан ортиқ ўзбекистонлик фронт ортидаги фидойи меҳнатлари учун орден ва медаллар билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейи қошида иккинчи жаҳон уруши ва Қуролли Кучлар фахрийлари кенгаши фаолият кўрсатиб келмоқда. Кенгаш раиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти битирувчиси, истеъфодаги генерал-лейтенант Собиржон Охунжоновдир. Музей экспозицияларидан бири ҳам «Ака-ука Охунжоновлар»га бағишланган. Фронтга кетган тўрт акаукалар – Шокиржон, Шукуржон, Собиржон ва Нўъмонжонлардан ёлғиз Собиржон Охунжоновгина она юртига қайтиб келган.

Музей фахрийлар кенгаши аъзоларидан истеъфодаги полковниклар Аҳмаджон Азизов, Андрей Акопян, Ғайбулла Назруллаев ва Хайритдин Асомитдинов, тиббий хизмат капитани Абдулла Ибодов, гвардиячи капитанлар – ҳарбий мухбир Назармат Эгамназаров, Иброҳим Исомиддинов, капитанлар – Қўчқор Хоназаров, Маргарита Меркулова ва Сагит Солиҳбоев, катта лейтенантлар – Мадаминжон Ҳасанов ва Қодир Эрназаров, Ўзбекистон халқ артисти Комуна Исмоилова ва бошқалар музейда давлат, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган барча маданий, маърифий тадбирларнинг фаол иштирокчиларидир. Бу фахрийларимизнинг босиб ўтган жанговар йўли, ҳаёти улкан бир достон, барчамизга ибрат ва намуна.

Урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлган юртдошларимиз доимо қалбимизда, хотирамизда. Нуроний отахону онахонларимизни, фахрийларимизни қадрлаш, ардоқлаш, иззат-ҳурмат қилиш бизнинг олий бурчимиздир. 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни деб байрам қилинишининг замирида ҳам катта маъно бор. Биз ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшиб келаётган уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаймиз, улар жасоратлари олдида бош эгамиз. Уларнинг мардлиги ва жасорати ҳозирги ёш авлод, мустақил Ўзбекистон ҳимоячилари учун қаҳрамонлик ва фидойилик намунасидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: "Жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг руҳи покларини доимо хотирамизда сақлаш, сафимизда ҳаёт юрган мўътабар фахрийларимизни ҳар томонлама эъзозлаш – барчамизнинг инсоний бурчимиз, қиёмат қарзимиз бўлмоғи керак... Осмонимиз мусаффо бўлиши ва шу ёруғ кунларга етиб келишимиз учун кўксини қалқон, азиз жонини фидо қилганлар ёди халқ хотирасида абадийдир".

**Дилором РАҲИМОВА,**
**Қуролли Кучлар Марказий музейи илмий ходими.**

## ВСПОМНИМ ВСЕХ ПОИМЕННО

**Накануне одного из самых волнующих и дорогих праздников нашего народа – Дня Памяти и почестей – новое поколение защитников Узбекистана имеет возможность ознакомиться в музее Караульных войск с богатейшим материалом о служебном пути и воинском труде многих своих прославленных предшественников.**

В музее собрано немало фотографий, документов, личных вещей и других экспонатов, рассказывающих о генерал-лейтенанте Бурхане Сироджиддинове, прошедшем войну от первого ее дня до последнего, а затем командовавшего в течение 20 лет внутренними войсками МВД Узбекистана. А также о фронтовиках: полковниках Ефиме Соколовском, Федоре Шнаке, Андрее Дорохове, Евгении Чудесове и многих других. О героизме воинов и перенесенных в то время трудностях можно ознакомиться по воспоминаниям участников войны Ивана Сахно и Юрия Сумарокова, хранящихся в музее.

Отдельные стенды музея посвящены рано ушедшим из жизни первому командующему Караульными войсками генерал-майору Кадырбаю Алиеву, генерал-майору Валентину Бухтееву, полковникам Петру Кисленко, Бадриддину Каримову, майору Александру Чехонину, военнослужащему по контракту Джоре Джумакулиеву и другим.

Сейчас многим ветеранам далеко за восемьдесят, а фронтовики Александр Васильев, Иван Базарный и Михаил Васько даже перешагнули 90-летний рубеж. Но они по-прежнему активны в ветеранской работе, несмотря на возраст и состояние здоровья приходят в воинские коллективы, беседуют с воинами, делятся своим богатым опытом, ведут патриотическое воспитание нынешней молодежи.

Это настоящие «профессора человеческих душ», истинные воспитатели: Серафим Булычев, начавший воинскую службу в далеком 1940 году, а затем длительное время служивший в Ташкентском суворовском военном училище и заместителем начальника внутренних войск МВД Узбекистана по воспитательной работе; Сергей Иванов, получивший на фронте тяжелое ранение; Валентин Лазарев, председатель Совета ветеранов одной из частей войск; умелый командир и организатор боевой службы, фронтовик Николай Цицилин; военный врач, за годы войны возвративший в строй тысячи раненых и получивший в послевоенные годы почетное звание «Заслуженный врач республики», Сулейман Халифаев; героические женщины – участницы войны Анна Топчий, Людмила Минякова.

Их помнят, их фамилии вписаны в историю войск, они на слуху у нынешнего поколения военнослужащих.

**Николай ЧУРСИНОВ,**
**полковник в отставке, ветеран войск.**

# АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

# СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

**(Тарихий романдан парча)**

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

11

Жаҳон Паҳлавон ўз қўшинини икки қисмга бўлган, бири очиқ бориб Кубача билан тўқнашадиган, иккинчисини савашга пинҳон тайёрлаб турадиган эди, бари шу йўсин бошланди.

Эрталаб савашга кирган қўшин пешинга яқин «ҳолдан тойиб» Хоккар сари чекина бошлади.

Бундан руҳланган Кубача «ожизланиб қолганлар»ни қалъага етказиб-етказмай қириб ташлаш умидида бор кучини жангга ташлади. У бостириб, қўшин эса тисарилиб бораверди.

Саваш Хоккар остонасига бориб тақалганида дафъатан қалъа дарвозаси ланг очилдию ичкаридан қўшин селдай отилиб чиқди.

Енгил ғалаба сабабини Кубача ана шундан кейингина тушунди.

У қуршовда қолган эди.

12

Кубача Учча жиловини ўз вазирига бериб кетган, Ибн Ҳожиб вазир кўнглига бундан анча олдин йўл топган, унинг ишончига кириб улгурган эди.

Жалолиддиннинг қўшин тортиб келаётгани маълум бўлгач, уларнинг боши битта жойга келди.

Жалолиддиннинг ҳарбий санъатига Ибн Ҳожиб Парвонда тан берган эди. Бугун тағин қойил қолди унга.

Мантиқ бўйича султон Хоккарга – Кубача билан олишувга бориши шарт эмасмиди. Султон «мантиқ»қа тескари иш тутиб, Кубачани ҳам, Уччадагиларни ҳам доғда қолдирди. Ибн Ҳожиб кўнглида пайдо бўлган бу таҳсин тезда ҳасадга, ғазабга айланди.

Тез ўзини ўнглаб этакни ёпишга киришди у. Вазир билан аскарларни, қўриқчилар ва миршабларни оёққа турғизишди. Савашга ярайдиган эркакки бор, қўлига қурол тутқазишди. Деҳлига чопар жўнатилди. Элтутмиш Уччани султонга талаттириб қўймас. Яна бир чопар Хоккар томон от елдириб кетди. Иншооллоҳ, Кубача ёғийни мағлуб айлаб, нусрат ила тез етиб келгай.

Қалъа дарвозасига қулф устига қулф урилди. Шинакларнинг ҳар биттасига уста мерганлар, ёйчилар қўйилди.

13

Султон Уччани ўраб олгач, унга элчи киритди. Дедиким, дарвозани яхшилик ила оч, омонлик берурмен.

На элчи қайтиб чиқди, на жавоб. Ниҳоят, элчининг қатл этилгани маълум бўлди.

Султон қаҳри чек билмас эди.

Амр этди. Йигит Малик қўшини дарвозага ёпирилди. Маликшоҳ аскарлари турли томондан қалъага ташланди. Деворга тирмашган аскарлар шинаклардан қуюлган ўқлар ёмғири остида бирин-кетин қуласа ҳамки, бутун қўшин мисоли айқирган арслонлардай кунгураларни янчмоқ бўларди.

14

Ибн Ҳожиб тепадан барини кузатиб турар. Уст-устига от деб камончиларга буюрар. Кўзлари султонни ахтарар. Топа билмас. Топгудай бўлса, ўз қўли ила отиб ўлдирмоқни хаёл этар.

Кўзлари алпқомат суворийда тўхтар. Танир. Маликшоҳ. Парвонда алдовга учган ўша саркарда. Бир алданган икки алданмасми. Лақмалик касали тезда тузалиб кета қоладиган дардми. Уни тузоққа туширмоқ даркор. Қандоқ қилиб?

Ҳожибнинг ёдига Қорасоч келди. Уни ишга солса-чи? Қай йигит гўзаллар олдида ақлу ҳушдан жудо бўлмас.

Аммо султон... қайда у?

15

Қалъанинг орқа девори дарё бўйига тушган, бепоён сув Уччани ўша томондан ҳимоялагувчи эди. Қўриқчи кемалар фавқулодда ҳодисаларга ҳамиша тайёр турар, шаҳар қамал қилинган ҳозирги шароитда эса уларнинг сони бир неча баробар оширилган эди.

Дарё оролларида кичик-кичик иккита манзил – Акар ҳамда Бхаккар қалъалари жойлашган. Қўшинни ҳужумга киритган он султон ўзининг чериги билан дарё томонга ўтиб олган эди.

Тун чўкиб, ой тикка кўтарилганида Уччадан анча юқори соҳилда султон отларни дарёга солди. Қорабайир тўлқин ошиб бораркан, Жалолиддин хаёлидан лип этиб ўша машъум кун ўтди. Волидаи муҳтарамаси, бола-чақасини дарёга оқизгани... Онасининг узоқ-узоқлардан келган «бо-лам», деган ноласи. Унутиб бўладурган воқеотлармиди булар?!

Отлар орол сари сузиб борар, султон қалбида бир нафасга пайдо бўлган эзгинлик ўрнини интиқом эгаллар.

16

Айни шу пайтда Ибн Ҳожиб Қорасочни ўз ҳужрасига олдирди.

Буни у аламзада қизни кўнглини олган бўлиб тузоққа тушириш, бағри хун раққоса эса ҳисоб-китобни тўғрилашга имкон деб қаради.

Қорасоч шундай ороланган эдики, манаман деган ҳинд гўзалларига йўл бўлсин. Сочлари аввалгидан ҳам узун ва қора, юзлари сутга чайилгандай тоза, кўзлари сузук, лабларидан бол томар.

Чингизхон жазокашлари бостириб кирган ўшал машъум тунни на Ҳожиб тилга олди, на Қорасоч. Биринчиси буни қўзғашни истамас, иккинчиси бу фожиани кўнглидаги тўлқинлар тубига кўмиб, юзага қалқиб чиқишига йўл бермай турарди.

Ибн Ҳожиб бу офатижон раққосанинг мазасини яна бир тотиб, уни Маликшоҳни илинтиришга жалб этишни кўзларди. У аллақачон Маликшоҳга мактуб битиб, ҳатто вазир муҳрини бостириб олган, тонг отмасданоқ Қорасочни қалъадан чиқариб юбориш чорасини пухта ўйлаб ҳам қўйган эди.

Қорасочнинг нияти эса бу икки оёқли махлуқни рақс тўрларига ўраб, қора сочлари дорига осиш эди, бунга олдиндан ўзини тайёрлаб келарди.

Шу боис ўйинга тортиши ҳамоно «енгил» қанот қоқди-кетди. Рақс ва шароб таъсирида яноқлари анор янглиғ қизарган, кўкраклари қўш каптардай патирлаб турган қизни бағрига босиб эркалаган бўлди-да, мақсадга кўчди Ҳожиб. Маликшоҳга учрашмоғи, мактубни унга топширмоғи зарурлигини тушунтириб, тонг саҳарлаб дарвозада ким кутиб олиши, қандай чиқариб юборишини бир-бир айтди. Қорасочнинг дарҳол рози бўлишини кўриб қувонди ва шароб устига шароб ичди.

Тўшакка тортиб ечин деди. Қорасоч тугмаларини ечганга олиб турганидаёқ тўшакка ўзини ташлаган Ҳожибнинг хурраги ҳужрани қулдиратиб юборган эди. Қорасоч шаробга пинҳона қуйиган уйқу дори оқибати эди бу.

Шундан сўнг раққоса Ҳожибнинг қўл-оёғини бойлади. Оғзига латта тиқди.

Буни у узоқ кутган эди. Неча марталаб ипидан-игнасигача режалаштирган эди. Унинг амалга ошишига Ҳожиб ўзи имкон яратди.

Нимчаси қатига яшириб қўйган милни олди-да, алам билан Ҳожибнинг кўзларига тортди. Ҳожиб ижирғанар, ўзи сезмаган ҳолда бақирмоқчи бўлар, аммо мажоли етмас эди.

Қорасоч эшикни аста очди-да, қоровулнинг тарашадай қотиб ухлаётганини кўргач, дадил ташқари йўналди. Ҳовлини айланиб ўтиб қалъа дарвозаси томон кетди.

Ҳозир у нима қилиб қўйганини идрок этиш ҳолатида эмасди, кейинчалик лойқа сувлар тиниққач, бу мудҳиш кечани ўйласа, юраги орқасига тортиб кетарди.

17

Бу тонг икки муждадан ёришди. Бири – султон дарё канорини эгаллагани бўлса, иккинчиси Кубача Хоккарда енгилиб қочиб кетгани эди.

18

Қалъа дарвозаси ғийқ этиб очилдию бекилди. Ундан чиқиб улгурдими ё осмондан тушдими, аскарлар олдида номаълум аёл пайдо бўлди. Уни сўроққа тутдилар. Дедики, сўзумни фақат саркарда Маликшоҳга айтгаймен.

Саркарда чодирида иккови ёлғиз қолишгач, Қорасоч рўмолини ечди. Ҳуснидан нимқоронғи чодир ёришди.

– Ўзунгни танит, айт, кимсен, қайдин бўлурсен? – таажжубда сўради Маликшоҳ.

Унинг син солиб турганини кўрган Қорасоч енги ичидан буклоғлиқ қоғозни олди ва эҳтиётлаб узатди.

– Сизга махфий мактуб, – деди шивирлаб.

Маликшоҳ қизиқиб мактубни олди ва сурғучини бузиб очди. Кўз югуртириб мактубнинг Ибн Ҳожибдан эканлигини билгач, тез-тез ўқий бошлади.

Қуюқ дуойи саломлардан сўнг, Ҳожиб Хуросонда хоқон қўшинларининг Ағроқ ва Маликшоҳга ҳужуми англашилмовчилик оқибати бўлганини, нўёнлар уларни Хоразмшоҳ аскарлари деб ўйлаб саваш қилганини айтиб, ўз ачинишини билдирган ҳамда мўғул черiклари Жалолиддин изидан пайдар-пай келаётганини эслатгач, вақт борида султондан узоқлашишни маслаҳат берган эди.

Шундан кейин аниқ мақсадга кўчилган ва бундай сатрлар битилган эди:

«Деҳли султони Шамсиддин Элтутмиш ва Носириддин Кубача жанобы олийлари ила пинҳона иттифоқ тузиб, Ҳиндустонни Жалолиддин тажовузидан сақламоққа бош қўшгайсиз, бул қадам, иншооллоҳ, барчамизга нусрат келтиргай ва алал-оқибат хоқони аъзам Чингизхони муаззам марҳаматиға мушарраф бўлғаймиз».

Мактуб сўнгида зудлик ила Деҳлига ўз ишончли одамини юбориш Маликшоҳга тавсия этилган ва «сир очилмоғи андешаси»да мактуб олиб боргувчи аёлни ўша заҳоти ўлдириш зарурлиги уқтирилган эди.

Илоннинг иши заҳар сочмоқликдур. Мактубни ўқиганидан кейин Маликшоҳнинг калласига келган биринчи фикр шу бўлди. Наҳотки, ул малъун мени тағин қармоққа илинтирмоқни ва султон қўшинини худди Парвонда бўлгани каби пароканда айламоқни хаёл этур?

Бул хушрўй аёлга эса ўз ўлими ҳақида ҳукм кўтартириб юбориш...

Нурли инсонлар ёмонликка бормагайлар, ўйлади Маликшоҳ, балким юзи оқу ичи қорадур. Йўқса, аёл боши билан эркаклар ишига аралашиб юрарми. Аммо нега у хайрихоҳдай кўринур?

Аёлга синчковлик билан разм солди Маликшоҳ. У ҳамон ўшандай, юз-кўзидан шуъла ёғилиб турарди.

Қорасочнинг бу ҳолатига аждаҳо комидан қутулгани ва ундан ўчини ололгани ҳамда омон-эсон султон даргоҳига етишгани боис эканини Маликшоҳ қайдин билсин!

19

Султон соҳил соқчиларини маҳв этишда ўнг қўлидан яраланган, ўқ теккан жой дока билан ўраб боғланган, қўли бўйнига осиғлиқ эди. Лекин юз-кўзида ярадорлик заҳмидан асар йўқ. Аввалгидек ўктам ва шахдам.

Маликшоҳ олиб келган шубҳали аёлни кўришиданоқ таниди султон. Парвонда кўргани ўшал хотирасини йўқотган аёл. Парвонда уни волидаи муҳтарамаси ўз паноҳига олган. Гулбегим Уччадан қайтгач, раққоса Қорасоч ҳақида, унинг ғамхўрлиги борасида гапирган. Аммо унинг Ҳожибдан вакила бўлиб келиши...

Изн берилганида Қорасоч бошидан кечирганларини қисқа-қисқа, энтикиб-энтикиб гапирди. Ибн Ҳожиб кирдикорларини бир-бир очди.

Ёш бошига беҳад кўргиликлар тушган бу муштипар жувонни султон Гулбегим қатига берди.

Маликшоҳни энди тузукроқ билган бўлса-да, ундан сўради:

– Мактубга ўзинг не дерсан?

– Алаҳсирашдин ўзга нарса эмасдур бу, – ижирғаниб деди саркарда. – Донишманд қиёфасидаги ул қаллоб билмасмики, кўр ҳассасин бир марта олдиргай.

– Ўйинг недур?

– Алдамчи мактуб йўлламоқ даркор, деб ўйлармен. Ёй ўқига илдириб ичкари отилсамикин.

– Бундоқ ўйинларга вақт қайда, – деди султон. – Шул кечанинг ўзунда эл оёғи тингач, ҳужумга ўтгаймиз. Тўплар ўқланганми?



Маликшоҳ жонланиб деди:

– Ҳа, олий ҳазрат, бари ўқланган.

Султон унга син солиб турди-да:

– Уччани эгаллашимиз ила сафарга жўнагайсан, – деди кутилмаганда.

Саркарданинг кўзидаги ҳайронликка жавобан қўшиб қўйди:

– Ибн Ҳожиб мактубин олиб... яъники онинг одами бўлуб Элтутмишга борурсен. Билгаймиз, онинг тутуми не бўлғай...

Маликшоҳ мамнуният ила бош ирғади.

20

Тўғонтўплар беҳисоб машъалалар остида Учча дарвозасини нишонга олиб отганда дарвоза чилпарчин бўлди.

Қорабайир қалъага наъра тортиб кирди. Қўли бўйнига осиғлиқ султонга ғам ема, мен борман, дегандай уст-устига кишнар, йўлбарсдек ёғийга ташланарди. Султон сўл қўлида қилич сермарди.

Икки ёнида икки саркарда – Йигит Малик ва Маликшоҳ қўшинлари ёғий сафларини икки ёндан ёриб-емириб борарди. Бир-биридан тор кўчалар ўликлар ва ярадорларга тўлди.

Тонг отар-отмас қалъа таслим бўлди.

21

Ибн Ҳожибни бу аҳволда кўраман, деб ўйламаган эди султон. Кўр ва хаста бир кимса қаршисида турарди. Шундай бўлсада, эски Ибн Ҳожибдан қолган бир «ўзига хослик» – кибр юзида кўриниб кетар. Кибр – қабргача дегани шу. Ўз нотавонлигини яшириш учун бўлса керак, бошини тик тутишга уринар, аммо калласи ўзига бўйсунмас, осилиб кетаверарди.

Уни бу кўйга солган ким? Раққоса бу сотқин аҳволидан нечун оғиз очмади?

Султон соғ Ибн Ҳожибни қаршисида кўрмоқчи, унинг юзига тупурмоқчи эди. Султондан олдин унинг башарасига тақдир ўзи тупурмиш. Уни лаънатламоқчи эди султон. Ҳаёт ўзи лаънатламиш.

Энди уни қатл айламоқ шартми? Йўқ. Кўрлиги устига уни қулоқ-бурнидан жудо этиб, халойиққа кўрсатиб турмоқ жоиз, билсинларки, сотқиннинг қисмати мундоғ бўлгай!

Кечқурун султон Қорасоч жасоратини Гулбегимдан эшитди.

Қорасочга султон номидан мўъжаз сандиқ туҳфа этилди. Ичи тўла жавоҳирот эди. Бир одам умрига етиб ортгулик сарват эди.

Қорасоч хурсандликдан энтикар эди.

Дунёнинг ишлари шу, ким ўтказса жабрини,
Тақдир бирма-бир ушлаб, сўлдиражак барини.

22

Кубачанинг Уччадан кейинги йирик истеҳкоми – Калор қалъаси. У бамисоли газанданинг иккинчи уяси. Эндиги зарб унга урилмоғи даркор.

– Бул зарбани сен ургайсан, – деди султон Йигит Маликка. – Аввалинда шарт қўйғилки, савашсиз таслим бўлур эрса, афв этилгай. Кўнмас эрса, забт айла. Бор, Оллоҳ ёринг бўлгай!

Орадан бир кун ўтиб қўшин йўлга чиқди. Олдинги сафда отини гижинглатиб ёқимтой «йигит» борар, саркардага ўғринча қараб-қараб қўяр, Йигит Малик кўнглидан эса бу Қамбарбек мунча хушбичим бўлмаса деган фикр ўтарди.

Икковининг оти бир маромда йўрғаларди.

**(Давоми бор).**

# МАЪНАВИЯТ

## ЮЛДУЗ КЎРСИН, ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ

Инсон табиатига яратувчанлик хос. Муҳташам иншоотлар, кенг ва равон йўллар, юрт кўркига кўрк қўшувчи боғ-роғлар, яшнаб турадиган экинзорлар, сув йўллари – буларнинг барчаси инсон ақлу закосининг, инсон қўлларининг маҳсулидир. У истаса тошда ҳам гул ундира олади.

Касбимиз тақозосига кўра юртимизнинг бир қатор гўшаларида бўлишга тўғри келган. Ҳа, юртимиз табиати бетакрор. Яшил водийлардан тортиб, саҳроларигача ўзига хос сеҳрли, тароватли. Қуйида ана шу ўзига хосликни ҳарбий хизматчиларнинг оилалари қандай қабул қилишлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Оила кишилик жамиятининг энг мукаммал ижодидир. Барча оилалар бир-бирига ўхшайди ва айни пайтда бир-биридан тубдан фарқ қилади. Ҳарбий хизматчи оиласи ҳам бошқа оилалардан айрим ўзига хос томонлари билан ажралиб туради. Хизмат бурчи тақозосига кўра улар яшаш жойларини вақти-вақти билан ўзгартириб туришларига тўғри келади.

Мен кўплаб ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашганман. Баъзиларининг суҳбатидан кўнгил тоғ қадар ўсади, баъзилари эса шароитдан нолишади. Энг ажабланарлиси, бу муаммоларни ҳал қилиш кўпинча ўзларига боғлиқ бўлади.

Адиба Тельма Томпсон номини кўпчилик эҳтимол эшитмагандир. Гап уни билишимиз ёки билмаслигимизда эмас. Унинг ҳаётида шундай бир ибратли ҳолат борки, бу ҳар қандай инсонни бир зум бўлса-да ўзи ҳақида ўйлаб кўришга ундайди. Воқеанинг мазмуни қуйидагича: «Уруш даврида турмуш ўртоғимни Нью-Мексика штатига Мохаве саҳросидан унчалик узоқ бўлмаган ҳарбий ўқув лагерига хизматга тайинладилар. Мен ундан ажралмаслик мақсадида бирга жўнадим… Тез орада бу ерни кўришга кўзим қолмади. Иссиққа чидаб бўлмайди. Кактус соясида ҳарорат Фаренгейт бўйича 125 даража! Ён-атрофимда бир-биримизнинг тилимизни тушунмайдиган мексикаликлар, ҳиндулар эди. Эримни саҳродаги ўқув машқларига жўнатишди. Кичкина уйчада ёлғиз ўзим қолдим. Тинимсиз шамол, ейдиган егуликларим ҳам қум, нафас оладиган ҳавода ҳам қум, ҳаммаёқ қум, қум… Ўзимни ҳеч қачон бу қадар бахтсиз ҳис қилмаган эдим. Ўзимга ўзим ачиниб кетдим. Чидолмасдан уйга хат ёздим. Унда ортиқ бу ерда бир дақиқа ҳам қола олмаслигимни, уйга қайтишимни, бу ерда қолишдан кўра турмада бўлиш яхшироқлигини ёздим. Тез орада отамдан жавоб хати келди. Хат борйўғи икки сатрдангина иборат эди. Ва ана шу икки сатр ҳаётимни бутунлай бошқа ўзанга буриб юборди. Унда шундай ёзилган эди: Икки киши турма панжарасидан ташқарига қарашди. Бири ифлос кўчаларни кўрди, бошқаси юлдузларни…

Мен бу сатрларни қайта-қайта ўқидим ва қилмишимдан уялиб кетдим. Юлдузларни кўришни ўз олдимга мақсад қилиб олдим. Тез орада маҳаллий аҳоли билан дўстлашиб олдим. Уларнинг миллий матоларига, кулоллик буюмларига қизиқаётганимни билганларида сайёҳларга сотмаган энг яхши буюмларини мамнуният билан менга совға қилишларидан ўзимни йўқотиб қўяй дедим. Мен ёввойи кактусларни ўргана бошладим. Саҳро қачонлардир улкан уммоннинг туби бўлган. Саҳродан денгиз чиғаноқларини йиға бошладим… Хуллас ўзим учун янги олам кашф қилдим. Бу олам мени илҳомлантирди». Илҳомбахш бу олам туфайли адибанинг машҳур «Нурафшон бастионлар» асари дунёга келди.

Сиз билан биз яшаб турган муҳит Тельма Томпсонникидан тубдан фарқ қилади. Юртимизнинг иқлими иссиқроқ гўшаларида ҳам яшаш учун етарли шароит мавжуд. Аммо ана шу шароитдан ҳам фойдаланмай, нолиб ўтирганлар ҳам бор. Шаҳарчаларда қўни-қўшнилар йиғилишиб, бўш вақтларини писта чақиб, ўтган-кетганни кузатиб ўтиришларига кўзимиз тушади. Мен бу ҳолатни тақиқлаш фикридан узоқман. Аммо…: Энг ачинарли ҳолат ҳам аслида шу. Келинг, шу ўринда сиз билан бир ҳолатни ўртоқлашайлик. Ҳарбий шаҳарчада аёллар билан бўлган учрашувда талаб қила-қила болалар майдончасига эга бўлганларини бир қадар норозилик билан баён этишди. Уларни тинглаб туриб, атрофга разм соламан. Болалар майдончаси… Унда болалар ўйини учун ҳамма нарса бор. Лекин, қандайдир ғариблик ҳам бордек. Чунки майдончанинг теварак-атрофи бийдек, биронта яшил дарахт кўринмайди. Тўғри, бу ерларда дарахт ўстириш мушкул, жазирама, қайноқ гармселлар ҳам йўқ эмас. «Мушкул» деган сўз «мумкин эмас» дегани эмас. Чунки бинолар ёнида бир-иккита ўрик дарахтлари бўй кўрсатиб турибди. Демак, бу ерда дарахт ўстириш мумкин. Бунинг устига яна мевали дарахт-а.

Мен болалигим ҳақида тузукроқ нарса гапириб беришим маҳол. Аммо онам билан ерга уруғ қадаганимизни, онамга эргашиб ёш ниҳолларга сув қуйганимни, ёш ниҳоллар тагини босиб ташламасдан уларни авайлаб парвариш қилганимизни эсласам, юрагим алланечук орзиқиб кетади. Катта отамникидан олиб келганимиз кичкина ўрик ниҳолини ҳам ҳовлимиз четига бирга экканмиз. Ҳозир у шохлари ҳар томонга тарвақайлаб кетган, онам қўллари теккани боис ҳаммамиз учун қадрли улкан дарахт. Бугун шуни ишонч билан айта оламанки, болаликнинг ана шу такрорланмас лаҳзалари сабаб она ерга, эндигина ниш ураётган ниҳолга, дов-дарахтларга меҳрим бўлакча. Она ер, она табиат инсон билан уйғунликда эканлигини болаликнинг ўша лаҳзалари англатгандир, эҳтимол.

Бу билан нима демоқчи эканлигимни зукко ўқувчи фаҳмлади, албатта. Ҳа, ҳа, болангиз билан биттагина дарахт ўтқазинг. Буни албатта фарзандингиз билан бирга қилинг. Шунда унинг ҳафсала билан ишга киришганини кўрасиз. Сиз яшаб турган ҳудудда боғ яратиш жуда машаққатлидир, аммо биттагина кўчатни ҳар қанақа совуқдан, жазирамадан, гармселдан ҳимоя қилиб, парваришласа бўлади. Бу болангиз билан сизнинг дарахтингиз бўлади. Кўчиб кетаётган пайтингизда сизнинг ўрнингизга келган яна бир оилага бу дарахтни ишониб топширинг. Олисларда бўлсангизда, дарахтингиз қандай ўсаётганини фарзандингиз олдида собиқ қўшниларданн суриштириб туринг. Фарзандлар кўпроқ ота касбига меҳр қўядилар. Вақти келиб болангиз ҳам юрт хизматини бир вақтлар сиз яшаган гўшада давом эттирар. Ана шунда табиат синовларига бемалол бардош бериб турган улкан дарахт жигаргўшангиз қалбида қандай ҳароратли туйғулар уйғотишини тасаввур қилинг-а!

Келинг, фарзандларимизга меҳр-муҳаббат, гўзаллик, беғубор орзулар тимсоли бўлган юлдузларнигина кўришни ўргатайлик. «Юлдуз кўрган» фарзандларимиз юрт эртасини ҳам юлдузли қилишларига ишонаман.

**Инобат ИБРОҲИМОВА.**

## ҚАДИМ АНЪАНАЛАР ЎЗИМИЗГА ХОС

**Элимизда нима кўп – яхши кунлар кўп. Яшаса, миллат деб яшайди ўзбек, деб ёзганда шоир ҳақ эди. Халқимиз юрт корига ярашни, яхши-ёмон кунларда елкадош бўлишни ҳар нарсадан устун қўйиб келади. Бунинг исботини ҳозиргача давом этаётган турфа маросимлар, анъаналар мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Ўзбегимнинг тўйларига нима етсин! Қаранг, унинг турлари, номлари ҳам бир қанча: бешик тўйи, хатна (суннат) тўй, никоҳ тўйи, мучал тўй ва ҳоказо. Булар орасида бешик тўйи ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Бу маросим узоқ йиллик тарихга эга. Бешик ҳақидаги маълумотлар ўрта аср манбаларида, хусусан, қомусий этнограф олим Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида учрайди. Шунингдек, Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида ҳам бу борада қимматли маълумотлар учрайди. Мазкур манбаларда бешикнинг туркий



халқлар турмуш тарзида нечоғли аҳамиятга эгалиги тўғрисида сўз юритилади. Аждодларимиз шунинг учун ҳам бешик тўйларига жиддий эътибор қаратишгани таъкидланади.

«Туғилиш тўйи» – фарзанд дунёга келган кунда қавм-қариндошлар, қўни-қўшнилар, хонадонга яқин кишиларнинг тўпланиши, «туғулуқ» қутловларининг қабул қилиниши муносабати билан оилавий тўй сифатида нишонланган. Юртимизнинг турли ҳудудларида бу маросим турлича ўтказилади.

Дейлик, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ҳудудларида бешик тўйига албатта ясатилган той олиб келиниши анъана бўлса, самарқандликлар бу маросимни «сарбози ўйин», «чиллак», «қулоқ чўзма», «жамбил ўйин» кабиларсиз тасаввур қилолмайдилар. Қорақалпоқларда бу кунда «Тусов кесув» деб аталадиган удум бор. Унга кўра, ўғил боланинг оёқларига боғланган, ранг-баранг туморлар ила безатилган арқон кесилади. Сурхондарёда бу маросимда гўдак беланган бешик устидан сочқилар сочилади, етти чалпак пиширилиб, маҳалладаги етти қўшнига тарқатилади, болаларга ёғли кулчалар улашилади. Бунда гўдакнинг ризқи бутун бўлсин, элдан ажралмасин, деган эзгу мақсад ётади. Бухоро, Навоий вилоятларининг айрим ҳудудларида бу айёмда «гаврабандон», «саллабандон» удумларини ўтказиш анъана ҳисобланади.

Мазкур маросимнинг ўзига хос шартларидан бири бу бешик безатиш удумидир. Уни кайвони аёл ёки маҳалланинг дастурхончиси ўтказади. Улар бешикни безашга келтирилган ҳар бир буюмни шарҳлаб, шеърлар билан изоҳлаб борганлар. Бунда боланинг бош ва оёқ томонларига ёмон кўзлардан, касалликлардан асрасин деган маънода турли нарсалар қўйилади. Масалан, ойна, пичоқ, нон, тароқ, қайроқтош, пиёз… Бешик тўлиқ ясатилгач, гўдакни белаш билан боғлиқ ажойиб удумлар адо этилган. Масалан, кайвони момо «эгаси келди, «вовов» қоч», дейди ҳамда гугурт чақиб, уч марта бешик устида айлантиради, сўнгра ойнани қўлига олиб: «Илоҳим, ойнадай йўлинг равон бўлсин», пичоқни олиб: «Илоҳим, душманларнинг йўли кесилсин», нонни олиб: «Илоҳим, нондай азиз бўлсин, ризқи бутун бўлсин», дейди. Ундан кейин чақалоқни қўлга олиб: «Бундай ётқизайми ёки бундай ётқизайми?» деб сўраб болани чап ёки ўнг ёни билан ётқизмоқчи бўлади ва буни уч марта такрорлайди. Йиғилганлар жўр бўлиб момонинг сўровига «Йўқ!» деб жавоб берадилар. Шундан сўнг момо болани тўғри ётқизади ва: «Шундай ётқизайми?» деганда, улар: «Ҳа!» дея тасдиқлайдилар. Шундан сўнг бола бешикка беланади.

Сурхон воҳаси ва Қорақалпоғистонда моҳир чавандоз бўлсин деб бешик устига от анжомларини қўйиш анъанаси авлоддан-авлодга ўтиб келади. Маҳаллий аҳоли бешик тўйида отни эгарлагандек «бешикни эгарлаш» маросимини ўтказишга катта эътибор қаратишади.

Халқимиз азал-азалдан бундай маросимларни миллий маънавиятнинг ажралмас бўлаги деб билишган ва уни асраб келишган. Шунданми, бу каби қадрият ва маросимлар тарихимизнинг кўзгуси, миллий ўзига хослигимиз рамзига айланиб қолган.

**Жамшид НИЁЗОВ.**

## БЕШИК БОЛА – БЕК БОЛА

Уйимизнинг эркатойи, оиламизнинг қувончи, жияним Умиджон икки ёшда. Уйнинг у ёғидан бу ёғига пилдираб тинчимайди, йиқилиб, сурилиб, ҳолдан тойгунча ўйнаб, уйқуси келиб, кўзлари юмила бошлайди. Шунда каравотчаси ёки беланчакда ухлатмоқчи бўлсак, хархаша қилади. Бешикка солиб, алла айтсагина ухлайди.

Умиджон туғилганида акам билан янгам «боламизни бешикка солмаймиз. Болани бешикда улғайтириш тиббиёт нуқтаи назаридан зарарли экан», дея туриб олишди.

Уларнинг гапига тўғриси, ҳайрон бўлдик. Аммо бувим, «бешикда катта бўлган бола бек бўлади, ҳар жойда ўз ўрнига эгалик қила олади. Асосийси, таги қуруқ бўлиб, шамолламаса, касал бўлмаса. Ўзларинг ҳам бешикда катта бўлгансизлар, болам. Нима, бирон жойларинг камми», – деб уларни койиб ҳам бердилар.

Онам акам ва янгамнинг кўнгли хотиржам бўлиши учун болалар шифокорига мурожаат қилдилар.

Шифокор эса:

– Шарқ тиббиётида боланинг соғлом бўлиши учун бешик энг яхши восита, деб кўрсатилган. Бунда биринчидан, боланинг таги қуруқ ва тоза бўлади, ухлаганда чўчимайди, қўл-оёғи тўғри, елкалари кенг бўлиб ўсади, бола бешикда ухламаса, унинг тагини тез-тез алмаштириб туришга тўғри келади. Акс ҳолда, гўдакнинг қовуқ қисми ва буйрак безлари яллиғланиб, сурункали шамоллайдиган бўлиб қолади. Ҳозирда кўп ёш оналар болани бешикка солиб ухлатишдан кўра, болага памперс кийдириб, эркин ухлатишни афзал кўрадилар. Лекин бу нарсани ҳар доим эмас, вақти-вақти билан ишлатиш керак. Кўп вақт қолиб кетса, танага ҳаво ўтмайди. Бу гўдакларда айниқса, ўғил болаларда жинсий аъзолар шикастланишига, пешоб йўлларида туз йиғилиб, болани хаста қилиб қўйишига олиб келиши мумкин. Руҳшуносларнинг кузатишларига кўра, бешикда ётган боланинг онаси руҳан хотиржам бўлиб, мазкур хотиржамлик она сутининг кўп ва ёғли бўлишига хизмат қилади. Бешикка берилган турфа ранглар жилоси бола мияси ривожига ижобий таъсир этади, – дея маслаҳат берибди.

Шундан сўнг акам ва янгамнинг шубҳа-гумонларига ўрин қолмади. Опам фарзандли бўлганида эса онам билан «бешик бозор»га бордик. Бозорда бешик танлаётиб, бир хорижлик сайёҳнинг бешик олаётгани эътиборимни тортди. Ёнида таржимони ҳам бор экан. Қизиқиб гапларига қулоқ солдим. Сотувчи амаки сайёҳга «Бешикни нима қиласиз?», деса, у «Юртимга олиб бориб кўргазмага қўяман», – деди. Сўнг сотувчи унга бешикдан қандай фойдаланишни тушунтириб, тувагу сумагигача қўшиб берди.

Бу воқеани кузатиб туриб, ғурурланиб кетдим. Ўзбекнинг қадим-қадимдан ардоқлаб келаётган бешиги энг ривожланган давлатларда, Европаю Америкада ҳам урф бўлиб кетса ажаб эмас, деган хаёлга бордим.

**Дилфуза РЎЗИЕВА.**

# СПОРТ

Бокс

## МЕДАЛЛАР ШОДАСИ



Туркиянинг Истанбул шаҳрида бокс бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари 6 та медални қўлга киритди, шундан 4 тасига ҳарбий боксчиларимиз сазовор бўлди.

Куба, Россия, Руминия, Украина каби жаҳоннинг 24 мамлакатидан энг кучли боксчилар қатнашган мазкур нуфузли мусобақада ҳамюртимиз, жаҳон чемпиони Аббос Атоев яна бир бор юртимиз спорт жамоатчилигини хурсанд этди. 81 кг. вазн тоифасида рингга чиққан МҲСК вакили саралаш учрашувларида барча рақиблари устидан ишончли ғалабага эришиб, финалда мезбонлар вакилига қарама-қарши келди.

Ҳал қилувчи финал жанги мухлисларнинг ўз боксчисини қўллаб-қувватлови остида ўтганига қарамай, халқаро тоифадаги спорт устаси Аббос Атоев кескин, аниқ ҳаракатлари билан мусобақанинг олтин медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

– Бу ғалабанинг салмоғи баланд, – дейди халқаро тоифадаги спорт устаси, олий тоифадаги мураббий майор Уйғун Сиддиқов. – Чунки Туркияда анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган мазкур мусобақа «А» тоифага киради ва у ҳар доим дунёнинг энг кучли боксчиларини ўзига жалб этган. Бу сафар ҳам шундай бўлди, Аббоснинг рақиблари ҳам кучли эди, лекин у барча жангларини муваффақиятли олиб бориб, ўз вазн тоифасида бугунги кунда жаҳонда кучли боксчи эканлигини исботлай олди.

МҲСК вакили, халқаро тоифадаги спорт устаси Элшод Расуловни ҳам юртимиз бокс мухлислари яхши билишади. «Хизмат кўрсатган спортчи» ўз муваффақиятлари билан бизни кўп бор суюнтирган. 75 кг. вазн тоифасида рингга чиққан шартнома бўйича хизмат оддий аскари Расулов бу сафар кумуш медал билан тақдирланди. Бокс мутахассислари бошқа вазн тоифасига нисбатан айнан шу вазн тоифасида бугунги кунда кўплаб мамлакатларда кучли боксчилар тандеми – рақобати пайдо бўлганлигини таъкидлашмоқда. Бу эса Элшод Расулов Туркияда эришган муваффақиятининг қиймати юқори эканлигини англатади.

Энг оғир вазн тоифасидаги боксчиларнинг жангларига спортсеварлар томонидан ҳар доим катта қизиқиш билдирилади, айниқса, финал баҳсига алоҳида эътибор қаратилади. МҲСКнинг яна бир вакили, халқаро тоифадаги спорт устаси Сардор Абдуллаев мухлисларнинг ана шундай эътиборини ўзига қаратишга эришди. Бироқ, финалда ҳамюртимизга озгина омад етишмади ва у Элшод каби халқаро мусобақанинг кумуш медали билан қаноатланди.

Умумжамоа ҳисобида россияликларни ортда қолдириб, мусобақа мезбонлари ва Кубадан сўнг учинчи натижани кўрсатган ўзбекистонликлар муваффақиятига умидли ёш боксчилар – Расул Жўраев, Рамзиддин Аҳмедов ва Рафиқжон Султонов ҳам ўзларининг муносиб улушини қўшишди. Улар вакилларимизнинг тартиб рақамига мутаносиб медаллар шодаси, яъни битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медали билан қайтишини таъминлади. Халқаро мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлган бу уч нафар боксчимиз орасида 51 кг. вазн тоифасида рингга чиққан Рафиқжон Султонов МҲСК вакили, халқаро тоифадаги спорт устаси ҳам бор.

– Бизни олдинда янада қизиқарли баҳслар, мусобақалар кутмоқда – дейди бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийларидан бири майор Уйғун Сиддиқов. – Улар орасида энг муҳимларидан бири июнь ойида Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатидир. Ўтказилган мазкур халқаро мусобақа биз учун қитъа биринчилигига ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади. Унда терма жамоамиз ўзагини ташкил этувчи боксчиларни жиддий кўрикдан ўтказиш имконига эга бўлдик. Шу ҳафтада Қўқонда яна бир халқаро мусобақа бўлиб ўтади. Россия, Қирғизистон ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг чарм қўлқоп усталари қатнашиши кўзда тутилаётган мазкур мусобақа Осиё чемпионатига борувчи терма жамоамизга номзодлар орасидан энг муносибларини саралаб олиш имконини беради. Мақсад Хитойда ҳам медаллар шодасини қўлга киритиб, нафақат Осиёда, балки дунёда катта нуфузга эга бўлган ўзбек бокси шарафини муносиб ҳимоя қилиш.

Ҳа, жаҳон спорт майдонларида ўзбек боксининг ўз ўрни, эгаллаган мавқеи, нуфузи бор. Боксчиларимиз муваффақияти шарафига Ватанимиз байроғининг кўтарилиши, Ўзбекистон мадҳиясининг янграшидан нафақат спорт мухлислари, балки ҳар бир юртдошимизда юксак ғурур, фахр туйғуларини уйғотган лаҳзаларга кўп бор шоҳид бўлганмиз. Боксчиларимиз ёшларни жисмоний чиниқтиришда, уларни ватанпарварлик ва ўз юрти билан фахрланиш руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлган бундай ғалабалар мунтазамлигини ва узлуксизлигини давом эттиришаётгани таҳсинга лойиқ. Ватан шуҳратини оламга ёйишда ўзига хос восита бўлувчи келгуси мусобақаларда ҳам уларнинг чинакам спорт жасорати кўрсаткичидан умид қиламиз.

**Майор Расул ЖУМАЕВ.**

Веломарафон

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Бир қатор вазирлик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ёшлар миллий веломарафонининг навбатдагиси ўз ниҳоясига етди.

Ўтган йили «Камолот-Тур» 1-миллий веломарафони ёшларимиз орасида ўзига хос шов-шувга сабаб бўлган ва улар томонидан бу тадбирга катта қизиқиш билдирилган эди. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни оммавий равишда спортга жалб қилиш, ёшларнинг ўзаро дўстлик, маданий алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш ҳамда спортнинг велоспорт турини оммалаштириш мақсадида ташкил этилган бу йилги марафон ҳам бундан мустасно эмас. Уч йўналишда – 19 апрель куни Нукусдан, 20 апрелда Термиз ва Фарғонадан старт олган веломарафон гуруҳларини жойларда кўп минглаб ёшлар билан бирга таниқли спортчилар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик вакиллари тантанали равишда кутиб олди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, икки мингга яқин ҳаваскорлар профессионал велоспортчилар сафига қўшилиб, марафонда иштирок этди. Жумладан, Марғилондан Асака шаҳригача бўлган 65 км масофалик веломарафонда 17 нафар профессионал велоспортчилар сафига 150 нафарга яқин ҳаваскор спортчи қўшилди. Водийлик ёшлар – ҳаваскор велоспортчилар, ихлосмандлар довонга қадар марафончиларга ҳамроҳлик қилди.

«Камолот-Тур» иккинчи ёшлар миллий веломарафонининг ҳар бир босқичи якунида марафон қатнашчиларига «Энг яхши пойгачи», «Энг фаол пойгачи», «Энг маҳоратли техник пойгачи», «Энг ёш пойгачи», «Энг кекса пойгачи», «Энг узоқ масофани босиб ўтган пойгачи» ва бошқа номинациялар бўйича мукофотлар, эсдалик совғалари топширилди.

Веломарафон 25 апрель куни Тошкентга етиб келди. Велопойгачилар пойтахтимизда ҳам тантанали равишда кутиб олинди. Веломарафоннинг «Ёшлик» спорт мажмуида бўлиб ўтган ёпилиш маросимида сўзга чиққанлар мусобақанинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятига урғу беришди.

Тадбирда веломарафоннинг турли йўналишлардаги энг фаол қатнашчилари ҳомийлар, ташкилотлар томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланди.

**Ж. РАСУЛОВ.**






Футбол

## МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасидаги Ўзбекистон миллий чемпионатининг 7-тур учрашувлари ўтказилди.

Бу турда дарвозалар 24 марта ишғол этилди, унинг 12 таси мезбонлар, 12 таси меҳмонлар ҳисобига ёзилди. Ғалабалар борасида ҳам ўзаро тенглик – учта учрашувда мезбонлар, шунчасида меҳмонлар устун келди, икки беллашувда эса дуранг натижа қайд этилди.

«Қизилқум» ва «Бухоро» жамоалари ўртасида Зарафшонда бўлиб ўтган учрашув кескин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Буни учрашув натижаси ҳам кўрсатиб турибди – 3:2. «Бухоро» вакиллари Лочин Солиев ва Андрей Власичевнинг ўйиндаги ҳисобни икки марта тенглаштиришига қарамай, шу тургача мусобақа жадвалининг сўнгги поғонасида келаётган зарафшонликлар ўз мухлислари ишончини оқлашга муваффақ бўлди.

Чемпионат пешқадами «Бунёдкор» жамоасининг яна йирик ҳисобда ғалаба қозонишига «Олмалиқ» ҳужумчиси Артурас Фоменко 48-дақиқада монелик кўрсатди. 3:1 ҳисобида якунланган учрашувда қалдирғочларнинг бразилиялик легионери Эдсон Рамос 16-дақиқада ҳисобни очди, Анвар Солиев эса танаффусга қадар иккита гол муаллифига айланди.

Осиё чемпионлари лигасининг гуруҳ ўйинларида юртимиз спорти шарафини муваффақиятли ҳимоя қилаётган «Пахтакор» жамоаси ҳам бу турда ғалабага эришди. Тошкентликлар Жиззахда «Сўғдиёна» жамоаси дарвозасига иккита жавобсиз тўп йўллашди. Фарҳод Тожиев 24-дақиқада, Александр Гейнрих учрашув тугашига етти дақиқа қолганда муваффақият қозонди. Жиззахликларнинг энг тажрибали ўйинчиси ва тўпурари Даврон Файзиевни учрашув ҳаками 63-дақиқада майдондан четлаштириши мезбонларнинг ўйин суръати бироз пасайишига сабаб бўлди.

7-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» – «Шўртан» – 1:1 (Б. Ёқубов – 6; Ф. Холмуродов – 27), «Металлург» – «Насаф» – 1:3 (Т. Турдиев – 38; В. Старецкий – 25, К. Мурзоев – 36, О. Мельник – 69), «Динамо» – «Андижон» – 1:1 (И. Юнусов – 55; Ш. Мирхолдиршоев – 87 пен.), «Машъал» – «Хоразм» – 1:2 (Ж. Ҳамроев – 28 (автогол); А. Бобожонов – 75, В. Баранов – 87).

29 апрель куни бўлиб ўтган «Пахтакор» – «Насаф» жамоалари ўртасидаги 4-турнинг қолдирилган ўйинида пахтакорчилар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

# СПОРТ

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинлари

## ФИНАЛ БАҲСЛАРИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

Юртимизда спортни ривожлантириш, униг барча турларини кенг оммалаштириш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни оммавий тарзда спортга жалб қилиш ишига катта эътибор берилмоқда. Бу бежизга эмас, чунки мамлакатимиз равнақи, унинг порлоқ келажаги ёшлар қўлида. Уларнинг чуқур билимли, ҳар томонлама баркамол, комил инсон бўлиб вояга етишишида спортнинг, жисмоний соғломликнинг аҳамияти беқиёс.

Баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган уч босқичли тизим – «Универсиада», «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» мусобақалари қаторида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг ҳам анъанага айланганини таъкидлаш лозим. Ёшларни Қуролли Кучлар сафларига тайёрлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби эзгу мақсадларда қатор йиллардан буён ўтказиб келинаётган мазкур ҳарбий-спорт ўйинини бу йил ҳам юқори савияда ташкил этилди.

Куни кеча «Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйинларининг финал босқич баҳслари бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан биттадан жамоа қатнашиб, ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

Тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар мусобақанинг йилдан-йилга оммавийлашиб бораётганлигини, ёшларни Қуролли Кучлар сафларига тайёрлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидладилар. Шундан сўнг жамоалар томонидан тайёрланиб келинган жанговар варақа, альбом ва вимпеллар мутахассислар томонидан кўриб чиқилди.

Ташкилотчиларнинг эътироф этишига кўра, мусобақанинг кўлами аввалги йиллардагига нисбатан янада кенгайган. Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Шўрчи, Бухоро вилоятининг Пешку, Қоракўл, Қоровулбозор, Самарқанд вилоятининг Қўшработ, Тойлоқ, Ургут, Нарпай, Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа, Кегайли, Қанликўл, Мўйноқ, Навоий вилоятининг Нурота, Навбаҳор туманларида ҳарбий-спорт ўйинлари юқори савияда ташкил этилди. Туман ва шаҳар босқичларидаги саралаш баҳсларида ғолибликни қўлга киритган ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаси жамоалари апрель ойининг биринчи ярмида вилоят босқичи беллашувларида қатнашиб, «Шунқорлар–2009» ҳарбий-спорт ўйинларининг финал босқичига бериладиган ягона йўлланма учун ўзаро кураш олиб боришди.

– Вилоятимизда 44 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей мавжуд. Уларда таҳсил олаётган ўқувчилардан 15000 нафари ўз жамоалари таркибида мусобақаларда бевосита иштирок этди, – дейди Навоий вилояти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ходими Ф. Бўриев. – Туман ва шаҳар босқичлари маҳаллий газеталар ва вилоят телеканали орқали ёритиб борилиши ҳарбий-спорт ўйинларига бўлган қизиқишни янада орттирди. Вилоят босқичида Навоий кончилик коллежининг «Лочинлар» жамоаси 1-ўринни эгаллаб, финалга йўлланма олди. Иккинчи ўринни Нурота иқтисодиёт коллежининг «Матонат» жамоаси, учинчи ўринни Навбаҳор саноат касб-ҳунар коллежининг «Истиқлол» жамоаси эгаллади.




Қашқадарё вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари жамоалари ўртасидаги «Шунқорлар–2009» ҳарбий-спорт ўйинларининг вилоят босқичи округ сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб ўтди. 168 нафар ёш мусобақаларда иштирок этиш баробарида сержантлар тайёрлаш мактабидаги шарт-шароитлар, ўқув-тарбиявий жараён билан танишишди. Қизғин беллашувлар натижасига кўра биринчи ўринни эгаллаган Ғузор саноат транспорт касб-ҳунар коллежининг «Парвоз» жамоаси шу кунларда республика босқичида иштирок этаяпти.

Вилоят босқичи мусобақаларининг энг сўнггиси Термиз шаҳрида ўтказилди. Ҳакамлар ҳайъати Термиз шаҳридаги Олимпия захиралари коллежининг «Ёш чегарачилар» жамоасини ғолиб деб эълон қилди. Ҳа, «Шунқорлар–2009» ҳарбий-спорт ўйинларининг якуний финал босқич баҳслари айни кунларда қизғин паллада. Жамоалар мерганлик, турникда тортилиш, 100 метрга югуриш, эстафета, ёзги биатлон, граната улоқтириш каби шартлар бўйича куч синашмоқда. Қолаверса, саф тайёргарлиги, саф қўшиғи, ҳарбий топография, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш бўйича баҳслар ҳам мусобақа шартларидан ўрин олган. Қатнашчиларнинг кўрсатаётган натижаларини холис баҳолаб бориш учун ҳар бир йўналиш бўйича ҳакамлар ҳайъати белгиланган.

**Ўз мухбиримиз.**

Атлетический клуб будущего воина

## ГИМНАСТИКА – ЭТО ЗДОРОВЬЕ

### Упражнение с палкой

Исходное положение: основная стойка, отягощение за головой. Повороты туловища в стороны. Дыхание произвольное (1).

Исходное положение: основная стойка, отягощение за головой. Прыжки вверх (2) с одновременным выпрямлением рук вверх. Дыхание произвольное.

Исходное положение: лежа на спине. Поднять ноги к голове – вдох, в исходное положение – выдох (3).

Исходное положение: основная стойка, отягощение на груди в согнутых руках. Выпрямить руки вверх (4) – вдох, в исходное положение – выдох.












# МАДАНИЯТ

## «РАҚСГА ТУШГАНДА ГЎЗАЛ»

**Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида халқаро рақс куни муносабати билан «Рақсга тушганда гўзал» деб номланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда Тамарахоним уй музейи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсум Ҳамроева, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли балетмейстери Зиёда Мадраҳимова иштирок этди.**

Рақс санъатининг ўзига хос тароватi, жозибаси бор. Чунки унда юракдаги энг тоза ва беғубор туйғулар нафис ҳаракатлар орқали тараннум этилади. Инсон борки, рақс томоша қилганда раққосанинг нафис хиром айлашига мафтун бўлади, оҳанг ва рақснинг мавжига сингиб кетади. Зеро, рақс инсонга завқ-шавқ бериш билан бирга, юракка гўзаллик, нафосат ва меҳр уруғини экади. Айниқса, юракдан ижро этилган рақслар ана шундай тенгсиз кучга эга.

Мазкур ижодий кечада ижро этилган рақслар ҳам ана шу жиҳати билан барчага манзур бўлди, десак муболаға бўлмайди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли раққосаларининг ҳарбий ватанпарварлик, она юртга меҳр ва садоқат ҳамда севги, вафо каби муқаддас туйғуларни тараннум этувчи бир-биридан бетакрор рақслари кечага янада файз бағишлаб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Тадбир давомида ансамбль қошида ташкил этилган «Қизалоқ» ва «Родник» рақс дастаси аъзоларининг ажойиб мусиқий чиқишлари ҳам тақдим этилди.

Кеча сўнггида турли байрам ва тантаналарда фаол иштирок этиб келаётган Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли бир гуруҳ раққосалари ва ансамбль бош балетмейстери Зиёда Мадраҳимовага Фахрий ёрлиқлар тантанали равишда топширилди.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**





## УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР КЎРГАЗМАСИ

Қадимий ва навқирон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги республикамизда кенг миқёсда нишонланмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти ҳамкорлигида ташкил этилган «Устоз ва шогирд» деб номланган кўргазмада профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар асарлари намойиш этилди.

Айниқса, устоз рассомлар – Баҳодир Жалолов, Ориф Муинов, Рустам Худойберганов, Жавлон Умарбеков, Акмал Икромжонов, Собир Раҳметов, Эркабой Машарипов, Чори Бекмиров, Муртоз Иргашев, иқтидорли талабалар – Феруза Эркабоева, Ригина Шарипова, Шерзод Бекмиров, Хуршид Ибрагимовларнинг театр безаги рангтасвири, интерьерни лойиҳалаш, бадиий кулолчилик, компьютер графикаси ва бадиий фото, реклама ва амалий графика, ёдгорликлар безагини қайта таъмирлаш, саноат дизайни каби йўналишлардаги ранг-баранг асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзига хос услубда ишланган бежирим кулолчилик асарлари ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Ш. Шерназаровнинг «Буюк ипак йўли», Б. Юнусовнинг «Лаганлар тўплами», Ф. Тошмуҳаммедовнинг «Шарқ гўзали», У. Абдуваҳобовнинг «Оила» каби асарлари юртимиздаги Риштон, Ғиждувон каби машҳур кулолчилик мактаблари йилдан-йилга ривожланиб бораётганини яна бир бор намойиш этди, дейиш мумкин. Кўргазмада устоз ҳайкалтарош Равшан Миртожиев юксак маҳорат билан ишлаган Ал-Фарғоний, Алишер Навоий, Ғафур Ғулом, ёш ижодкорлар Ж. Анназаров «Камончи», Ж. Тўраев «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Хаёл» деб номланган ижод намуналари билан қатнашдилар.

Санъатнинг маҳобатли ва дастгоҳли рангтасвир йўналишларида ўз услубига эга бўлиб бораётган Д. Неъматов, М. Жалилов, О. Макаров, Ф. Эркабоева, А. Усманов, С. Нугманов, Х. Ибрагимов каби ёш истеъдодларнинг асарлари ҳам мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

**Сурайё ХЎЖАЕВА.**

## САНЪАТГА ОШУФТА КЎНГИЛ

**Ҳар қандай яхши қўшиқ кўнгил қатидан мустаҳкам жой эгаллайди. Чунки қўшиқда беқиёс қудрат борки, уни тинглаганда бир дам дунё ташвишларини унутиб, мафтун бўламиз, юрак орзиқади. Қайсидир бир китобда ўқиган эдим, қўшиқда дилбар овоз, лобар куй ва таъсирчан сўзгина эмас, инсонларнинг қалбини ўртовчи, азобловчи, қувонтирувчи юксак дарднинг мавжудлиги учун ҳам у тезда ўз мухлисларига эга бўла олади. Зеро, санъаткорлар томонидан ижро этилаётган бу сирли ва сеҳрли нолаларда соғинч сайқал топади, муҳаббат оташлари юракни куйдиради, ҳаётга ошуфталик ортади ва энг асосийси, энг сара инсоний туйғулар кўнгилга меҳмон бўлади.**



Эътибор берган бўлсангиз, инсон хафа бўлганда ҳам, хурсанд бўлганда ҳам қўшиқ тинглагиси келади. Зеро, улуғ ҳофиз айтганидек, фақат қўшиқгина юракка тенгсиз таскин бера олади. Бу эса ўз навбатида ижрочидан юксак иқтидор ва қобилиятни талаб қилади. Чунки истеъдодли хонандагина мусиқа билан йўғрилган сатрлар қатига яширинган дардни, қувончни англай олади, уни маромига етказиб ижро этади ва инсон кўнглига йўл топади. Бугунги саҳифамиз қаҳрамони ҳам ана шундай истеъдод эгаси, МХХ Чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист сержант Муҳаррам Абдухалиловадир.

Муҳаррам болалигидан санъатга, айниқса қўшиқчилик санъатига меҳр қўйиб улғайди. Бунда онаси Тасвира опанинг ҳиссалари беқиёс бўлди. Чунки Тасвира опа ҳам яхшигина қўшиқчи бўлиб, маҳалладаги тўй-ҳашамларда ялла, ёр-ёр ва лапарлар айтиб, тантанага файз киритар эди. Онасининг ёр-ёру лапарлари ёш Муҳаррамнинг қалбида ушбу санъатга нисбатан меҳр уруғини экган бўлса ажабмас. Чунки Муҳаррам ҳам бошланғич синфда ўқиб юрган кезлариданёқ турли тадбирларда мактаб саҳнасида қўшиқ айтиб, барчанинг олқишини ола бошлади. Бир неча бор тумандаги мактаблар ўртасида ўтказилган кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

1990 йилда Жиззах вилоятининг Арнасой туманида ҳаваскор санъаткорлар ўртасида «Камолот–90» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда мактабнинг юқори синф ўқувчиси Муҳаррам Абдухалилова ҳам қатнашиб, катта саҳнада ўз истеъдодини намойиш қилди ва танлов ғолиблигини қўлга киритди. Бу унинг санъат соҳасида эришган энг катта ютуғи эди. Дастлабки ғалабадан сўнг Муҳаррам ўз устида тинмай изланди, меҳнат қилди. Унинг ҳаракатлари зое кетмади. Муҳаррам Тошкент давлат санъат институтининг мусиқали драма факультетига ўқишга кирди. Ўқиш давомида у истеъдодли ҳофиз Орифхон Ҳотамов, вокал йўналиши бўйича Шерзод Пирматов, мақом бўйича Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоиловалардан таҳсил олди. Катта иштиёқ билан мусиқа ва қўшиқчилик санъатининг сир-асрорларини ўрганди.

2000 йилда институтни тамомлаган Муҳаррам Абдухалилова Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара қўшинлари ашула ва рақс ансамблида яккахон хонанда сифатида дастлабки фаолиятини бошлади. Мана, тўққиз йилдирки, у ҳарбийлар хизматида. Истеъдодли хонанда Муҳаррам Абдухалилованинг юрагидан отилиб чиққан дилрабо қўшиқлар барчанинг қалбидан чуқур жой олган. Шу боис у чегарачиларнинг севимли хонандасига айланган. Унинг ижросидаги «Найлайин», «Она», «Мусаффо осмон», «Чегарачи ёри» каби қўшиқларга қулоқ тутинг: улардан севги-муҳаббат, меҳр ва садоқат ҳисси таралиб туради.

Биз жонкуяр санъаткорга ижодий баркамоллик тилаб, бундан буён ҳам ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги янги-янги қўшиқлар яратишини истаб қоламиз.

**Подполковник М. МАТАЕВ.**

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, В. КАЛОШИН.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Искакаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 26000.
Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-7318.